

ЖАВОБГАРМИЗ БУ ДУНЁГА ...

ЖАВОБГАРМИЗ БУ ДУНЁГА...

Фазога Ернинг биринчи учирилиши билан бошланган космик эранинг суръат ва миқёслари олам ҳақидаги тасаввурни анчагина ўзгартириб юборди. Кейинги чорак асрдан зиёд давр мобайнида ижтимоий турмушдаги, фан-техника оламидаги ялпи тарраққиёт таъсирида адабиёт, жумладан, шеърият учун янги уфқлар очилди. Булар, асосан: ҳар бир истеъдодли шоир учун ижодий изланишлар доирасининг кенгайиши, воқеликка, инсон дунёсига ҳар қачонгидан кўра яқинлик, ҳаётни бутун мураккаблиги билан акс эттириш, мушоҳаданинг фалсафий таҳлил билан йўғрилиши ва ҳоказо.

Илмий-техника революцияси, турли ижодий тақдирга эга шоирларга, шубҳасиз, турлича таъсир кўрсатади. Масалан, Абдулла Орипов “Денгизга” шеърида бу “шафқатсиз таффакур асри”да “инсон ўз қалбини англаса зора”, у “бир кун тош қотмаса” эди, дея ўйга толади. Наҳотки, тафаккур неъматлари унинг доно соҳибини электрон машиналар каби ҳиссиз вужудга айлантирса, “буюк насибаси— тенгсиз ҳаёли”дан маҳрум этса? Шоир йигирма йил муқаддам “Темур одам” шеърида “илмда энг сўнгги кашфиёт” ҳисобланган роботга қиёсан суврати одамга ўхшаса-да, сийрати темир, ҳеч қачон инграмас, кулмас, йиғлай олмас кимсалар фожиасини кўрсатган эди. Шоир кейин ҳам ядро асри зиддиятларини кучли контраст образларда ифодалади: “Сен-чи, меҳварингда айланасан тек, яхши-ю ёмонни елканга ортиб” (“Она сайёра”), “Ҳануз кўп дунёда муз қотган юрак” (“Момо офтоб”), “Бироқ ҳали бордир шайтонга ўртоқ”, “Фақат коммунизм – ул эзгу ният Инсонга софлигин берар қайтариб ” (“Юзма-юз”), “Бу бари-асримиз кашф этган бало” (“Сўнгги уруш”). Баъзан шоир сатрлари кескин, мубоҳасали тус олади: “Одамни маҳв этар фарзанди одам” (“Маломат тошлари”), “Оҳ фақат одамзод – фарзанди башар, Бир-бирин маҳв этиш қасдида яшар” (“Қонуният”).

Илмий-техника инқилобининг шеъриятга таъсир доираси кенг. Масалан, Асқад Мухторнинг “Гагарин” шеърида инсоннинг биринчи космик парвозига чуқур поэтик маъно берилади— ўша буюк жасоратга муносиб умумлашма образ яратилади:

Бизнинг қалбимиздан учган эди у...

Минг йиллик ҳаёллар изидан.

Инсон ақлида ҳам, коинотда ҳам

Зулмат чил-чил синар ўшандан бери.

Поэтик мушоҳада бундай – ҳам ҳаётий, ҳам ҳаёлий-романтик характердаги бадиалар заминига қурилган лирик лавҳалар фандаги инқилобнинг шеърятга тўғридан-тўғри, бевосита таъсирини кўрсатади. Инсон заковати ҳар қандай учқур ҳаёлдан қудратли экан, унинг самаралари биринчи галда планетамиз учун зарурлиги шоир Усмон Азимов шундай ифодалайди: “Нечун она замин одамлар аро Илк юлдуз бўлмоққа сизни танлади?” Шоир Гагариннинг умрбоқийлиги сири инсонийлигидадир, деган хулосага келади.

Одамзоднинг заковати табиати каби тиним билмайди. У оламни мумкин қадар теранроқ билишга, моҳиятига чуқур назар солишига интилади. Асқад Мухтор учун бундай характерли қаҳрамон ғоят эъзозли: “Аминманки, кунлардан бир кун бирон планетани олсанг ҳам қулга, “Бу ер ёмон эмас, аммо...” деб, яна отланарсан йулга!” Бироқ дунёда космик тадқиқотлардан ҳам инсоният манфатларига қарши ёвуз мақсадларни кўзлаган кучлар борки, улар шоирни сергаклантиради. Ойга астронавт учирган ниқобдор жанобларнинг ҳақиқий қиёфасини шундай чизади: “Бир оёғи Ойда булган билан бир оёғи гудак устида”. Рауф Парфи аср зиддиятлари кескинлашган нуқталарга ўзгача шарҳ беради. “Ёзувчиларни асраган замон. Доим қонни эслатиб турар”, “Жароҳатлари бор Қаҳрамон ва жинойтчи асримнинг. Керак, керак бир буюк жарроҳ Токи уни юлиб ташласин”. А. Ориповнинг қаҳрамон ядро қирғини даҳшатларини, аввало, инсоният цивилизациясининг муқаррар ҳалокати, қолаверса, жамики моддий ҳилқат фалокати тарзида тушунади: “Мозийдан бирор ном қолармиди, бас, Келажакнинг ўзи бўлмаса магар”, “Қопламаса басдир еру самони мудҳиш қирғинларнинг қора тўзони”.

Табиий, фанда инқилоб даврининг бевосита таъсири ҳар бир шоирда турлича намоён бўлади. Масалан, Эркин Воҳидов инсон ва космос муаммосини шундай рамзий образларда талқин этади: “Ажаб эмас юра каортасидан Ўтиб кетган булса олам меҳвари”. Асримиз қанчалик чуқур бўлмасин, унинг қиёфасини фақат инсоният белгилай олади Шу маънода шоир инсонни оламнинг марказида қўйиши бежиз эмас. “Оламнинг меҳвари” ва “юрак аортаси” образларига хос фавқулодда бадиий мантиқ бундай журъатли ҳаёлга тўла асос беради. Шоир инсон дунёсини инкишоф этишда давом этади:

Аммо не бор ўз юрагида

Билмай ўтиб кетадилар инсон.

У яшайди тилсимлар аро

Ҳар кашфиёт янги маррадир.

Унинг ўзи сирли бир дунё

Дунё эса фақат заррадир.

Бу ўриндаги ғаройиб поэтик нисбатлаш шоир нозик хаёллиги, шеърий мантиқ нуқтадонлиги натижаси бўлса-да, мўъжизакор тадқиқотлар асрининг ижодий жараёнга таъсиридан бир далолат деб ҳисоблаш лозим.

Илмий-техника инқилобининг шеъриятга билвосита таъсирига келсак, бир қарашда, қуйидаги сатрлар жаҳоншумул кашфиётларга унчалик алоқадор эмасдек туюлиши мумкин. Бироқ шеър моҳиятига дурустроқ разм солинса, масала бир қадар ойдинлашади.

Ярим тундан кейин ўрнимга ётсам,

Қонимнинг уриши бермайди уйқу.

Узоқ аждодимнинг овозидир бу...

Мен ҳам бир вақт қон булиб тупирсам,

Тинглайдиган одам бўлармикан!..

А. Мухторнинг замирида қутлуғ ва азиз хотиротлар жой олган бу сатрлари ҳаётдаги, фан ва санъатдаги ўрнини қайта тиклаган, ҳозирги шароитда янги равнақини кечираётган генетиканинг таъсирида туғилмаганмикан? Шоирнинг “Мен дунёга келиб дунё орттирдим” туркумига кирган “Олий бутунлик” шеърида том маънода космик кенглик бор.

О, она табиат! Сен билан яксонман,

Сен менинг эркимсан, менинг қафасим...

Оламнинг ибтидо интиҳозир чексизлиги “она табиат” билан бир бутун инсон қалби ва тафаккурига қанчалик имтиёзлар бермасин, айни чоғда шу буюк уйғунликда у ўзини на макон, на замонга сиғдира олмаса не ажаб? Шоир башарий ғояларни шундай ассоциатив образлар орқали ифодалаганки, улар ҳозирги мўжизакор тадқиқотлар доирасини ёриб чиқиб, замонларни, авлодларни ларзага солган армонли ўй-хаёллар билан боғланади.

О, ҳаётнинг олий бутунлиги!

Инсонга уфқларни кенгроқ оч.

Жамики дардларга малҳам ўзингсан,

Азобли ўйларга ёғду соч,

Азобли ўйларга ёғду соч...

Рауф Парфи устоз шоирнинг муборак “азобли ўйлар”ини ўзича ривожлантиради. Чунончи, “Санъаткор” шеърида ўзи ижро этган ролдан таъсирланиб, “парда ортида йиғлаб қолган” қаҳрамон – ҳассос актёр айрим томошабинларнинг спектаклдан кейинги нажотсиз ҳолатини кўриб “азобли ўйлар”га толади.

Ҳеч нарса кўтармас кўнглимни манам,

Сапчиб томоғимга осилади жон.

Додимга етмайди на дўст, на ғаним,

Санъаткор бахтиёр бўлмас ҳеч қачон.

Токи дунёда бахтсиз одамлар бор, бахтсизликнинг сабаблари яшар – олам ҳали нотугал. Зотан, “Санъаткор бахтиёр бўлмас ҳеч қачон” деган ҳайқириқ фақат ҳақиқий ижодкор – имони бутун, виждони тоза одамнинг қалбидан отилиб чиқиши мумкин. Абдулла Ориповга бағишланган “Шоир” шеърида “Санъаткор”даги инсоний дард яна ўзгача оҳангда давом эттирилади: “Ҳали яралмади у билан ҳаёт, ҳали туғилмади шоирнинг куни... Шоир юрагида очилмаган гул, шоир юрагида собит интиком... Шоирни куйлатган табиат эмас, Шоирни куйлатган ҳазрати инсон”. “Ҳазрати инсон”га комил муҳаббат ҳислари билан йўғрилган бу рўй-рост сўзлар беихтиёр Шайхзоданинг асримиз шоири қасамномасидек янграган сатрларини ёдга солади: “Жавобгармиз бу дунёга, инсониятга, Жавобгармиз биз бу кунга, эртаги кунга. Ойга, кўкка, китобларга, маданиятга...” Дарҳақиқат, бугун шоир фақат гўзаллик куйчиси бўлиб қололмайди, унинг ижодий тақдири замон ва Ватан ташвишлари, замондош ва башарият дардлари билан узвий боғланган. Э. Воҳидов “Салбий ҳаяжон” шеърида ўша эзгу ташвиш, олижаноб дарддан холи ҳаётни тасаввур этолмаслигини шундай таъкидлайди: “Мендан ҳар нарсани қилинг-у талаб, Кўру қар бўлмоқни сўраманг фақат... Ҳаяжон чекамиз, токи келажак – Билмасин, нимадир салбий ҳаяжон”.

Истедодли ёш шоирларда ҳам чуқур зиддиятли ҳаёллар меваси бўлган шундай шеърлар кўзга ташланадики, бунда илмий-техника инқилобининг билвосита таъсири бор.

Сизлар ким бўлибсиз унинг олдида!

Мен ўзимнинг ҳаётим бўлмиш,
Йўқ, йўқ, ҳаётимдан ҳам азизроқ
Инсон билан ҳам яшамадим-ку.

Сизлар ким бўлибсиз унинг олдида!

Сен ким бўлибсан, ҳаёт,
Кимсан ўзи сен, ўлим!

Муҳаммад Солиҳнинг қаҳрамони ўз ҳаётидан ортиқ деб билган зот билан ҳам ҳамжинс бўлолмайди; демак, инсон ҳаётни қанчалар азизлигига қарамай, унинг эзгу идеали реал ҳақиқатдан юқори туради. Биз буни бир қадар тушунганимиз учун “Сен ким бўлибсан, ҳаёт?” деган, биринчи қарашда кескин хитобни худписандлик эмас, балки яшашнинг маъносида ортиқ талабчан муносабатнинг кучли киноямиз ифодаси деб қабул қиламиз.

Шавкат Раҳмоннинг “Афшонадаги Ибн Сино ҳайкалига” шеърида ҳалигига “сиғмас” қаҳрамонни кузатамиз: “Буюк ҳаким ўйланиб қолди... гўё ушлаб жон томирини қулоқ солар ернинг сасига... Минг йилки ер бор орзусини, бор ҳавасин кўксида ёқди, қаро терга ботиб минг йилки диёнатсиз касларни боқди”... Фақат ҳозирги мислсиз тарраққиёт меъёрлари ёш шоир қаҳрамонига шундай мушоҳада уфқларини бағишлаши мумкин. Зеро, Шавкатнинг она Замин тақдири ҳақидаги изтиробли “ўйлари” – теран образлари нафақат мозийга, балки бизнинг кунларимизга ҳам дахлдордир.

Илмий-техника инқилоби билан турли даража боғланган шеъриятни ҳар жиҳатдан тўқис деб бўлмайди. Масалан, атом асрининг зиддиятларидан бири – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳаёт, азалий неъматлар тақдири муаммосига шеъриятимиз ҳозирги имкониятлар даражасида муносабат билдирыпти, дейиш қийин. Хусусан, тинчликни сақлаб қолишга бағишланган, ҳатто йирик истеъдод эгалари қаламига мансуб айрим шеърларда ҳам, менингча, поэтик мушоҳада ва ҳаёлнинг мавзу тақозо қилган умумбашарий масштаби, зиддиятлари, образларининг жаҳоншумул меъёрлари билан мутаносиб талқини етишмаётгандек туюлади. Масалан, бизнингча, А. Ориповнинг “Сўнгги уруш” шеърида шоирнинг йирик манзумаларига хос ҳислар тугўни, ҳаёл кенглиги ҳар жиҳатдан бутун образлар силсиласи кўринмайди. Шахсан менга ҳар бир банд уруш ваҳмини қайд этиш билан кифоялангандай. Биргина мисол: “Йўқ, бу пок диллардан

йироқ маломат, Бу – бани одамга кўргулик шўриш. Бу – шўрлик заминга чанг солган офат, Бу – дўзах, бу – ўлим, бу – сўнгги уруш”. Шунингдек. Э. Вохиловнинг “Шарқий қирғоқ” ёки “Бир бурда нон” шеърлари ҳам бевосита мавзунинг ўзидан келиб чиқадиган мушоҳада миқёси, образларнинг теран оригиналлиги билан ажралиб турмайди. Бунинг устига баъзи сатрларнинг умумийлиги севимли шоиримиз дастхати учун номавзун бир ҳол: “Зулм кўрғонига қилавер ҳужум, Билки, бизникидир ниҳоят зафар”.

Ўзига хос шеърӣй истеъдодга эга бўлган турли авлодга мансуб “яхши ва ҳар хил шоирлар”га (В. Маяковский) келсак, улар баъзи-баъзидагина янги ташбиҳ, оригинал образлар яратмаса, аксарият “осон” йўлни – декларатив характердаги силлиқ тавсифийликни афзал билиб иш тутадилар. Масалан, дунё кезган таниқли, тажрибадор шоир Рамз Бобожон халқлар дўстлиги мавзуидаги ўнбешликларини (“Тўёна”) эълон қилди. Шоир сўнгги ўн бешлик – Эстония мадҳида фақат бир банд билан кифояланиб, қолган икки бандда бошқа муҳим мавзу – ядро уруши хавфи ва тинчликни сақлаш муаммосига муносабат билдиради. Лекин, назаримда, шеър умумий, тўғри фикрлар баёни бўлиб қолгандай.

Истеъдодли йўналишига кўра халқ ижодчиларига яқин турадиган, ўзига хос мавж билан ёзадиган Султон Акбарӣй “Инсон ва робот” шеърӣда асосан ахлоқӣй муаммолар устида баҳс юритади. Шеър дастлаб гоҳ анча дуруст, гоҳ сайқалталаб сатрлар билан бошланади: “Одамлар, наҳотки, Наҳот кам бўлсак, ўзимиз яратган мўжизадан ҳам... Роботлар олдида қани шарм-ҳаё, Баъзан мусичадай увол,нўноқмиз”. Асар, давомида, афсуски, фикр-ифода парокандалиги, ғализлик учрайди: “Авф этамиз баъзан кўзбойлоғични, Хатони хаспўшлаш хасмол эмасдай. Танлаган бўламиз илми ғиж-ғижи, Дастмоя дипломга лом-мим демасдай”. Бу ажабтовур тасвир сўзни нозик ҳис қилувчи, хуштаб шеърхонга унчалик хуш келмайди.

Дастлаб жўшқин кечинма-образлари, янги, тутилмаган ташбиҳлари билан эътиборни торта олган, истеъдодли ғазалнавис Жамол Камол ижодида кейинги йилларда эринмасдан тарашланган тавсифийлик, лирик меъёридан ошган рационализм кўриняпти. Шоирнинг “Умидли дунё кўшиғи” манзумаси ҳам (у зоҳиран “Сўнгги уруш” билан ҳамоҳанг) деярли шундай таассурот қолдиради. Шеърдаги кўпчилик бандлар, афсуски, умумий тавсифан нари ўтмаса, айримларида мантиқӣй-ифодавий номувофиқлик ҳам йуқ эмас.

Хуллас, илмӣй-техника революцияси даври шеърӣятимизнинг мазмун ва мундарижа доирасига чуқур томир отмоқда. Ранг-баранг иқтидор ва услубӣй йуналишларга эга шоирларимиз шу қудратли давранинг ўзига хос

бадий ифодасини топиш йулида изланмоқдалар. Биз шу изланишларнинг
айрим жихатларига тўхталиб ўтдик, холос.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси

1984 йил

19 октябрь 42 сон.

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

(АЛИШЕР НАВОИЙ тугилган куннинг 533 йиллигига)

Шу йилнинг 9 февralида Алишер Навоийнинг таваллуд топганига 533 йил тўлади. 9 февраль Навоий куни сифатида нишонланади. Навоий комитети ўзининг навбатдаги илмий сессиясига йиғилади, унда Иттифоқимизнинг навоийшунос олимлари иштирок этади. Янги тадқиқотлардан маърузалар, илмий ахборотлар тингланади, республикамиз мактабларида, олий ўқув юртларининг филология факультетларида адабий кечалар ўтади, матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида махсус саҳифалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ташкил қилинади.

Бундай шарафга, юксак ҳурмат ва муҳаббатга, ҳамишалик эътибор ва эъозлашга ҳар бир классик шоир ҳам муяссар бўлавермайди. Атоқли навоийшунослар уни бизнинг Алишер деб аташлари бежиз эмас, ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоий шоирлик даҳоси билангина эмас, ўзининг юксак гуманизм ғоялари билан, интернационал мазмундаги илғор фикр – қарашлари билан, ниятда бой ва пок маънавияти билан ҳам кириб келди, хонадонларимизнинг тўридан жой олди, шеърят давраларининг фахрий раиси, қадимий шеърятимизнинг янги-янги авлодлари учун бобокалон устоз бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси чуқур ҳаётий, халқчил асосларига ва илмий заминига эга. Зотан Навоий ижодининг зукко билимдонларидан профессор Е. Э. Бертельс уни жаҳон адабиётининг уч буюк титани – Шекспир, Гёте, Пушкин – билан ёнма-ён қўйди. Бизнинг улуғ Навоийимиз ўз асарларининг ғоявий юксаклиги, умуминсоний мазмуни, кўп қиррали ва сержилоли, бадий мукамаллиги, сеҳрли образлари билан шундай юксак, фахрли ўринга муносибдир. Навоийшунослар шундай буюк шоирнинг шоҳ асари сифатида унинг “Ҳамса”сини кўрсатадилар. Бу илмий жиҳатдан асосланган мўътабар фикр. Ҳақиқатан ҳам Навоий “Ҳамса”си шоирнинг бутун ҳаётий, адабий, илмий, ҳатто, сиёсий фаолияти сабоқлари, тажрибаларининг умумий бир натижаси. Бадий умумлашмаси эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Навоий даҳоси ҳақида сўз айтиш учун ғазалхон ёшликнинг, лирик ва романтик ёшликнинг қалбига, дафъатан, бевосита кириб борувчи шоир ғазалиёти ҳақида, унинг шоҳ асарлари ҳақида тўхтаб ўтиш кифоя. Навоий ғазалларининг сири – сеҳри нимада?

Навоий ижодининг ҳассос билимдонларидан Мақсуд Шайхзода шоирнинг лирик даҳосига, ғазалиётига баҳо бериб, уни “Ғазал мулкининг султони” деб атаган эди. Бу шоирга бўлган меҳр-муҳаббат натижасида

туғилган шунчаки гўзал таъриф эмас, бу юксак баҳо чуқур илмий заминига эга. Навоий ўзининг жуда эрта уйғонган шеърый истеъдоди катта шеърят, буюк шеърят яратишучун кифоя қилмаслиги ёшлигиданоқ тушуниб етган эди. У шарқнинг буюк шоирларини, сеҳргаррини мутолаа қилган, чуқур ўзлаштирган, улардан минглаб байтни ёд билар эди. У устозларининг маҳорат сирларини пухта ўрганиш билан баробар, ҳақиқий истиқболли шогирд сифатида улардан уларга танқидий нуқтаи-назардан қарай олди.

Чунончи, “Хазойин – ул – маоний” дебочасида ғазалиёт фақат ишк тасвири, хусни, ҳатту-ҳол тарихи билан чекланганлигини, унинг мундарижаси торлигини шоир жиддий нуқсон сифатида кўрсатган эди. Навоий ғазалининг ғоявий тематик доирасини кенгайтиради, социал мотивларини кучайтирди, унинг янги-янги бадиий имкониятларини кашф қилди. У ғазалиётни ҳам янги босқичга кўтарди. Биз Навоийнинг оммавий, ишқий мавзудаги ғазалларидан давр аҳли ҳақидаги ижтимоий фикрларини, дунё, борлиқ, инсоният ҳақидаги чуқур фалсафий мушоҳадаларини ўқиймиз. Қатрада қуёш акс этгани сингари Навоийнинг айрим олинган шоҳ байтларида унинг лирик даҳоси, фалсафий, руҳий, маънавий дунёси кичик миниатюра лавҳада, бир неча сўз лавҳасида жилоланиб туради.

Чарх агар фарёду афғонимга етмас, айб эмас,

Ким онинг бедодлигидин фарёду афғоним чиқар.

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо.

Бас менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Бу байтларда шоирнинг ижтимоий фалсафий фикрлари чуқур маъноли умумлашма образларда ифодаланган. Шоир қанча фарёду афғон қилгани билан уни ҳеч кимса эшитмайди. Чунки асли дунёнинг қурилиши, тузуми, тартиботи адолатсизликка асосланган; Навоий бошқа бир пайтда мамлакат султони золим бўлса, унинг зулмидан кимга арз-дод айта оласан, дейди. Яна бир ўринда дунё шундай адолатсиз қурилган экан, унда инсон ўзининг эзгу, олийжаноб ниятларига эриша олмас экан, унинг асосини бузмоқ, янгидан бунёд этмоқ керак, деган дадил ғояни илгари суради. Навоий ўз замонасининг “Жоҳу мол аҳли”ни меҳру вафосиз кишилар деб атайтиди, бу Навоийга хос дадиллик, исёнкорлик эди. Мол-дунё тўплаш дардида бўлганлар, “Мол аҳли” – мансаб эгалари, сарой амалдорларидан то султонгача булган “Жон аҳли”, уларнинг турмуш тутмуши, номан-аъмоли инсоний меҳр, вафодан узок, шунинг учун улардан яхшилик, адолат, ҳақиқат

кутиш беҳуда. Бу мурасасиз фикр, кескин ҳукм ҳам ўша жамият, ўша тузум асосига зарба берувчи ҳайқириқдай эшитилади.

Навоий ўз ғазалларида асосан, ишқ, ошиқлик, маҳбуба, унинг хусни, ҳажри-фироғи ҳақида ёзса ҳам, бу ишқий мотивларида аслида инсонни улуғлайди. Шоир ёр тимсолидаги инсонни илоҳа даражасида кўтаради. Унинг нафосати, фазлу-камоли ақл-идроки олдида ҳайратда лол қолади, бош эгади. Умуминсоний туйғулар, интернационализм ғоялари ҳам шундан бошланади. Яъни шоир ёр тимсолидан инсоннинг миллати, ирқи, дини, насл-насаби учун эмас, балки инсонлиги учун севади, ардоқлайди. Навоий учун барча эллар-элатлар, барча иқлим, барча қитъа аҳллари, турли миллат тенг ва баробардирлар.

Шоир дostonларидаги каби ғазалётида ҳам ўнларча халқларнинг номини тилга олади, ҳатто, камситилган лўлилар тоифасини ҳам улуғлайди. Лўли гўзаллигини кўнгил маҳбубаси деб атайди... Навоий айниқса бугун, бизнинг замонамизда барча қардош халқлар ҳатто олис-олис ўлкаларнинг халқлари учун азиз ва севимлидир.

Бугунги маърифатли ёшлик Навоий ижодидан, жумладан ғазалиётдан кўпроқ баҳраманд бўлмоқда. Буюк шоир шеърляти нозик нуқтадонлик, нозик хаёлларнинг беқиёс, беназир намунаси, ундан ҳисобсиз маъно гавҳарларини топиш, тадқиқ қилиш мумкин. Мана, Навоий лирик чашмасидан биллурий қатралар:

Гўйиё бир-биридан ошиқ эрур ул икки қош,
Ким қуяр бир бириси бир-бирисининг олдида бош.
То хаёлинг кўздадир, кўз уйи гўё каъбадур, -
Ким туриб атрофидин, киприкларим айлар намоз.
Ишқим, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфарок будурки, юз мингдан бири ёзилмайди.
Қуйма марҳам тийғи захмига кўнгулда, эй рафиқ,
Чикса жон ҳам чикмасун кўнглимдан озори анинг.

Бу шоҳ сатрлардаги пуърмано образларни тўла шарҳлаш, таърифлаш, уларнинг ниҳоясига, поёнига етиш қийин. Навоий шеърлари боқийлигининг сири ҳам шунда.

“Ёш ленинчи” 1974 йил

ФАСОҲАТ СИРЛАРИ

Бадиият мантиқи ҳақида

Фасоҳат мулки, хусусан, шеърият бадияти тўғрисидаги суҳбатимизни аввалги “Сўз гуҳарининг баҳоси” мақоламизнинг давоми, дейиш мумкин. Мулоҳазаларимиз бадий сўз оламининг хос қонунлари, аниқроғи, шеърий санъат мантиқи билан ҳаёт мантиқининг ўзаро нисбати, асрлар синовидан ўтган “саноеъ нафиса” – поэтиканинг нозик, зариф қирралари ҳақида.

Якин ўтмишнинг “ғоявий юксаклик туйғуси”, “ғоявийлик – бош мезон” каби мафкуравий ақидаларни асорати ва оқибатлари муайян муносабатни тақозо этади. Маълумки, ғоявий мазмундорлик (Навоийда “маъни гуҳари”) каби бирламчи омил, яъни ижод фалсафасининг зот тушунчасини сифат белгиларидан – санъат, дахлсиз нафосатдан сунъий равишда ажратиб қўйиш шу даражага етган эдики, масалан, бир олим мавзунинг актуаллиги, яъни “ғоявийлиги” асарнинг заифлигини ҳам оқлаши мумкин, дейишгача борди.

Тўғри, ҳақиқий санъат, жумладан, шеърият миллий уйғониш ёки аксинча, ижтимоий танглиklar – бўҳронлар даврида инсон ва тақдири илоҳий, ватан, эл-улус ҳаққи, миллат ва башарият манфатлари ҳаққи фаол, курашгач руҳ – жавонмардлик билан майдонга чиқиши, давр садоларига аксадо бериши мумкин. Навоий қитъаларидан “Жаҳон ганжиги шоҳ...”ни, Бобур рубойларидан “Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди...”ни, Чўлпоннинг “Халқ”ини, Усмон Носирнинг “Юрак” шеърини, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг “Ўзбегим”, “Ўзбекистон” қасидаларини эслаш жоиз.

Аммо ўйлаган сайин азобни янгилайдиган, мушкулдан мушкул бир масала – бу мислсиз тарихий алданиш фожиаси... бундан на хурриятимиз кашшофлари – буюк сиёсий арбобларимиз, на миллий Уйғониш санъаткорлари истисно эмас. Йўқсиллар инқилоби аталмиш ижтимоий довул таъсирига қаттиқ берилиш, унга жўровоз “жаҳон инқилоби” ғоялари, энг даҳшатлиси – миллионларни чалғитган маъшум инқилобий тажриба-синов (эксперимент)ларининг шафқатсиз ва беомон чиғириғи... Қаллоб моддиюн фалсафаси, сароб идеаллар мафкураси, ҳатто кўнгил мулкидек дахлсиз маънавий оламга бостириб кириши, муқаддас руҳиятнинг таҳқир этилиши оқибати-ла не-не иймон-этиқоди собит зотлар хўрлик, алданиш домига дучор бўлмадилар! Масалан, Чўлпондек улуғхурфикр шоир лоақал “ичкари” мазлумалари, “ер асирлари” шояд ёруғлик кўрсалар, деб оқибати алдамчи бўлиб чиққан тоза умидлар ҳаққи, эҳтимолки, ёвуз салтанат комига емиш бўлган жумхурият йулбошчиларининг бевосита таъсирида буюртма

мавзуларга (“Ленинсиз ўн йил”, “Яна олдим созимни” кабилар) қўл уриши ўша “Ленинсиз ўтган” йилларнинг асорат ва оқибати эмасми?

Бироқ шуниси ҳам ҳақиқатдирки, ўша рўё бўлиб чиққан идеалар, бамисоли афсун-ла ниқобланган ғоялар эликсири билан тўйинган ёки турли даражада асорати қолган шеърлар, мисралардан катъи назар, истеъдодларининг асл шеърлари, асл мисралари шеъриятимиз хазинасидан муносиб ўрин олишига шубҳа йўқ. Иллоҳ, бунинг ҳақиқий маъно ва қиммати бадиият гавҳари билан ўлчанади. “Маъни гуҳари” – ғоявий мазмундорлик эса аввал қайд этганимиздек, шеърӣ мисралар руҳида, маълум даражада пинҳоний-ботиний саъжия касб этади.

Ҳазрат Навоӣ “тангри эҳсонӣ”, “килки сунъ”, “хомаи тақдир” (азал қилқалами, тақдир қалами) каби тавсифлар берган шеърӣ санъатнинг сир-асрори шунда. Бу – илоҳӣ кудрат инъоми бўлган, қолаверса, табаррук руҳӣ илдизлар билан боғланган, халқ ижодиёти сарчашмаси ва мумтоз адабиётимизнинг бой манбаларидан, жаҳон маданияти уммонидан баҳравар бадиият, демакдир.

Бас, инқилоблар, беаёв синфӣ курашлар, ғайриинсонӣ тажриба-синовлар даври қулади, сурону шов-шувлар босилди. Ҳатто “ўлмас ғоялар” эскириши, “улуғвор идеалар” саробга айланиши мумкин экан. Фақат том маънодаги мўъжизавӣ шеърӣ лаҳзалар, илҳомбахш руҳӣ сукунат яшайди. Тарих, муборак хотирот қолади. Баравж васфлар, мадҳиялар, кўзни камаштирадиган таъриф-у тавсифлар оҳори кетади, нури, ранги ўчади. Фақат илҳомнинг ғойиб тухфаси – бетакрор истиоралар, пурмаъно тимсоллар, теран рамзу мажозлар яшайди. Бадиият эскирмайди, унга маънавий эҳтиёж камаяди.

Фасоҳат қонунлари замиридаги бадиият мантиқи илмӣ-мантиқӣ тафаккурдан тубдан фарқ қилади. Бу ўзига хос сирли, самовӣ-руҳӣ жараёнлардан иборат. Унинг асосида ғарбона анъанавӣ тавсифга биноан “образли тафаккур” (Гегел), яъни оламни ҳиссӣ идрок орқали қайтадан бадиӣ гавдалантириш усули ётади. Шарқона фасоҳат қонунлари бўйича фикрласак, исломӣ Тавҳид (Аллоҳ ва оламнинг бирлиги) фалсафаси заминида ўзгача манзара содир бўлади: шеърӣ тимсоллар, истиораю рамзу мажозлар, санъат кимёси-ла янгиланган турли тафсил-нисбатлар оламнинг бадиӣ тажиллиси – хосу нафис инъикосидир. Олам эса беадад кенг ва теран тушунча, моддӣ мавжудод ва руҳӣ ҳилқатнинг илоҳӣ бутунлиги (“вахдати вужуд”) демакдир. Санъатнинг, жумладан, шеърятнинг марказӣ қаҳрамони – инсонда ана шундай сирли-мўъжиз бутунлик тажассум қилган.

Бу муқаддас бутунлик шўролар даврида даҳриёна шаккоклик билан инкор этилди.

Биз бадиият, шеърият мантиқининг фақат бир-икки жиҳатига тўхталамиз, холос. Ижтимоий ҳаёт ёки фан, маданият оламидаги қонуният ҳақиқатлар, меъёру мезонлар, турли ўзгариш янгиликлари, турфа зиддиятлар фалсафаси... Табиий ҳилқатдаги наботот, ҳайвонот, ҳодисот унсурлари, хусусан, инсон шахсияти, қисмати, руҳияти... Буларнинг ҳаммаси ҳайратомуз мухтасар шаклларда, рангин усулларда шеъриятга кўчади, жозиб образ-тимсолларга айланади. Буни мутлақ аниқлиги билан шоирнинг ўзигина билади (яратиш жараёнининг айрим сирли-ғойиб жиҳатлари ҳаттоки шоирни ҳам ҳайратга солиши мумкин!) Биз эса умумий аксари зоҳирий мушоҳадалар, тасаввурлар, субъектив таассуротлар, ҳулосалар тарзида ҳукм чиқарамиз, шеърий тамсилларни шарҳлашга, баҳоли имкон таҳлил қилишга уринамиз. Бадиият, шеърият мантиқининг хос аломатларидан яна бири, масалан, макон, замон тушунчалари шеъриятда ўзгача жозоба касб этиши, бетакрор ва нафис тимсол-образ қиёфасини олиши асло кифоя қилмайди; уларнинг хос аломатлари кутилмаган тарзда бир-бирига ўтиши, яъни макон, замонга айланиши – лаҳзалар тимсолида келиши ёки ранглар товуш-оҳанг тўлқинлари ҳолатига кириши мумкин (“Кўзларинг қаърида синиқ бир нола, Балким қафас ичра уйғонган наво...” – Рауф Парфи). Шунингдек, масофа ва сарҳаллар, сирли-руҳий олам тарзида намоён бўлиши, эҳтимол, илоҳий моҳият касб этиши шеърият мантиқи учун унчалик мушкilot эмас. Образли тафаккур замиридаги бадиият мантиқи талабларидан бошқа бири нафосат қонунларига биноан янгилик яратиш жараёнига хос танлаш, саралаш, умулаштириш усулидир. Не ажабки, “қайта яратиш”, “саралаш”, “умумлаштириш” табиатдаги стихияли жараёнлар учун ҳам бегона эмас. Чунончи, асарларининг наботот гулларида турли зотга, сифату хосиятга эга бўлган нектар йиғиб, ундан янги маҳсулот – мўжиза яратиши ёки ипак куртининг моҳияти – “ҳиммати” (“...Ипак куртича ҳимматинг йўқми?” – Навоий) қанчалик ҳайратбахш бўлмасин, бу жараёнда азалий такрорийлик бор. Бадиий ижод соҳаси – шоирнинг сўз тўйғуси, оламга назари – қалб нигоҳи, дунёни тинглаши – кўнгил уқуви, ботиний идроки замирида ўзгача қонуният бор...

Бас, нима ҳақда, қайси мавзуда ёзиш ижод оламида янгилик эмас (эҳтимол, биринчи бўлгандир), балки қандай ёзиш, қай даражада нафис, хушнаво, рангину нуктадон образ-тимсоллар яратиш бирламчи омил, биринчи вазифадир. Даъволаримиз дадил-исботи учун улуғ мураббий шоир

Навоийдан икки шохбайт, бошқа ҳассос санъаткорлардан биттадан терма байт ёки бир жуфт мисра олиб, шарҳлаб ўтамыз.

Навоийдан:

Бу навъ ўлдим жамолинг муҳафнинг сирридин огаҳ,

Ки фихрастида келди ики фқошинг икки бисмиллаҳ.

Муҳаф – муқаддас китоб, Қуръони мажид; фихраст – унинг муқаддимаси ёки ҳар пораси – бобидаги сўз ибтидоси. Байт мазмуни: маҳбуба “жамоли” – рухсоридан ошиқ кечирган шавқ – ажаб бир фароғат Каломуллоҳ ўқиб олинадиган руҳий баҳрага тенг! Жумладан, ўша илоҳий ҳусн соҳибасининг қошлари... ошиқ кашф этган сирли маънолар силсиласида бамисоли китоб муқаддимасидаги икки қудсий калима (“бисмиллаҳ”) сеҳрига монанд. Вожаб! Исломий китоб муқаддимасида ёки унинг очиқ турган икки саҳифаси юқорисида санъаткор хаттот хомасила махсус ҳуснихат услубида музайян этилган икки муқаддас сўз – маҳбуба қошларига нисбат берилиши суврату маъни эътибори-ла қанчалар нафис, пумаъно.

Иккинчи байт:

Кўзум учарки, ҳумоюн юзингни кўргай бот,

Бияйних анга киприклар ўлмиш икки қанот.

Халқимизнинг раҳмоний бир эътимод билан таъбир қилишича кўз учиги (“қовоғи учди” ибораси ҳам бор), ҳарқалай, яхшилик муждаси: яқин орада бир азиз зотнинг муборак (“ҳумоюн”), соғинтирган дийдорига мушарраф бўлиш хушхабари. Улуғ валиуллоҳ шоир халқ иборасидан фойдаланиб, ошиқ кўзини парвозга интилган қушга, киприкларини унинг қанотига муқояса этади, бу билан бир йўла икки санъат: ирсоли масал ва ташбеҳи том шеърий усуллари кўллаб, анъанавий ташбеҳ (“кўз”, “киприк”)ларнинг янги бадий қирраларини инкишоф этади.

Бобурдан:

Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,

Ёраб, андоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай.

Биринчи масофада “қаро кўз” ҳажр ҳасратлари, соғинч изтиробларининг ортиқ озорли асорати ҳақида: маҳбуба ёди билан ўтган кундузлар айна қоронғи кечадай азобни кучайтиради (дард кечаси авжга чиқади); бунда ҳажр қийноғи шиддатларидан куннинг гўё тунга айланиши

(факулудда муболағам ифрот санъати) ҳодисасидан ҳам кўра сафоли кундуз юзини “қарортирган” “ул қаро кўз” эканлиги ҳайратбахшдир. Бежиз эмаски, иккинчи мисрада ташбеҳлар ўрни алмашади (“қаро кўз” – “кўзи қаро”), тарду акс санъати орқали ошиқнинг озурда ҳоли боз кучайтирилади: бошда фақат хаёлдаги кўзлар энди маҳбубанинг ўзига, у бевафодан келадиган, янгиланган андуҳлар хавфига айланади. Тангрига муножот калимасию шеър радифи (“Ёраб... кўрсатмагай”) шундай хулоса қилишга етарли асос беради. Бобур кузатган бу дақиқ сўз шеърини мантиқ назокати далолатидир.

Фузулийдан:

Ҳар кўзум дарди дил имлосина бир сарномадур,

Шарҳи ғам таҳририна ҳар кипригим бир хомадур.

Туркийзабон шеърятининг назари йўқ суҳанвари Фузулийнинг “дарди дили” қанчалар пурмаъною “шарҳи ғами” нечоғлиқ сирли-сеҳрли эканлигини “кўз”, “киприк” ташбеҳлари воситаси-ла чизилган биргина лавҳадан ҳам тасаввур қилса бўлади. Бу шоҳбайтда таносиб ва ташбеҳи мусалсал санъатларининг шарҳи ғам) орқали Фузулий даҳосила инкишоф этилган хос бадиятни, аҳли табъ – ғасоҳат муҳибларига ўзгача завқу шавқ бахш этувчи нафис санъат қирраларини кузатамиз.

Чўлпондан:

На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!

Кўзимда оғир бир таслим нури бор...

Тазод санъатининг бетакрор бир намунаси бўлган бу лирик-драматик лавҳада бизга сабаблари, моҳияти, ҳарқалай, номаълум аччиқ аламлар, сўзонли хаёллар зухур этади, гарчанд лирик “мен” – қаҳрамон дунёси (балки бу шеърда шоирнинг ўзи, унинг фожеъ қисмати) шу қадарли изтироб-туғён алангасида, тамом “навмид” (Навоий) бир ҳолатда берилиши боисини чуқур идрок этолмасак-да, биринчи мисрадаги шиддаткор инкор руҳидан, қолаверса, иккинчи мисрадан ифодаланган пурдард киноявий образ-лавҳадан нафақат руҳий туғён, балки, эҳтимол, интиқомга даъваткор бир нидо, фарёд, муқаддас армон садолари янграётгандай туюлади...

Рауф Парфидан:

Қора ёрқинликда шивирлар оят

Кўзларингни тинглаяпман энтикиб...

Улуғ пири мураббий шоирлардан, жумладан, ҳазрат Навоийдан мерос “оят” калимасини истифода етган ҳар бир иқтидорли шоир, даставвал бадий сўз масъулиятини, тимсол-образ қадрини чуқур ҳис этмоғи даркор (“Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида” – Р. Парфи). Ҳассос руҳият мусаввири нечоғли жавобгарлик ҳисси билан қўлига қалам олгани, масалан, кўз тимсоли чизилган ўнларча шеърларда ўз исботини топган. Бераҳм, бевафо маҳбубанинг кўзлари, эҳтимол, ўкинч-пушаймон, тазарру ҳолатини ё бизга сир бўлмиш бир алам, андуҳ, изтиробини кечираётгандирки, “қора ёрқинлик” қаъридан гўё “оят шивирлайди”. Ортиқ зиддиятли кечинмалар сўзонида тўлғонган ошиқ, на чораки, қисматга битилган бебахт муҳаббат ҳаққи яна ўша “кўзларни тинглаш” (!)га эҳтиёж сезади. Шеърини мантиқ кучини кўринг: ошиқ хаёлан жонланган маҳбуби кўзларига ҳамон пинҳоний меҳр ё алам билангина боқмаяпти, балки уни “энтиқиб тинглаяпти”, иллоҳ, кўзлар ҳам гўё “шивирлаб... оят” айтаётгандай... Мана, Рауф Парфи кўтарган санъат мақоми, бадий мантиқ буржи!.. Шоир кўнгилдан идрок этган муҳаббат дарди, вафо шеваси, бевафолик ҳасратларининг хос ва нафис ифодаси...

Ўзбекистон адабиёти ва санъати
1996 йил 13 сентябрь
37 сон

“БИРИНЧИ ҲОФИЗ”

(Муҳиддин Қори Ёқубов таваллудининг 100 йиллигига)

Мустақиллигимизнинг еттинчи йили, халқона талқинга кўра чиндан ҳам мўъжизали ва тарихий воқеаларга бой бўлди. Кўҳна Самарқанд ва Фарғона тупроғидан бошланиб, асли – моҳиятда табаррук замин – Ўзбекистон номи ва шаънини рубъи маскун – машриқу мағриб узра қайта-қайта улуғланган, том маънода қутлуғ саналар таассуроти ҳали хаёлимиздан нари кетмай туриб, олдинма-кейин Маннон Уйғур ва Қори Ёқубовнинг муборак ёднома кунлари – 100 йиллик тўйларини ўтказиш насиб этди.

Шубҳасиз, бундай бардавомликнинг, шоир лутф этганидай, “ўз ҳикмати бор”: чиндан ҳам неча минг йиллик миллий тарихимиз жилдларини бир-бир варақлаб, синчиклаб ўрганадиган бўлсак, балким, йилнинг ўн икки ойигина эмас, бобомерос муқаддас тақвимнинг ҳар бир куни бирор шонли санага ажаб эмас...

Муҳиддин Қори Ёқубов!.. Бундай оташқалб зотларни фақат миллий Уйғониш даври, Ҳуррият ва Истиқлолият асри (даставвал, буюк маърифатчи, хурфидар, даҳо, адибу шоирлар – фидойи жадидлар шуури ва тафаккурида, қалби ва руҳиятида уйғониб, уларнинг чорасиз, қийноқли даъвату нидоларида, бўғилган овозлари ва армонларида қолган), Оллоҳнинг инояти ва ҳидояти билан асримизнинг охириги ўн йиллигида ёруғликка чиққан, хур замон яратиши мумкин. Бу туғма истеъдод сиҳибининг, тенги ва нисбати топилмас, бетакрор санъаткорнинг босиб ўтган ҳаёт, қисмат ва ижод йўлида, унинг боқий санъат, бадият эътибори-ла ёруғ, шукуҳли, айна пайтда алам изтиробли, эҳтимол, армонли манзилларида кўрсатган жасорати, ирода-саботи бугун бизни ҳайратга солади, ўйга толдиради...

Муҳиддин Қори Ёқубов 1916 йилдан эътиборан, яъни Фарғона шаҳрида тузилган янги замонавий (“духовой”) оркестр тўғарагининг биринчи мусиқачи-созандаси даражасидан (бу фото ҳужжатда сақланиб қолган) то умрининг охиригача – бугун ўз номи билан аталувчи Ўзбекистон Давлат филармониясининг асосчиси сифатидаги юксак мартабагача миллий мусиқа ва театр санъатининг барча такомил мақомотини босиб ўтган, ана шундай тадрижийлик маъносида ҳам асримиз маданиятининг беназир арбобидир.

Не ажабки, асл моҳиятию руҳияти билан халқдан чиққан, туғма истеъдодли санъаткорнинг миллий мусиқамиз асоси – фольклор манбаларини

яхши билиши (“500-600 чамаси куй, кўшиқ, ўйин оҳанглари тўпландим” – “Таржимаи ҳол”дан), айтиб ўриш пайтда Оврупо мусиқа маданият намуналарига тараққийпарвар жаҳидлар позициясидан ёндашуви, яъни ўз халқини – уйғонаётган миллати умумжаҳон мусиқа маданияти ютуқлари, янги жанрлар, янги оҳанг, усул-натижада катта муваффақият, ҳатто шухрат қозонишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Қори Ёқубовнинг ўз изланишларида давр садосига не чоғлиғ ҳамовоз бўлганлиги, масалан: “Фарғона” рўзномаси (1924 йил, 10 июль)да аниқ ифодасини топган: “Озодлик болалари” операсидан ариялар (халқ кўшиқлари заминидан Ф.Зафарий яратган мусиқий инсценировкалар “кичик опералар” номини олган эди), “Туркистон”, “Қамчинбек” ва бошқа кўшиқлар томошабинлар талабига мувофиқ бир неча бор такроран ижро этилди... Концертда Муҳиддин Қори асосий ўринни эгаллади, у эски ва нотага олинган янги ашулаларни баланд руҳ билан ижро этди...

Муҳиддин Қори Ёқубов истеъдодининг бош манбаи – тарихий-миллий илдизлари, аввало, она халқининг сеҳрли-жозиб куйларида, шўх-ўйноқ ва дardли кўшиқларида (“Тановор”, “Усмония”, “АНжонча”, “Роҳат”, “Галдир” в.б.) мужассамланган асрий орзу-умид, алам-армонларини дилдан ҳис этишида, халқнинг ижодий даҳосини чуқур меҳр-ихлос билан ўзлаштиришида намоён бўлди.

“Машҳур халқ созандагарини йиғиб, улар билан ойлик машғулот ҳозирлигини кўрдим... Ўзбек мумтоз ва халқ ашулаларини тўпландим. Машғулот Наркомпрос ўз вақтида маблағ билан таъмин этмагани сабабли, Фарғонада отамдан мерос қолган уйни сотишга тўғри келди, пулини группа аъзоларига ойлик маош тарзида тўлаб, жамоани ушлаб турдим” (“Таржимаи ҳол”дан). 20 кишидан иборат концерт труппасининг хонанда ва созандагари сафида Иттифоқ ва жаҳон кўрикларида қатнашган машҳур ижодкорлардан Юсуф Қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамара Хоним, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Беркинбой Файзиев, Жураҳон Султонов ва бошқалар бор эди.

Қори Ёқубовнинг ўзбек санъаткорларидан биринчи бўлиб, масалан, Москвада ўтган таҳсил, ижодий сафарлар, турли мулоқотлар давомида, Париж, Берлинда ўтган гастроллар чоғида жаҳонга машҳур режиссёрлардан В. Мейерхольд билан, мусиқа-вокалсанъати педагоги З. Рейх билан, аynиқса, атоқли опера хонандаси А. Нежданова ва буюк композитор С. Раҳманиновлар билан учрашуви, кизгин суҳбатлари унинг ижодида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1927-1929 йилларда Қўқон ва Андижонда этнографик ансамбль заминида биринчи мусиқали драма театрларини яратишда асосий роль ўйнаган Қори Ёқубов, ниҳоят, пойтахт Самарқандга чақирилди. Қайта тузилган “Ўзбек давлат экспериментал ансамбли” таркиби Миршоҳид Мироқилов, Гавҳар Раҳимова, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Тожи Зода, Бобораҳим Мирзаев, Зукур Қобулов, Ҳожи Сиддиқ Исломов ва бошқа санъаткорлар билан тўлдирилди. 1929 йил 7 ноябрида республика ҳукумати қарори билан ансамблга “Ўзбек давлат мусиқали театр” номи берилди.

“Труппа жамоаларини тузиш, концертлар ташкил этиш, репертуар яратиш, уларни янгилаб бориш, ёш истеъдодларни, айниқса, хотин-қизларни сахнага чиқариш, театр-студияга, мусиқий маърифат – таълимга, ансамблга, янги мусиқий театрга раҳбарлик қилиш, гастрол сафарларини, кўрик-концерт дастурларини тайёрлаш – буларнинг ҳаммаси катта куч-ғайратни талаб этарди. Қори акамлар доимо янги бир ғоя билан чиқар, уни амалга ошириш билан тамомила банд бўлар, барчасига улгурар, тиним нималигини билмасди. Табиатида қандайдир ўзгача сифатлар бор эди: ҳаётдаги аниқ қуриб, ушлаб бўлмас жиҳатлар – сирли-руҳий ҳолатларни “тутиб”, билиб, илғаб оларди. Вақтни, давр руҳини ўта синчковлик билан ҳис қила биларди...” (Тамара Хоним эсдаликларидан).

30-йилларда Қори Ёқубовнинг ижодий таржимаи ҳолида миллий опера яратиш ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ янги саҳифа очилди. Дарвоқе, бир неча йил муқаддам Берлиннинг Шуберт залидаги бадий чикишларида (1925 йил) “Ўзбек мусиқа санъати қайси йўлдан ривожланади?” – деган саволга Қори Ёқубов: “Биз ўз миллий операмиз ва балетимизни яратишга интиламиз” деб жавоб берган эди. Янги ташаббусни Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар қўллаб-қувватладилар ва опера студияси ташкил қилиш ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Қори Ёқубов студия директори этиб тайинланди.

1936 йил июлида Қори Ёқубовгу Ўзбек давлат филармониясини ташкил этиш вазифаси топширилди. Миллий маданиятимиз тарихида биринчи марта турли бадий жамолардан иборат иқтидорли ижодкор кучлар ягона марказга жамланди. Катта кўшиқ ва рақс ансамбли, Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, Дуторчи қизлар ансамбли, Ўзбекистон хор капелласи, Тамара Хонимнинг Қўшиқ ва рақс ансамбли...

1938 йилдан эътиборан машхур санъаткор, маданият арбобининг ижодий фаолиятида янги давр бошланди – у ўзбек опера санъатининг асосчиларидан биригина эмас, етакчи актёрларидан бўлиб қолди.

Бугунги озоду обод истиқлолият замонида Муҳиддин Қори Ёқубовни етарли асос, комил ишонч, чуқур эҳтиром ила номини санъатсевар халқимиз, санъатпарвар жамоатчилик ўзгача маҳр, ғурур билан ёдга олиши мутлақо қонуний бир ҳолдир. Маннон Уйғир ёдномаларидан: “Овоз пардаларида, ашула айтиш тарзи-усулида Муҳиддин Қори Ёқубовнинг тенги йўқ. Опера партиялари ижросида кўркем, пурвиқор, ўктам. Янги-янги жамоалар бунёд этишда беназир ташкилотчи. Минбарда ҳақгўй, эҳтиросли нотик. Қачон ва қаерда бўлмасин, Муҳиддин Қори Ёқубов – ҳозир нозир, илҳомдор, шайдо, бетакрор...”

*Ўзбекистон халқ демократик партияси газетаси
1998 йил*

ШЕЪРИЯТ УФҚЛАРИ (ЖАНГОВАР АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК)

КПСС XXIV съездида совет адабиёти ва санъатининг партиявийлиги, халқчиллиги етакчи, белгиловчи принциплар бўлиб қолиши алоҳида таъкидланган эди, КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарорида ҳам адабиёт ва санъатимиз таракқиёти учун, ижодкорлар учун ғамхўрликнинг ёрқин намунасини кўрамиз. Чунки, партиямизнинг адабий-бадий танқидчилик савиясини кўтариш ҳақидаги кўрсатмалари адабиёт ва санъатимизни янада юксалтиришнинг улкан омилидир. “Эстетик талабчанлик, чуқур ижтимоий таҳлил, ...истеъдодга нисбатан, унинг самарали ижодий изланишларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш” бу муҳим қарорнинг мағзини ташкил этади.

Адабий жамоатчилик, шеърят мухлислари поэзиямиз кенжа авлодида ёшлик баркамоллиги бирданига ўзини намоён қилганини яхши билади. Бу хусусият уларнинг биринчи китобларидаёқ кўзга ташланган эди. Бунда ёлғиз поэтик истеъдоднигина эмас, истеъдоднинг маърифати масаласини ҳам махсус таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Миллий ва интернационал заминдаги буюк буюк устозлар таъсири, уларнинг маҳорат сирларини ўткир дид билан ўрганиш, ижодий ўзлаштириш, поэтик баркамолликни эгаллаш сари муҳим босқич бўлгани шубҳасиздир. Чуқур адабий маърифат ҳозирги замон ижтимоий тафаккури, теран ва атрофли билимлар даражасидаги интеллектуал таёргарлик билан қушилганидагина том маънодаги маърифат бўла олади.

“Лирика” сериясида чиқаётган китоблар, Хусниддин Шариповнинг “Ильични ўйлайман” туркуми китобхонда қизгин фикр уйғотади. Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони”, “Чароғбон”и теран маъноларга бойлиги, сеҳрли мусиқаси билан поэзия мухлисларини мамнун қилди, Абдулла Орипов шеърларидан марказий газета ва журналларда намуналар берилаётгани бугунги ўзбек шеърятига, унинг ёш авлодига эътибор кучайиб бораётганини кўрсатади. Муҳими шундаки, бу истеъдодли ёшларнинг энг яхши шеърларида устоз санъаткорларнинг ижодий принциплари – ғоявий юксаклик туйғуси, халқчиллиги, мазмун салмоғи, бадий расолиги кўзга ташланиб туради.

Гулчеҳра Нуруллаева, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиевалар – ҳар қайсиси ўз характери, хотин-қизларга хос олами ажралиб кўриняпти. Бу жуда муҳим. Бундай хусусиятни – мустақил йўл очиш, ўзича ижодий таомил белгилашни Жамол Камол, Муҳаммад Али, Рауф

Парфи, Омон Матжон, Омон Мухтор, Раззоқ Абдурашид, Маъруф жалил, Чўлпон Эргаш, Машраб Бобоев, Абдулла Шер каби шоирлар мисолида кўриш мумкин. Мен биринчи китоблар ичида Жамол Камолнинг “Олам қарар юрагимга” тўпламини алоҳида қайд этишни истар эдим

Бугунги шеъриятимиздаги барча қувончли ҳодисалар унинг истеъдод кучлари, ижодий имкониятлари катта эканидан далолат беради.

Маълумки, шеърни шеър қилган, уни қадрли, эъзозли даражага кўтарган омил, даставвал, унинг ёрқин фикр, ҳақиқий поэтик эҳтирос, ижодий дард самараси сифатида яратилиши, қолаверса, сирли-сехрли мусиқага эга бўлишидир. В. Белинский лирикани шеъриятнинг шеърияти деб бежиз айтмаган. Ҳақиқий поэзияни ҳис қилиш туйғуси бўлса, шеър яратиш дарди, санъати нимаю, шеър ёзиш нима – бунинг фарқини ажратиб билиш қийин эмас. Айниқса, бошловчи қаламкашлар бу ҳақда жиддий ўйланишлари лозим. Тиришқоқ ҳунарманд шоир ҳоҳ оддий ғавқулодда ҳаёт фактларига қанчалик ишлов бермасин, энг муҳими – поэтик ҳароратни, санъаткорлик жилосини бағишлашдан ожиз, демак, унинг шеъри санъат асари эмас, ҳунармардлик буюми бўлиб қолаверади. Матбуот эса шоир учун ўз тақдирини халқ ҳукмига ҳавола қиладиган кураш майдонидирки, унга юраги дов бериб кирадиган одам ҳақиқий санъат яратиш қобилиятига эга бўлмоғи керак. Бу мавзуда машҳур совет шоири Михаил Исаковскийнинг неча дафъа куйиниб ёзганини биламиз. Расул Ҳамзатов “Доғистоним”да, Эдуардас Межелайтис “Тунги капалаклар” (адабий ўйлари) китобида ҳақиқий поэзия учун биринчи шарт ва зарурат бўлган талант ҳақида – антик дунёдан қолган бу муҳим ҳақиқат тўғрисида алоҳида тўхталадилар.

Партия XXIV съездида, СССР ёзувчилари V съездида бадиий маҳорат масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Турли авлодга мансуб шоирлар ижодидаги поэтик савия муаммоси бугунги кунда янги қиммат касб этмоқда. Шеър ёзиш ҳақида эмас, шеър яратиш ҳақида ўйлаш, яратишни эса – у ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин – янги фикр, янги образ тарзида тушуниш лозим. Устозлар, санъаткорлар тажрибасидан ўрганиш бошқа, ундан фойдаланиш бошқа. Ёшлар ижобий маънода тақлид қилса бўладиган йўллар кўп: катта санъаткорларнинг юксак ғоявийлик туйғуси, ижодий далилиги, дард билан, ёниб ёзиши, беҳаловат изланувчи табиати, эришганидан қоникмаслик одати, ҳар гал қайтарилмас меъёрлар белгиланиши, бастакорона укуви, топқирлиги, оз сўзга кўп маъно жойлаш сингари, воқеаликнинг ички маъносини очиб бериш, инсон руҳиятини сувратлаш маҳорати, мисраларга сайқал беришдаги сабр-бардоши ва ҳоказоларни ҳар қанча ўқиб-ўрганса арзийди. Демак, маҳоратни ўрганиш, эгаллаш йўллари умумий зарурият, унинг конкрет

шаклларини ҳар бир шоир мустақил равишда яратади, ҳар гал ўзи белгилайди.

Шеърятимизнинг ривож, бугунги такомил барча ижодкорлар учун муштарак бўлган янги вазифалари белгиланмоқда. Албатта, бугунги кўп сонли китобхоннинг диди турлича, у турли шеърӣ услуб, шакл ва рангларга мойил бўлиши мумкин. Лекин, муҳими, у ғоявий юксак туйғуни, бадий нафис, баркамол ифодани қадрлай билади, шеърӣ образларнинг мумкин қадар умумлашма даражасида, салмоқдор бўлишини, катта фикрларни ташишини истади. Ҳозирги давр “кундалик эҳтиёж” характеридаги, маъракачилик руҳидаги, авжи сўзма-сўз баланд олинган тез бўлар шеърларни, мадҳияларни тобора сиқиб чиқармоқда. Бугунги кенг маърифатли китобхон (у рус тили орқали жаҳон шеърӣти намуналарини хоҳиш имкониятига эга) поэтик фикрлашдаги ўхшашликни, образлардаги такрорни, тасвирий усуллардаги схемани ҳазм қилолмайди.

Бугун катта шеърӣят катта кўламини талаб қилади. Шундай экан, шоир таассуротларининг кўлами фикрлар теранлиги билан кўшилиши лозим. Турли жўғрофӣй атамаларни, тарихий номлар ва саналарни тавсиялаб ўтиш билан тўла маънодаги поэтик кўламга эришиб бўлмайди. Жўғрофӣй, тарихий ва бошқа хил фактлар, ҳодисалар моҳияти, ҳаётӣй замини, илдизлари, ички алоқалари, гўзаллик сирлари бадий тадқиқ қилиниши, шоирона таҳлил этилиши лозим.

Жанр турлари, имкониятлари ранггин бўлган ҳозирги лирикамизда халқчил ва кенг кўламли бармоқ вазнидан кейин классик арузнинг ғазал қормаси ўзининг муайян ўрнини аниқ тайинлаб тасдиқлаб турибди. Бинобарин, ғазалга ҳам майл кўргазган исътедодли ёшларнинг изланишлари адабий жамоатчилик, ғазал мухлислари томонидан қизгин маъқулланяпти. Бундай изланишларнинг давом этиши табиӣй. Албатта, адабий танқид ҳам бунда одилона, юксак савияда фикр билдириши керак. Зеро, классик поэзияда янгилик яратишга журъат этган шоир аввало арузнинг кенг тарқалган баҳрларини яхши билиши, ундаги сирли муסיқӣйликни ҳис қилиши, унга катта ижтимоӣй маъноларни сингдира билиши керак.

Совет поэзиясининг куйчиси олдинги сафдаги курашчи, мафкурамиз жангчисидир. У шеърӣятнинг ибтидоси – ташқи муҳитдаги, инсон руҳиятидаги нафосатни ифодалаш, гўзалликдан ҳайратланиш билан ўзини чеклай олмайди, замоннинг ижтимоӣй масалаларига, мавриди келганда мураккаб сиёсий муаммоларига аралашади. Бас, шоирнинг мушоҳада, муҳокама доираси тор, майда, резавор масалалар билан чекланиб қолиши мумкинми? Ёш қалам

соҳибларининг меҳрибон ва талабчан устози Зулфия андижонлик Мукаррама Муродовага оқ йўл тилар экан, ёшларда интим мавзуга берилиш кайфиятидан хавотирланганини ёзади. “Мен, азиз қизлар, - дейди у, - сизларни тор шахсий кечинмалар чодиридан катта фаолият майдонига, ижтимоий ҳаётга, замонамиз руҳи, суръатига уйғун катта парвозларга ундамоқчиман”. Бугун тематик кўламли, уфқи кенг гражданлик лирикасига эҳтиёж тобора кучайиб борар экан, албатта, буни кишининг руҳий олаmidан ажратиб қўйиш ҳам мумкин эмас.

Партиянинг XXIV съездида таъкидлаб ўтилган ижодкорнинг фаоллиги масаласи адабий ҳаракатчилигимиз диққат марказида турибди. Бу совет ёзувчисининг ғоявий жиҳатдан тўла қуролланган бўлишини, сиёсий зийраклик позициясида туриб ёзишини тақозо қилади. Бутун идеология жабҳалари бўйлаб кураш тобора қизиқ бораётган бир шароитда шеърят майдонида Маяковскийлар, Лоркалар, Ҳикматлар, Бехерларнинг тирик овози, улар байроғини қўлга олган издошлари овози янги куч билан янграмоқда. Ўзбек шеърятида даврининг катта даъватларига поэтик жавоб қилишда тажрибали шоирлар қаторида ёш истеъдод эгалари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Бугунги шеърятимиз муваффақиятларини истеъдодли ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса катта шеърят яратишга астойдил бел боғлаган ёш талантларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатишни, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қўлтиқлашни тақозо этади.

Шеърятимизнинг халқ, давр кутган даражада. Иттифоқ китобхони мамнун бўладиган даражада парвоз қилиши кўп жиҳатдан республика ёзувчилари союзининг раҳбарлик ролига, ташкил қилиш, сафарбар қилиш маҳоратига боғлиқ. Союзида ёш талантлар маърифати билан шуғулланувчи семинарлар қайта тикланиши, маълум меъёрга ишлаб туриши лозим. Поэзия секцияси ўз ишини бугунги талаблар даражасида қайта қуриши, унда янги шеърлар, нашр этиладиган китоблар муҳокамаси йўлга қўйилиши, ўзаро мунозара кучайтирилиши, юқори поэтик савия учун, том маънодаги катта шеърят учун ижодий мусобақа авж олдирилиши зарур.

Бугун шеърятимиз олдида қўйилаётган барча талаблар унинг ижодий кучларига партиямиз, халқимиз юксак ишонч билан қараётганидан далолат беради.

МЎЪЖИЗОТ МУСАВВИРИ, ЗАРОФАТ ШОИРИ

БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 510 ЙИЛЛИГИГА

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳайратдан “ақл боши айланар” (Навоий) ажиб бир дунёси бор. Дафъатан бунга амин бўлмоқ учун мутафаккир шоир ва адибнинг икки китобини назардан ўтказмоқ кифоя; биринчиси – комил инсоннинг орифона, ошиқона, риндона дардлари дақиқу зариф санъат билан йўғрилган рубобий шеърлар девони; иккинчиси – шон шуҳрати жаҳон бўйлаб таралган “Бобурнома” дирким, мумтоз адабиётимиз, табаррук маънавий меросимиз хазинасида баҳоси йўқ бу “Вақоеъ”нинг қомусий мушоҳада лавҳалари – ҳоҳ табиий хилқатнинг ғаройиботларга бой манзаралар тасвири, ҳоҳ руҳий-ботиний олам тажаллиси бўлмиш саҳаифларни варақлаганда ҳар гал ўзгача ҳайрат, шавқ, ғурур ҳисларини кечирамиз, зиддиятли, изтиробли ҳаёлларга толамиз...

Менинг тасаввуримча, коинотдаги сингари сўз даҳолари дунёсининг, шу жумладан, Бобур ижодиётининг ҳам мўъжизий буржлари бор. Масалан, унинг шеърият меҳварини бир неча мавзу доирасида тасниф этиш мумкин: ҳаёт васфи, ишқ дарди, вафо шеваси, Ватан соғинчи, кўнгил мулки, толеъ армонлари, умр сабоқлари, илоҳийга муножот нидолари...

Уларнинг ҳар бири алоҳида рисолага ё камида унинг бобига татигулик махсус тадқиқоту таҳлилга таъминот беради. Зеро бу буюк шеърый ҳасратноманинг ҳар бир қўшиғи ўз даромадига, хос савту навосига, баравж пардаларига эга. Соҳир шоир байтлари, мисралари, ҳатто ташбеҳ-тимсоллари замирида, яъни уларнинг ҳар гал ўзгача садо ва акс садо тўлқинларида, муסיқий – оҳанг тебранишларида ёки рамзий-мажозий ранглар жилвасида, фасоҳатли истиораю кинояларига хос нуқтадон қирраларда, не ажабки, руҳий-илоҳий, фалсафий, маънавий, мантиқий, бадий маънолар яшириндирки, бунинг таҳқиқи – шарҳини, албатта, маълум даражада маърифатли, хуштабъ, заковатли мухлисларгина идрок этиши мумкин.

Хусусан, “Бобурнома”нинг бенисбат рангин тафсил-тамсиллари заминиди мутафаккир шоир дунёнинг бир-биридан жозиб аломатлари билан ошно бўлиш, уларнинг маъносини идрок қилиб, баҳоли имкон таҳлил этиш ғоятда мароқли машғулотдир.

Не тонгдирким, Шарқ ва Ғарб маданияти тарихида беқиёсу ноёб бир ҳол: жаҳонга машҳур саркарда ва соҳибқироннинг нодир адабий истеъдоди, ҳайратомуз теран заковати, азалий ва ногаҳоний зиддиятларга тўла, серқирра фаолияти баробарида гўзал шахсияти, нозик саъжияси, турли тоифа одамлар

(аксарият тарихий шахслар), суронли воқеалар ҳақидаги мушоҳадаларида, ҳукм ва баҳо мезонида инсоф, ному-диёнат тақозоси-ла баъзан юз хотирсиз рӯй-ростлиги – ҳақиқат юзига тик қараши, ўзига ҳам, ўзгага ҳам бирдай талабчан муносабати...

Бунинг каби жиҳатлари билан назири йўқ зотлардан бўлмиш Бобур Мирзо ҳақида фикр юритиш қанчалик ҳузурбахш бўлса, шунчалик масъулиятли ҳамдир. Бунинг боиси, эҳтимол, Бобур сиймосида бир неча “мустақил даҳо”га (Лессинг таъбири) аломатлар уйғунликда тажассум қилишида. Мана ўша “тенгри эҳсонӣ” (Навоӣ) бўлмиш иқтидор ва заковат қирралари, (маънавий фазл қамол жиолари бундан мустасно): шоир, носир, шеършунос, мунаққид, тулшунос, қонуншунос, мусиқашунос, муғанний, руҳшунос, ахлоқшунос, ориф – ҳаким (ислом ва тасаввуфда, “улуми зоҳирӣ ва улуми ботинӣ”да зукко), муаррих, мутаржим, воқеанавӣ – солномачи, хотиранавис – мемуарист, табиатшунос, сайёҳ, географ, геолог, маъданшунос, этнограф, фольклорчи, генетик, социолог, сиёсатшунос, давлат арбоби, саркарда, соҳибқирон... Эҳ-ҳе, “Бобурнома”да шунчалар аниқ тугал тафсилоти, тафсири – шарҳлари билан қайд этилган турли тоифа-табақотга, уруғ-насабга, касб қору мартаба мансабга мансуб маълум ва машҳур шахслар (уларнинг зоти, саъжияси, ҳаёти, маишати, саргузаштлари, фазилату қусурлари – номаи аъмолигача), жўғрофӣй-топонимик номлар, ижтимоӣёт, иқтисодиёт, наботот ва ҳайвонот ва илми ғойиб – мўъжизот дунёси, халқ ижодиёти, мусиқаси, амалӣй санъати, урф-одату анъаналарига оид атамалар... Агар уларни изчил тартиб-тизим асосида тасниф қилиш, турли маъноларини, хос қонунияту меъёрларини тадқиқ этиш учун нафақат тарихӣй-миллий меросимизга оид, эндигина ёруғликка чиққан фанимиз ютуқлари билан, шунингдек, бизгача турли офатлардан омон қолиб етиб келган бошқа босма ва қўлёзма манбалар билан қиёсан ўрганиш тақозо этилади...

Мен ҳозирча маънавий меросимизнинг бу қомусӣй мажмуидан баъзи жиҳатларни, чунончи: айрим шеърларнинг бевосита туғилиш тарихи – ҳаётӣй заминига дахлдор, Бобур мирзо шахсан кузатган, кечирган, унга маълум маънода туртки ё сабоқ, имтиҳон сифатида хизмат қилган қатор мўъжизавӣй, ибратли ҳодислар, фараҳбахш ё аччиқ хотиралар шарҳи, таҳлили билан кифояланаман.

Айни мушкул кунларда Бобурга хиёнат қилиб Шайбонӣйхон томонга ўтган лашкарбошилардан Аҳмад Танбалга қарши Ўратепа ва Хўжанд оралиғида бўлиб ўтган катта талофатли жангдан сўнг...туғалланган бир шеър ҳақида “Бобурнома”да шундай сатрларни ўқиймиз:

“Келиб Турок чорбоғига тушулди. Ул ғазалким, ушбу кун, ушбу юртта тугаттим. Ул туганган ғазал будур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим”.

Вазн-бахр, қофия-радиф, оҳанг-услуб каби поэтика қонунлари эътибори-ла, айниқса, мусиқа боғланиб, ашула тарзида таралиб, манзуру машхур бўлган бу шеърнинг ўзгача маърифий қиммати шундаки, лоақал унинг ҳазин оҳанги ёки айрим ташбеҳлари (чунончи, анъанавий, “жон”, “кўнгул” тимсоллари) шоир ҳаёлхонасидан аввалроқ туғилганмиди ё йўқми қатъий назар, ғазални Ўратепа – Хўжанд ҳудудида, даштдаги хатарнок бир вазиятда (ушбу кун, ушбу юртда) бошдан кечирилган нажотсиз ҳолат, аламнок кайфият самари деб ҳисоблашга асос бор. Лекин, не ажабки, бу шеърнинг (ё қўшиқнинг) жонсўз, ларзакор мисралари, тимсолларидан қанчалик мутаассир бўлмайлик, қайсидир жангу жадалга, унинг оқибатига бирон бир ишорани сезмаймиз. Аксинча, шахсий маҳрам кечинмалар дунёсига чўмамиз. Эҳтимол, ошиқ кўнгил нолалари, ҳасратлари, акс-садосини тинглагандай бўламиз. Ҳатто ғазалга бошқача теранлик, сирлилиқ беришимиз мумкин (масалан, шоир қаҳрамони шоҳлик мартабасида бўла туриб, ошиқ сифатида умидсиз ва нажотсиз, ғарибу ҳақир қисматга рози бўлиши ушшоқ аҳли учун ажабланарли ҳол эмас, дея талқин этсак-чи?)... , Айни чоғда “Бобурнома” шаҳодатидан аён бўладики, рубобий шеър, айниқса, ғазалдек шоирнинг кўнгил сирлари, руҳий кечинмалари ифодаси – субъектив жараён ҳам ташқи муҳит – объектсиз воқеъ бўлмас экан...

Шуниси қизиқки, “Бобурнома”да Хуросон адабий муҳити вакилларидан бўлмиш, кейинчалик Шайбонийхон девонида нуфузли шоир мақомини олган Муҳаммад Солиҳ шеърияти ҳақида зикр этилар экан, хунхор ёғийлардан Аҳмад Танбал ҳақида мазкур шоирдан бир ҳажвий байт келтирилади:

Бўлди Танбалга ватан Фарғона

Қилди Фарғонани танбалхона

Ҳазил мутоиба йўғрилган киноя усулида тарихий шахснинг салбий тимсоли чизилган, эсда қоларли бу шеърини лавҳа бир йўла ҳар икки шоир таъби назмининг хос қирраси ҳақида аниқ тасаввур туғдира олади.

Бобур мирзо жаннатмонанд бобомерос мулки – муқаддас Ватан ҳудудидан ҳижрат қилиб, бош олиб кетишга сабабкор, бузғунчи амиру беклардан етган жабру жафолар ҳақида дил-дилдан куйиб ўртаниб, жисми

жони тўлғониб ёзадики, ҳар гал эслаганда эски дардлари янгилангани шундоқ сезилиб туради. Чунончи, Бобур Ҳисор ҳукмдоридан кўрган зулму ситамлар тўғрисида: “Бизга етганда саховат била машҳур бўлган эл ҳасис бўлур, мурувват била мазкур бўлган элнинг муруввати унутилур... Хусравшоҳким, саховат ва карам била маъриф ва машҳур эди, бизнинг абнойи жинсимиз (кимларнинг фарзанди эканимиз) демайки, балки навкаримизча бизни кўзга илмади” деб ёзади-да, айти кезларда битган ғазалининг матлаъи – аввалги байтини келтиради:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли замондин яхшилиқ,

Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ.

“Бобурнома”нинг бошқа бобида ўқиймиз. “Хусравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не нав етгай! Не асл, не насаб, не ҳунар, не ҳасаб, не тадбир, не шужоат, не инсоф не адолат! Бойсунғур мирзони беклари била тутуб... муҳаррам ойининг ўни эдиким, мундоғ хуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва насаб била ораста подшоҳзодани шаҳид қилди”.

Демак, комил ишонч билан айтиш мумкинки, “яхшилиқ” радифли ғазалнинг, биринчи қарашда, мазмунан бир-бирига зид – марғуб ва номарғуб маъно кутбларини акс эттирувчи байтлари нафақат хиёнат, юртбузукилик, талон-тажовуз йўлига ўтган ҳукмдорлар, саркардалар туфайли Бобур кечирган сарсонликлар аламини, балки дўст, аҳбоб, деб билган элатдошларидан етган турфа озору бедоликларни, эҳтимолки, шахсий ўкинч ва армонларни, айти чоғда мутафаккир шоирнинг улуғ зотларга хос лутфу карам, меҳр-шафқат, саховат туйғуларини ҳам мужассам ифодалайди. Шуниси, эътиборлики, “Бобурнома”да матлаъ келтирилган мазкур ғазалнинг Бобур мирзо таржимаи ҳоли билан бевосита боғланганини воқеаларнинг насрий тавсифидан ташқари махсус шеърий тимсоли – рубоий ҳам берилади. Мана ундан бир байт:

Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,

Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

“Бобурнома”да Самарқанд, Тошканд, Ахсикат, Марғилон, Андижон музофотларида (аксарият улар оралиғида) юз берган танглик, сарсонликлар ҳақиқатда шундай азоб-изтироб йўғрилган сатрлар бор: “Бормоққа не маскан муяссар, турмоққа не давлат муқаррар...неча кун ул навоҳида ўз ишимизга хайрон, борар тураримизни билмай саргардон...Уч кеча ва кундуз тинмай, таваккуф қилмай (тўхтамай) йигирма тўрт-йигирма беш йиғоч йўлни босуб

келдүк, не отда мажол қолибтур ва не кишида. Бу ердин не навъ ёнилғай (кетилғай), ёниб ҳам қай сориға чиқилғай... Ҳеч нима тенгрининг хостидан ўзга бўлмас...” Бобур мирзо бошдан кечирган, мислсиз сабру сабот билан олишиб, алалоқибат ғолиб келган бундайин мушкилоту аросат азобларини шарҳлашга қалам ожизлик қилади... Ҳам буюк, ҳам пурдард воқеаноманинг истаган бобидан келтириш мумкин бўлган бундай ҳасратсари жумлалар Бобур шеърларида “тенгрининг хости” (хоҳишига)га рози-ризалик аломати – Ҳақ таолога муножот тимсолларига айланди:

Ёраб, яна маҳруму хонумон қилдинг,

Ёраб, яна авораи жаҳон қилдинг.

“Бобурнома”да турли воқеа-ҳодисалар, саргузаштлар тафсилоти ғоятда жонли, жозибали услуб, лутфона – чин ғасоҳатли тил билан бериладики, улар ҳам маърифий, ҳам ахлоқий-таълимий ҳам бадий қиммати билан ажралиб туради. Санъаткор шоир оддий бир ҳодисага сирли-сеҳрли тароват бағишлаганидай, айрим ғаройиб-мўжизавий тушунчаларни ҳаётӣ, одатӣ бир ҳолдек аниқ, ишонарли тарзда ифодалайди.

“Бобурнома”дан бошқа бир ҳазин-ғожеа оҳангдаги лавҳа – Бобуршоҳнинг заҳарланиши хусусида: “Жон мундоқ азиз нима эмиш билмас эдим, ул мисраъ борким:

Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини...

Ҳар қанча бу воқеани ҳойла хотирға келса, беҳост ҳолим мутағаййир бўлур. Тенгри таолонинг инояти бор экандур, манга янги бошдин жон бағишлади. Мунинг шукрини не тил била қилғаймен... Агарчи тилга, оғизга сиккусиз, кўрққудек воқеа эди, шукр тенгриға, яна кун кўрорим бор экандур...”.

Шубҳа йўқки, тангриға саною тазарру руҳидаги қуйидаги рубоӣ ўша мудҳиш кунлар хотиротидан (боз устига Ватан ғурбатида кечган азоб изтиробли ўйлардан) туғилгандир:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳри иноятингда мустағрик қил,

Ёраб, сенгадур, юзум қаро, хоҳ оқ қил,

Ҳар навъ сенинг ризонг эрур – андоқ қил.

“Бобурнома”дан куйида кўчириладиган насрий ва шеърий парча Бобурнинг сўз мулки, унинг маънавий қиммати, бадий фасоҳатига нисбатан хос нуқтаи назари ҳақида ёрқин тасаввур туғдиради: “Мундин бурун яхши ва ёмон, жид (жиддий) ва ҳазл ҳар не хотирға етса эди, мутояба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабих ва зишт (хунук) назм бўлса марқум (рақам) бўлур эди ва ҳазин кўнгулға мундоқ алфозни дарж (қайд) қилғай яна фикрини қабих сўзларға харж қилғай ва фариг бўлғай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зухур этгай (хотирға келгай)...

Не қилайин сенинг била, эй тил,
Жиҳатингдин менинг ичим қондур,
Неча яхши десанг бу хазл ила шеър,
Бириси фаҳшу бири ёлғондур,
Гар десанг куймайин бу журм била
Жилавингни бу арсадин ёндур”

На чораки, вафосиз замону аҳли замондан, бебақо дунёдан ҳасрат андоматлари арзу самони тутган пуармон шоир қанчалар аччиқ кинояли сатрлар битганига қарамай, ҳажвияни том маънодаги шеърий санъат – зариф сўз мақомида кўриш ва ижобий баҳолашдан узоқдир. Ҳар қалай, бу юз-хотирсиз шеър жанрини “бириси фаҳшу бири ёлғондур”дея “қабих сўзлар” сирасига кўшишнинг бирон бир сабаби бўлиши керак... Эҳтимол, мундин бурун ... мутояба тариқи била гоҳи манзум айтган шоир бирор фавқуллода ҳодиса туфайли “тамом, энди бизга ҳазил ҳаром !” дея тавба-тазарру қилгандир.

Ҳазрати Навоий ҳам Биноийнинг беҳаё мутоибаларидан қаттиқ изтиробга тушиб, минбаъд алҳазар, деб ўтганлар-ку! Ҳар қалай, шоир зотининг тоза хилқати, нозик саъжиясини тушунмоқ керак. Юқоридаги каби камёб тамсиллар эса шеър ва шоир дунёсини, унинг ўзгача хос сир синоатини ўрганиш ва таҳқиқ этишга хизмат қилиши эътибори-ла аҳамиятлидир.

“Бобурнома”да улуғ санъаткор ижодхонасига дохил тансиқ лавҳалар мавжуд. Мана улардан бир тамсил-намуна:

“Якшанба куни ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, хушёр бўлуб, маъжун ихтиёр қилғонда Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас даврида боғлағон нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарға машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлду – бир нима

боғлағаймен. Бу тақриб била чоргоҳ савтини боғладим, нечунким, маҳалида мазкур бўлғусидур”.

Мазкур лавҳа-хотирот маърифий-эстетик қимматга молик мушоҳада ва мулоҳазалар учун таъминот бериши мумкин: биринчидан, Бобур мирзога замондош, унинг юришларида ҳамроҳ ва ҳамдам, нашъу намою ижод лаҳзаларида ҳамроз маслакдошларидан Мулла Ёрак отлиғ мутриб ҳамда созанда ҳақида ноёб, эҳтимол, ягона маълумот оламиз. Мирзо Бобурдек хуштабълик ва зарифликда якто шоиру ориф зотгаки манзур бўлган экан, демак, мулла Ёракнинг бастакор ва муғаннийлик истеъдоди шубҳа туғдирмайди. Иккинчидан, Бобуршоҳнинг гоҳида куй басталашга рағбат қилгани ҳақидаги маълум тасаввуримиз аниқ далил билан асосланади. Ниҳоят, учинчидан, бадий ижод (жумладан, мусиқа яратиш) жараёнидек мўъжиз ҳолат ҳақида, аниқроғи, янги асарнинг туғилиши олдидаги ўзгача санъаткорнинг ўзигагина аён шавқу рағбат дақиқалари (манга ҳам дағдаға бўлди – бир нима боғлағаймен) ҳақида Бобурога тароватли кечинма ва унинг мухтасар ифодаси – дастхат намунасини кузатамиз.

“Бобурнома”даги яна бир лавҳа ҳам маърифий, ҳам бадий қиммати-ла жазб этади. 1504 йилнинг наврўзи ийди муборак – қурбон ҳайити билан деярлик баробар келгани айтилади: “Ийд намозини Гўмал рўдининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди, тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

Юзи наврўзи васли ийдини Бобур ғанимат тут,

Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўз байрамлар”.

Даставвал, юз наврўз ийд ташбеҳлари воситаси-ла музайян этилган тажниси том санъати (уч сўзнинг маъно кирраларидан олти лавҳа образ яратиш усули) ҳақида. Бу юз – (рухсор) билан юз йил мобайнида бир неча авлодга такрор-такрор (ҳар баҳорда) қувонч, умид-орзу, нажот, таскин, дармон, рағбат инъом этиши мумкин бўлган уйғониш, янгиланиш расми – бир сўзнинг турли маъно жилваси; бу – маҳбуба чехрасининг жозибаси табиатнинг энг латиф, сафобахш мавсумига муқояса (“Юзи наврўзи” тарзида) этилиши; ниҳоят бу муҳаббат қисматининг энг толеъбахш, эҳтимолки, илоҳий маънода камёб тухфаси – висол айёми (“васли ийди”)нинг муқаддас байрамга нисбати. Вожаб! Маҳбуба юзининг баҳорий таровати, гул гул очилиб, яшнаб туриши бу қадим дунёнинг наврўз айёмига, не интизорлик, не ширин орзу ҳаёллар билан қутилган васл қувончининг қутлуғ исломий

байрамга нисбат берилишида қанчалик бадий-мантикий уйғунлик – табиат ва рухият муштараклиги бор...

Ҳолбуки, жаҳонгашта Бобур мирзонинг қисматига битилган муҳожирот юришлари чоғида наврўз билан ийд бир- бирига ёвуқ келмаганида, шубҳасиз, мазкур ғазал яралмас эди.

1507 йил баҳоридаги Кобул музофоти табиатидан илҳомланиш жараёни “Бобурнома”да шундай тасвирланади: “Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштўба дашти ва Гулбаҳор доманаси (этаклари) бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа хейли яхши бўлур, турлук турлук лолалар очилур. Бир қатла анвоини буюрдумким, санадилар: ўттуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким, бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эди:

Сабзау гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,

Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор”.

Бошқа бир саҳифада ўқиймиз: “Бу кентлардин қуйи доманада тоғ била Борон суйининг оралиғида икки парча ҳамвор (текис)дашт воқеъ бўлубтур...Бирини Курраи тозиён дерлар, яна бирини Дашти Шайх... Бу доманада ранго-ранг ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим; ўттиз икки – ўттиз уч навъ ғайри мукаррар (бетакрор) лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андек қизил гул иди келур , лолаи гулбўй дер эдук, Дашти Шайхда бир парча ерда бўлмас, яна ушбу доманада, Парвондин қуйи роқ садбарг лола бўлур...”.

Беназир хуштабъ шоир ўзи кузатган ажаб муаттар бўйидан ҳайратланиб “лолаи гулбўй” деб ном қўйилган олис Дашти Шайх чечагига ҳам ўша тарихий қайдномадек “бахтли тақдир” битилган бўлса я ! Аслида бу мўжазгина лекин ғаройиб бир мисол ҳам Бобурнинг фасоҳатга бой хилқати учун кутилмаган ҳоллардан эмас...

Кўчирилган лавҳаларда мутафаккир шоирнинг хуштабълиги икки жиҳатдан эътиборни тортади: авваломбор, ададсиз ранжу аламлар, муборақ-армонлар мулки – жаннатмакон Фарғонадан қувғин бўлганига қарамай, табиатнинг наврўзий эҳсони нафосати шайдоси бўлган кўнгулнинг ҳамдами – анвои гул-лолалар сайри аввалгидай хаёлни банд этади. Бу ҳам кифоя қилмайди, шоирга ўзгача шавқ бахш этган фусункор манзара “ўттиз икки – ўттиз уч ҳатто ўттиз тўрт навъ лола” ни инкишоф этиш имконини берадики, гўё бу билан Ватан ғурбати ҳам маълум маънода чекингандай бўлади...

Баҳорий “тоза гул”лар сайридан ўзгача фарахбахш рух олган Бобурнинг таъби назми илоҳий бир ҳолатни - янги шеър яратиш кайфиятини кечиради. Шоир: “Ушбу сайр келганда бу ғазални тугатдим” дейди ва унинг аввалги байтини келтиради:

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ ба таҳ қондур

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур

Мумтоз шеърӣ санъатлар – ташбеҳи том (тўла ўхшатиш) ва ифрот (Фавқулодда муболаға) воситаси ла бечора ошиқнинг бирор маҳраму асрор топмаган озурда кўнгли гул ғунчасига муқояса этилиши, ғунчадек кўнгул “юз минг баҳор ўлса очилмоғи” душворлиги – муҳаббат мавзуида анъанавий тасвир усули. Демак, зоҳиран кўчирилган байтда бадий кашфиёт – янги, тутилмаган шеърӣ тимсол ажралиб турмайди. Лекин биз учун муҳими – ғазалнинг шоир ҳаёти, таржимаи ҳоли билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги. Биринчидан, шеър буюк жаҳонгашта шахсан шоҳиди бўлган Туркистон Хуросон, Афғону Ҳинд мулкларининг мўъжизаларга бой табиати – неча баҳор гуллари илҳоми самари. Айни пайтда унда мутафаккир шоир ва комли инсоннинг алам, ўкинч, армонлари – моҳияту сабабияти, драматик, ҳатто фожеъ зиддиятлари, бошқа оғриқли жиҳатлари, сир асрори ёлғиз Бобурнинг ўзига ва Оллоҳга аён бўлган беназир тарихий шахс тимсолига ёрқин чизгиларни кузатамиз. Улар ғазалнинг анъанавий ташбеҳларига ҳаётӣ , айна пайтда сирли-жозиб, айна пайтда маъно қирралари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рубоӣ шеърлар китобига ҳам, “Бобурнома”га хос аломатлардир.

*“Ўзбекистон овози” газетаси
1994 йил 15 февраль*

ШЕЪРИЯТНИНГ МУШКУЛ ҚИСМАТИ

Тарихий тажрибадан шундай ҳақиқат аён бўлади: ижтимоий онг ва тафаккур ривожда, жумладан, бадиий ижод такомилида нечоғли ўзгаришлар, ислоҳлар ёки тангликлар юз бермасин, устувор қадриятлар мавжудким, ҳақиқий истеъдоднинг дардли, уқубатли изланишлари маҳсули бўлган асарлар, бетакрор образлар, шубҳасиз, шу сирага киради. 60-80 йиллар шеъриятига, хусусан, лирикага мансуб янгиланиш тамойили неча ўн йилликлар мобайнида ҳукмфармо позицияда туриб, гўёки энг инқилобий ижодий метод – социализмнинг эстетик асоси сифатида ишлаб чиқилган, диалектика ва бадиият қонунларидан устун қўйилган сохта концепцияларнинг тазйиқлари шароитида етилди. Мана, тамал тоши машъум 30-40 йилларда қўйилган, умумбадиий маданиятимизга, жумладан, шеъриятимизга озмунча кулфатлар келтирмаган сиёсий дастурлар мажмуасидан баъзи кўчирмалар: “Рус революцияси озмунча авторитетларга барҳам бермади. Унинг ғолиб қудрати шундаки, қанча номи улуғ арбоблар олдида бош эгмади, аксинча, уларни ўзига хизмат қилдирди ёки революциядан сабоқ олишни истамаганларни йўқлик – алам сари улоқтирди”. Мана мустабид Сталиннинг Максим Горькийга йўллаган ҳукмномаси – шафқатсиз хатидан жумлалар.

Амал қилиниши вожиб бундай “назарий принциплар”, қоидалар мутлоқ кўпчиликда – ижодкорда ҳам, мунаққиду олимда ҳам, янада ачинарлиси, миллионлаб ўқувчилар онгида сохта-махдуд ақидапарастлик майлини шакллантирди. Бунинг бутун оқибат ва касоратларини кўриб, азобини тортиб ётибмиз.

Ҳолбуки, шоир даставвал санъаткор, шеър санъат асари, бадиият маҳсули бўлмоғи керак. Бу – унинг биринчи, хос аломати, азалий ва дахлсиз қадрияти. Албатта, шоирлик қисмати фақат истеъдод табиати ва шахсияти доирасида, шеър эса фақат санъат ҳодисаси тарзида чегараланиб қололмайди. Чунончи, у сиёсатга, мафкурага, динга, фалсафага, тарихга, ижтимоийётга, тафаккурнинг бошқа соҳаларига эркин, холис-бетараф муносабат билдириши мумкин. Лекин зинҳор-базинҳор сиёсат ва мафкура қуролига, унинг қойим тарғиботчиси, тобе дастёрига айланиб қолмаслиги керак.

Не-не софдил шоирлар (лоақал Ойбек, Шайхзода, Миртемир номларини зикр этиб ўтайлик), адибу алломалар айбсиз айбдорлик, юмшатиб айтганда, ихтиёрий маҳдудлик – бирёқламалик, ночор наилож ўзини “тахрир қилиш” ё сукут сақлаш қисматига гирифтор этилдилар. Энг журъаткор, ҳақгўй шоирлар (айниқса 60-70 йиллар шеъриятига мансуб янги авлод вакиллари) халқ дардини, миллат фожиаларини, таҳқирланган, маломатга қолган буюк

тарихимизни саҳифаларини қаламга олганларида ҳам коммунистик мафкура ҳакамнинг аёвсиз нигоҳини сезиб турди, ўша муҳит тазйиқи остидаги “ички цензор” – аллақандай иккинчи интизомнинг амрини бажарди: ўзини чеклашга интилки, жуда бўлмаганда партиядан, Лениндан нажот сўраб шеърлар битди (чунончи, А.Ориповнинг “Нажот қалъаси”, Э.Воҳидовнинг “Ленинни ўқиш”, “Ленин мақбарига гулчамбар” шеърлари).

Хуллас, 60-80 йиллар ўзбек лирикасининг осонликча кечмаган тадрижий такомил йўлида бирдан-бир матлуб сарҳисоб – марғуб тамойиллар шу билан белгиланадики, бамисоли эрк, истиқлол йўлида шаҳид кетган улуғ шоирлар, адиблар қалби каби шеърлар кўксидан юлиб олинган Дард ҳақиқий изланиш маҳсули бўлган шеърлар мазмунидан, образлар қаторидан яна ўз ўрнини ола бошлади. Шеърятнинг муқаддас даргоҳидан қувғин қилинган Шаҳс, Ўзлик, хўрлик ва маломат қомига берилган Хотирот, она юрт, она улус муҳаддислар, ҳизрсифат вали-мутасаввифлар, қомил имонда на шоир ва мутафаккир соҳибқиронлар, шунингдек, муқаддас китоблар, шеърят эҳромининг меҳробидан жой олган илоҳий қаломлар аста секин ўз қимматини тиклай бошлади.

Тимсол руҳидаги ўзгаришлар

АЗАЛ ВА ТАҚДИР, ИНСОН ВА ТАНГРИ мавзулари. Азалий зиддиятлар муаммоси. Қийноқли ҳаёллар, жавоби мушкул “мангу саволлар”...

Яқин йилларда ҳам бу тўғриларида – замон шуурида, фикратида уйғонган, кўнглида етилган, дунё юзини кўришга интиқ-безовта, лекин йўл, имкон тополмай дард-аламга, армонга айланган фикр-мулоҳазалар, мубоҳасалар ҳақида, миллий мустақиллик, она тили, айниқса, аجدодларнинг руҳий-илоҳий мероси, халқ, миллат дардлари ҳақида ёзиш (ё ёзганини чоп эттириш) осон гап эмас эди. **Ва ниҳоят...**

Баъзи мисолларни кузатайлик:

.....-мани ўқиб, беихтиёр ислом фалсафасида кенг тарқалган тажаллиёт таълимоти ёдга тушади: оламнинг “ҳар битта жилва”си – унсур ва аломатида тангри илоҳийнинг яратувчи қудрати, бунёд этилган неъмат ва мўъжизаларни муҳофаза этиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишдек меҳр-шафқати зухур этадики, буни шоир “минг сирли тугун” деб таърифлайди. Ҳолбуки, биз бу мўъжизалар тилсимотини моддиюн таълимотининг ниғилизми билан, оддий одоб қоидаларига риоя қилмасдан, сурбетларча инкор этиб келдик. Оқибат-натижада руҳий қашшоқлик, маърифий қолоқлик, маънавий-ахлоқий разолат – ялпи таназзул кулфатига маҳкум этилдик. Шоир инсон зоти учун, халқ ва миллат

учун ҳаво ва зиёдек зарур бўлган идеал – эрку озодлик, унинг қисмати ҳақида чексиз ҳасрат-надомат билан сўзлайди. Алданганлик фожиаси (“бандаларингдан ... кутганим”) , гумроҳлик осийлиги учун тангридан ўтинчу афв сўрайди. Шеърнинг кейинги бандида алам изтиробга сабабкор омиллар – ёлғон ғояларнинг ҳақиқий қиёфаси юз-хотирсиз фош этилади:

Сенинг осмонингга етмади бўйим,

Ердан паст кўкларни айладим тавоб.

Фақат, тангрим, кечир, бандаларингдан

Мангу саволларга изладим жавоб.

Шоир қўллаган анъанавий тимсол (“сенинг осмонинг”) ва оддий тафсил ибора (“етмади бўйим”) замирида инсониятнинг не-не зукко фарзандларини ҳайратга солган, ҳаёлга толдирган азалий жумбоқ – фалсафий савол яширинган. Биз бўлсак, нодонларча димоғдорлик билан: “Йўқ, бу – сафсата, халқнинг онгини заҳарловчи афюн, фикрни чалғитувчи уйдирма”, - деб ашаддий куфрона жавоб қилдик. Бундай “ҳамлакор даҳрийлик” касорати учун жамият ва шахс ҳаётининг истисносиз барча соҳаларида қандай “натижа”га эришганимиз бугун жаҳон афкор оммасига аён. “Ердан паст кўкларни айладим тавоб”. Шоир қаҳрамонининг кинояли иқрорида, миллионларнинг алданиш фожиаси, сохта ва гумроҳлик эътиқоди ҳайратомуз аниқ аксини топган ўша йўқсиллар тангриси, қаллоб доҳийлар, эҳтимол, “ердан паст” эканликларини ниқоблаш учун ҳам даҳрийликни ҳукмрон мафкура даражасига кўтаргандилар.

Кечиргин – кўйингда адашганимни,

Кечиргин – кўйингда тинмаганим-чун.

Кечиргин – эрк учун талашганимни,

Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун.

Бу самимий узрхоҳликлар, “тавбаи комил” (Навоий) муножотининг чуқур сабабияти, зиддиятлари бор. **Шоир қаҳрамонинг...**

Эҳтимол, шоир даҳриёна шаккоклик йўлини, миллий ва умумбашарий қадриятларни инкор қилиш йўлини тутганлар, буни қонунга айлантирган норасо “йўлбошловчи”лару тамагир “ижрочилар, турли тоифадаги алданганлар учун, балки беихтиёр адашганлар учун ҳам кечирим сўраётгандай бўлади. Зотан, кўчирилган охириги мисрабарчамизга дахлдор, муборак, муқаддас туйғуни мужассам этади: “Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун”.

Муҳаммад Солиҳ ўз қаҳрамони зиммасидаги юк имкон қадар салмоқдор бўлиши, унинг иймону виждон асри, вақт синови олдида устувор туриши ҳақида қайғураётгандай кўринади. Токи ҳаёлот ва хотиротининг аниқ, мухтасар шакл-шамойилини кашф этмагунча гоҳ ўз-ўзи билан, гоҳ ўзгалар – кимлар биландир мубоҳасага киришгани, нималарнидир андиша қилиб изтироб чеккани иштибоҳга боргани англашилиб туради:

Билиб туриб барча жиноятларинг,
Мен сени сотмасман, ёлғончи дунё!

Агарда у дунё...
Сенингдек ўйласа бирор
ёмонлик

шафқат тиламасман ундан ...
Тиламаган каби сендан омонлик.

Шоир қаҳрамонини шунчалар қийнаган ечими мушкул муаммолар китобхонни ҳам беихтиёр ўйга толдирса ажаб эмас: бу “ёлғончи дунё”ни деб одамлар умр йўлининг аксари уқубатли манзилларни умид ва сабот билан босиб ўтадилар, айти пайтда бу нимаси биландир сирли жозиб сафарнинг кутилган ва кутилмаган (қувончларига нисбатан зиёдроқ бўлмиш) азобларини қисмат насибаси сифатида кечирадилар. Бу ўз эътиқоди билан кучли, яъни фоний дунё заминида боқийлик яратиш имкониятига умидвор яшаган, лоақал руҳан комронлик касб этган кучли одамларга хос аломат. Шоир қаҳрамони ўз қиёфасида икки дунё (инсон ва руҳ) олдида умрни ёруғ юз билан ўтказишни ўйлаган комил зотлар акс эттира олгани учун ҳам жозибалидир:

Бу ерда мен руҳга ишончим сабаб
Кулги бўлганидай инсониятга,
У ерда инсонни ишониб абад -
Қолурман мен руҳлар аро уятга.

Қанчалар оғиру аччиқ ҳақиқат: шоир қаҳрамони одамларнинг мустақил фикрлаш ҳуқуқи, иймон эътиқод эрки билан мутлоқ ҳисоблашмаган замоннинг зўравонлик ва шафқатсизликка асосланган қаттол зиддиятлари ҳақида ўйлаб қийналади. Ахир кечагина “руҳга ишончи сабаб” гўёки дин “дин афюни”га қарши омонсиз кураш бошлаган миллионлаб коммунистлар назарида “кулги

бўлган” имонли кишиларнинг маломатли қисмати эндиликда бутун фожиа оқибатилари билан очилаётганини ким **инкор қила олади?**

...инсоний моҳиятини фош этиш нияти ётади. Шоирнинг яна икки мисрالي шеърий фалсафаси эътиборни тортади:

Барча малойика ичида фақат

Мен ҳурмат қиламан эрк фариштасин...

Ҳа, инсон тирик экан (биз эндигина тан ола бошладик), умр йўлларида унга қанча руҳий-самовий йўлдош – “малойика” мадакор бўлиши мумкин, буни ҳали қадамлараниқ тасвирлаб беролмаганда ҳам уларнинг зоҳиран кўздан яширин, ботиний дунёда мавжуд эканлигини то ҳануз шаккоклик билан инкор этиб келдик. Балки ўша ишонмаслик офати – имонсизлик касига турли “малойика” – поклик, ҳалоллик руҳлари, маъсумлик, гуноҳсизлик “фаришталари”бизни тарк этгандир, дилимиздан, ўй-хаёлимиздан узоқлашгандир. Бас, инсонга “эрк фариштаси” ёр йўлдош бўлиб уни қўлласа, бошқа имконият ва имтиёзлар йўли очилиши ва турли маҳрумликлар кишани узилиши, турфа тусдаги ёлғонлар, риё-алдовлар, шармандали иллату жиноятлар дасти қирқилиши тайин...

Образнинг полифоник қирралари

Шеърий тимсол рангинлигини, ун оҳанг жилоларини , сўз образ руҳидаги қирраларни ижодий изланиш маҳсули бўлган ҳар бир шеърнинг контекстидан билиш мумкин. Чунончи, Усмон Азимнинг “кўксимни очаман” сатри билан бошланувчи шеърида трамвайдан... ана шундай янги тип лирик-драматик тимсол яратилади.

Қайси муюлишда юрибсан йиғлаб –

Трамвай, мен сени англайман...

Тақдирдош, қийналдик, ахир иккимиз,

Бу темир из билан темир из билан...

Бизда нафақат деформация қилинган, балки тарихий тараққиёт қонунларига, демократия принципларига зид, қарор топган тартиботнинг инсонга, халққа, соғлом ақл ва ахлоққа хилоф низомларига, сохта ақидаларига...шунчалар оддий, ҳаётӣ, айнаи чоғда нишонга урувчи муқояса инкишоф этиш шоирнинг катта иқтидоридан, шеъриятга хос сўзнинг бадиий қудратидан ёрқин далолат эмасми? Кўчирилган банддан биргина мисрадаги лавҳа-образни махсус шарҳламай бўлмайди: “Қайси муюлишда юрибсан –

йиғлаб”. Эҳтимол, паркка қайтаётган сўнгги трамвайнинг ярим туннинг нисбий сукунатида олисдан кулоққа чалинадиган, аниқроғи, қайрилиш жойларидан келадиган таниш чўзиқ-инграган овозининг “ муюлишда юрибсан йиғлаб” тарзида ифодаланиши, менимча, бир неча маънога эга... Шеърнинг қуйидаги банди ҳам воқелигимиз драмалари фонида қаҳрамоннинг зиддиятли кечинмаларини ҳаққоний ифодалайди:

Бугун темир ғафлат изидан тушдим,

Оёғим тупрокда – бир роҳатижон !..

Аммо ...Бу ... Трамвай...Кетмас ўйимдан.

Кўчага боқаман. Қайда бечора?

Айниқса “Темир ғафлат изи”, “Трамвай...Кетмас ўйимдан” шеърий бирикмалари замиридаги маънолар ҳали бери ечими осон бўлмаган муаммоларга дахлдорки, бу одамларнинг қон-қонига сингиб кетган, кўпларнинг истеъдод ва иродасини маҳв этган, кўпларнинг қисматида битмас жароҳатга айланган кўркув, ҳадик, тухмат, тамға балолари, чеклашлар, чорасизликлар...Бундай ҳақсиз-ҳуқуқсиз, носоғлом, нопок муҳитда илдиз отган, палак ёзган ёлғон – турфа тусдаги иллатлар “Темир ғафлат изи” – асоратлари эмасми? Бу разолат касридан жамият ва шахс қачон ҳалос бўлади, қачон тозаланади? Гарчи шоирнинг қаҳрамони ўзи “Темир ғафлат изи”дан тушган табиий ва илиқ, “роҳатижон”... тупрокда..оёғи эркин нафас ола бошлаган бўлса ҳам, аксарият элатдош ва миллатдошларнинг ҳаёли “ихтиёрий қуллик” , аянч мутелик психологиясидан, алдамчи ғоялар кишанидан қутулмагани унга тинчлик бермайди, “қалбини ғижимлайди” (Р.Парфи).

Рауф Парфи “Самарқанд осмонида”шеърида табарруқ аждодлардан мерос хотирот, ворис кадриятларга муносиб муносабат ҳақида ўзининг ижодий таомилига биноан “қуйиниб сўзлайди”.

Кўз ўнгимда қадимий жаҳон,

Асрларни бузар ҳаёлим,

Осмонида шунча ҳаяжон,

Тушганимда не кечар ҳолим?

Шоир қаҳрамонининг “ҳаёли” шунчалар туғёнли эканлиги – шеърий тимсолнинг кучи чиндан ҳам ҳайратбахшдир: қадимий жаҳон – муқаддас ва муаззам обидалар ҳақидаги ўйлар “асрларни бузар даражада шиддаткор ҳамда қасоскор... Мазкур шеърий банднинг кейинги икки сатри классик тазод санъати

(“осмонида” – “тушганимда”) асосига қурилган бўлиб, унда Самарқанд тарихи билан боғлиқ самовий ҳаёл ва таҳқирланган ҳақиқат (аждодларининг том маънодаги улуғ руҳияти, бутун хотироти, шеърӣ, мусикӣ, меъморӣ, ктбот санъатига хос ёдгорликлар қисматига алоқадор оғриқли муаммолар) нисбати санъаткорона умумлаштирилган. Кейинги бандда тарихий тафсилотга янада сирли ғаройиб шеърӣ сайқал берилади:

Тарих айтар аста жаранглар

Даҳмаларда қадрдон калом.

Зиё сочар самовий ранглар,

Минорларда абадий илҳом...

“Даҳмалар”да устоз сангтарош наққошлар даҳоси, ўз касбига эътиқоди, камоли меҳру ихлоси зухур этган. Хусусан, муқаддас оят, ҳадис сўзлари, буюк вали шоирларини шеърӣ ҳикматлари Турон – Туркистоннинг олис ва яқин тарихидан (тарих айтар) ҳикоя қилади. Не ажабки, уларни идрок эта олган комил ва солим (соғлом) одамлар – ўз тарихини, насл- насабини, аждодлардан мерос орзу-армонларни билишга дилдан интилан чин ватанпарварлар учун руҳий нидо берар (аста жаранглар). Гумбазлар девору пештоқлардаги нилий бўёқлар мана неча асрдирки, “зиё сочиш”дан толмайди. Ниҳоят, тарих посбонлари бўлган миноралар. Шоир уларни “абадий илҳом” тимсоли деб таърифлашида ўзига хос теран маъно яширинган. Шеърнинг охириги бандида Рауф Парфининг ўзгача тафаккур тарзи, шеърӣ мантиқ шиддати азалий зиддият (“туш кўриш” – “уйғониш”) заминидаги пурдард образ-лавҳаларда ўз ифодасини топади:

Тушлар кўриб ухларсан гўё,

Тушларингда қадимий қисмат.

Эй Самарқанд, эй қўҳна дунё,

Сен уйғониб кетмагин фақат...

Табаррук калом – Самарқанднинг хоҳ дунёни ларзага солган, айниқса, юртдошлар учун қутлуғ тарихи, хоҳ ҳаёлга жойлаб, таърифга сиғдириб бўлмас донғи шуҳрати, хоҳ ҳанузгача асосли ўрганилмаган, муносиб баҳоланмаган, армон бўлиб қолаётган қат-қат меъморӣ ва руҳий қадриятлари унинг ҳақида “Тушлар кўриб ухларсан”, дея чуқур кинояли ҳукм чиқаришга асос бермайдими? Лекин ҳаёт мантиқи билан шеърӣ мантиқининг тафовути – кейингисининг кўпқиррали полифоник маънога эга бўлишида. Шу жиҳатдан

шоирнинг “Тушларида қадимий қисмат” аён бўлган Самарқандга қарата: “Эй қўхна дунё, Сен уйғониб кетмагил фақат...”, дея қилган нидоси замирида қандай пинҳоний маънолар жойланган – бу шоирнинг ўзигагина аён.

Ажаб бир ҳолки, катта шоирларда ҳам зоҳиран ўхшаш тимсол ё рамзий ибораларни учратиш мумкин экан. Лекин қандай ўхшашлик денг? Агар, Абдулла Орипов ошкора ғанимлари отган таъна тошлариданми ёки айрим худписанд дўстларининг пинҳоний ҳасаду ғаразлари хуружиданми жигархун бўлган кезларида ўша давр раҳнамоларидан кимдандир кўрган қай бир яхшиликдан таъсирланиб, лекин ўз таассуротини умулаштиришга келганда саҳв кетган – компартия Марказкомини (!) “нажот қалъаси”, деб атаган бўлса, Рауф Парфи бу сўз бирикмасига тамомила бошқача позициядан ёндашади – чинакам инсоний маъно, илоҳий қиммат беради:

Рухга имон бергил, эй қодир ҳаёт,

Қизғанма самовий сеҳрнинг сасин...

Юрак деб аталган оғриқ бу нажот.

Кўкрак қафасимиз – нажот қалъаси

Албатта, шоирона муножотнинг асосий каломи – “Эй қодир ҳаёт” (моҳиятда “қодир қудрат” – илоҳа) жамиятнинг маънавий разолати авж нуқтага етган, уни ниқоблашга уринган партократик цензура янги таҳқир усулларига ўтган муҳитнинг тақозоси (шеър биринчи марта китоб баҳонасида эълан қилинган 1986 йили ҳали ошкоралик эпкинни бизгача етиб келмаган эди.): ҳолбуки, “руҳга имон бериш”га фақатгина қудратли илоҳийгина “қодир”, шоир бунини яхши билгани учун ниятини рамзий ишора (“самовий сеҳр”) таризда ифодалайди. Муҳими – жафокаш инсон замондошининг дардли юраги тасвирида шоир кузатган мурод – анъанавий ташбеҳларнинг янги талқини, ўзгача моҳияти: биз тирик, имонимиз босаломат экан, бор ишонч, умидимиз юракдир, имон эса руҳсиз яшамайди, руҳ юракда макон тутиши мумкин. Бас, “юрак деб аталган оғриқ бу нажот “”, сўзлари, айниқса, қадимий руҳий илдизлар билан узилган алоқани тиклашга, маънавий покланишга, ғофиллик, мудроқлик, даҳшатли алданишлар кулфатидан халос бўлишга интилиш кайфиятини ёрқин мухтасар ифодалайди.

1992 йил Ўзбекистон адабиёти ва санъати

МУНАҚҚИДНИНГ ПОЭТИК ТУЙҒУСИ

Менинг назаримда, поэзия танқидчиси, биринчи навбатда, санъаткор шоирлар юритган мушоҳадаларни – адабий ўйларни, уларнинг махсус рисолаларини синчиклаб ўрганиши зарур. Чунки ниҳоятда специфик тур бўлганлирик поэзия ирроционал характери, фавқулодда нафислиги, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Балки шу сабабдандир, лирик шеърнинг эмоционал таъсири барчага бирдек бўлиши мумкин эмас. Зеро лирикани поэтик туйғуга эга бўлган кишиларгина тушуна олади. Бу ҳол айниқса поэзия танқидчисидан ўзига хос нозик дидни, махсус маърифат ва малакани – поэтик иқтидорни тақозо қилади.

Маълумки, бугунги лирика воқеликнинг ўзи каби кўламли кўп қиррали унинг бадий-образли хазинаси ҳам ҳар қачонгидан бой ранго-ранг. Бу янги хусусиятлар космик эранинг шиддатли одимлари билан, замондошнинг тинимсиз ўсиб бораётган маънавий-эстетик талаблари, унинг бениҳоя мураккаб зиддиятли дунёси билан белгиланади. Эндиликда анъанавий мавзуларда ҳам аввалги эстетик мезон билан ёзиш, яъни бирон бир ташбиҳ-топилма – тутилмаган образ, образ-кечинма, ўзгача лирик лавҳа яратиш, бу билан китобхонда ҳайрат, завқ-шавқ билан ҳислари, уйғотиш кифоя қилмайди, балки шоир яратган образлар китобхон қалби ва шууридан жой олиши, уни ҳаёт ҳақида, инсон тақдири, замин тақдири ўйга толдириши лозим. Бу жиҳатдан, хусусан, Зулфия ва Асқад Мухтор, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Омон Матжон ва Рауф Парфи, Ойдин Ҳожиева ва Гулчехра Нуруллаева қаламига мансуб энг яхши, салмоқдор шеърлар – манзумалар эътиборига лойиқдир. Мен “Сизга айтар сўзим”, “Нажот қалъаси”, “Тирик сайёралар” китобларини, улардаги туйғуларнинг энг шиддаткор ҳолати – драматизмини, образларнинг кўп қиррали-полисемик маъноларини, поэтик фикрнинг теранлиги ва ассоциатив характерини алоҳида қайд этишни истар эдим. Шеърят танқиди бугунги лирикадаги мана шундай чуқур ўзгаришларни ҳали умумлаштиргани ва лозим даражада таҳлил қилиб бергани-ча йўқ.

Поэтик танқидда муайян бир асарнинг ғоявий-маънавий салмоғи унинг бадий образли ижроси – санъати орқали кўрсатилиши, шоир дунёси унинг ёрқин образлари – бадиалари тарзида тадқиқ этилиши лозимки, бунинг ўзига хос мантикий асоси бор: одатда ижодий изланиш маҳсули бўлган ҳар бир шеър мавзуи, ғояси эътибори билан (айниқса, ёр, диёр, она, ҳаёт, ўлим каби “абадий мавзу”ларда) бошқа шеърларга нисбатан умумий яқинлиги,

муштараклиги бўлгани ҳолда, унинг конкрет мисралари, образлари такрорланмас қирралари билан ажралиб туради. Сабаби, шоир ҳар гал, ҳатто анъанавий мавзуга мурожаат қилганида ҳам, оламни ўзгача тарзда, янгидан бадиий идрок этади, уни бошқача усулда шакллантиради. Шу маънода поэтик образ яратиш маҳорати лирик шеърининг хос хусусияти кўрсатувчи, тинимсиз янгиланиб турувчи жараён сифатида танқид учун асосли ва битмас туганмас манба бўлиб қолади.

Поэзия танқидчиси шоир билан китобхон ўртасидаги деярли ижодий муносабатнинг ғоят нозик масъулиятли бир нуқтасида туради. Маълумки, илғор китобхон муайян асар устидаги ижодий ишнинг ўзига хос давомчисидир (буни машҳур санъаткорлар, жумладан, шоирлар таъкидлаб ўтадилар). Демак, танқидчи ўз фаолияти билан кенг китобхонлар оммасида маълум даражада танқидий тафаккурнинг шаклланишига бевосита ёки билвосита кўмаклашибгина қолмасдан, даставвал, илғор китобхоннинг талаб ва эҳтиёжларини ҳам ўрганиши лозим бўлади, токи китобхон билан шоирнинг ижодий алоқасига ҳалал етмасин, ўртада қандайдир сунъий ғов пайдо бўлмасин, аксинча, танқидчи ўзининг юксак профессионал иқтидори, самимияти, объектив позицияси билан бу ижодий алоқани (бунга чинакам асос бўлса) янада мустаҳкамлашга интиломи керак. Бу жиҳатдан айниқса поэзия танқидчилиги китобхон олдида бурчлидир.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати

1982 йил 15 январь

№3

РУҲИЙ ХИЛҚАТ ТИМСОЛЛАРИ

Кўнгил мулки дил меҳвари, руҳият баржлари...

Бу кўҳна дунёнинг буюк шоирлари – сўз даҳолари ҳайратини, шавку рағбатини, армонларини ўзида мужассам этган ғаройибот олами. Унинг сир-синоатини даҳриёна-синфий мафкура домидан халос бўлган фанимиз ҳам тан ола бошлади. Шеърятнинг фавкулудда имконият ва имтиёзлари, макон ва замон меъёрларига сиғмас (эҳтимол, сиғдириб бўлмас) теранликларини, самовий кенгликлари ҳақида махсус бафуржа баҳс юритишга тўғри келади...

Рауф Парфи шеърятини... Шоирнинг хосу бетакрор мажозлари, рангин рамзу истиоралари . Сўз-тимсоллар лавҳасида ҳассос санъаткор қалами-ла битилган кўнгил мулкининг бири- биридан зарифу ҳарир сувратлари, руҳий оламининг ўз мақомига монанд ҳайратбахш манзаралари...

Хусусан, Рауф Парфи “тенги кам” (Миртемир) истеъдод эгалари (тўғриси, уларнинг рўйхати бармоқ билан санарлидир) тоифасидан – яна нимаси биландир ажралиб туради. Эҳтимол, бу қалб тафаккури нури-ла йўғрилган, бизга таниш назаргоҳдан холи ҳиссий ҳаёлот (одатий ақл-зако ўлчамларига сиғмас), пурдард хотирот тажаллиси, эҳтимол, мумтоз шеърятимизга хос дунёвий ибтидою илоҳий интиҳонинг шеърӣ шарҳлари йўқ, чинакам бадий таҳлилидир... Келинг, хос тамсилларга навбат берайлик, “Аста қора кийди мудраган жаҳон. Руҳимнинг асрлик музлари синди... Надир бу? Қўлимда қора лоладир, ул кўздан ғойибдур, тирик ноладур” (“Бир замон”): “Дўсти ғариб хуш ҳол бу кеча, Юлдузларга сени топширдим” (“Мен ғолибмен...”). “минг йил кимни изладингиз, минг йил сизни изладимми мен?!” (“Юлдузларнинг раҳми келади...”) . Во ажаб! “Дўсти ғарибни юлдузларга топшириш” – бу шеърятнинг ғаройиб мантиқи сиғдира оладиган, фақат шеърӣ тил орқали шакл-шамойилга солиш мумкин бўлган бетакрор образ лавҳадир. Ёки шоирнинг қаҳрамони ҳаёлидаги маҳбуб билан ошиқ кўнгул бири-бирини “минг йил излаши ю”, бир зумда айрилмаги” фақат руҳият дунёсига хос сирли пинҳоний жараёнлар ифодаси эмасми?

Бошқа бир мисолни мушоҳада этиб кўрайлик: “Тонггача суҳбат кўрдим дарахтлар билан, Тушларимни сувларга айтдим, кел, йўқолиб кетма, дедилар” (“Ёдингдами қандай тун эди...”). Танҳолик кечаси ёлғиз дарахтлар билан мулоқотда бўлиш, дил розини “сувларга айтиш” – табиий хилқат унсурларининг жафокаш ошиққа ҳамдардлиги – озурдаҳазин руҳ аломати (биз ўзимизча шундай ҳаёл қиламиз: бу “дарахтлар”, “сувлар”, аввалроқ, қачондир

бахтиёр дақиқалар – икки шайдо кўнгил бирга кечирган фарахбахш учрашув лаҳзаларининг шоҳиди бўлган.) Балким, тун сукунатидаги бу галги тилсиз мулоқот мажнунсифат ошиқ учун биз ўйлаганчалик нажотсиз эмасдир. Сабаби, аҳли ҳол – вали зотлар сингари аҳли дард ҳам нафақат одамлар жамоасидан, балки ўзлигидан – шахсий ҳаёт эҳтиёжларидан узоқ хилватгоҳни ихтиёр этса не ажаб? Билъакс, ошиқ ўзининг бундай аҳволдан руҳан ҳаловат топиши, тақдири илоҳийга шукрлар келтириши мумкин... Шу маънода, шоир қаҳрамонининг тунги сукунатида якка-танҳо қолишини халқимизнинг “Ёлғизнинг ёри Худо” нақли нуқтаи назари-ла фақат ноиложлик, шикоят ифодаси деб талқин этиш бирёқламалик бўлмасмикан?.. Менинг назаримда, дарахтлар, сувлар тилидан айтилган : “кел, йўқолиб кетма” илтижосида теран маъно зухур этади; унда истанг – ёлғизлик, ғариблик фожиаси қанчагача давом этиши мумкин, деган ҳазин нолавор рух, истанг – юқорида қайд этилган қисматга розилик аломати мужассам аксини топган.

Рауф Парфи : “Эҳтимол, ноҳакман, эҳтимол ҳақман, лекин муқададс сўзни изларман” мисраларида ўз аксини топган ижодий таомилга мутлоқ риоя қилиб ёзади. Айни шу мавзуга дахлдор “сўз лавҳи”га чизилган образ-тимсолларни мушоҳада этиб кўрайлик:

“Бу – ой тўккан шуъла эмас йўқ, Бу навога айланган сўзлар”; “Бу ерларга беҳуда келдим, сувга чўккан чўғдек сўзларим”, “хотирамнинг тасбеҳлари тизилди, қайғулиман, дардга қоришган сўзим”; “Ўзимдан узоққа бормадим, сўзимдан узоққа бормадим”; “сўзлардик пешонада тўпланган ажин, кўзларимиз фикрчан сўзлардир”... Рауф Парфининг санъаткорона тарашланган, қуйма бандлари, мисралари “тоза ва беандоза” (Навоий) аломатлари билан, ўзгача оҳанги-садо, акс-садолари; руҳий нидо – ўйчан паузалари, нуқтадон жилолари билан ажралиб туради. Мана, яна бир тур тамсиллар мажмуи – кўз уйи воситаси-ла чизилган лирик манзаралар: “кўзларинг қаърида синиқ бир нола, балким, қафас ичра уйғонган наво”; “Кўзинг осмонидан учган юлдузлар. Мангулик осмони – бу теран кўзлар”; “нафасларга тўла бу осмон узилмайди асло кўзимдан”; “Юлдузларнинг нурлари оғрир Кўзларимга келиб санчилиб”; “Эзилган эракин эзиб тўймайдир, гулим кўзларингга беркинган жаҳон”; “Қора ёрқинликда шивирлар оят, Кўзларингни тинглаяпман энтикиб”...

Лоақал шу сўнгги байтни таҳлил қилиб кўрайлик, Аллоҳ таолонинг мўъжизаларидан бўлмиш, борлиқ жонли мавжудотга (демак ички сезги орқали наботот дунёсига ҳам) , аввало, ёруғ дунёнинг олти жиҳатини таниб, билиб, илғаб олмоқ, сўнгра ундан турли даражада фойдаланмоқ, шу жумладан, ўзини

муҳофаза қилмоқ учун ато этилган кўриш сезгисида, шубҳасиз, муайян илмий ҳақиқат ётади. Алалхусус, инсоннинг кўриш салоҳияти нафақат зоҳирӣ, балки ботинӣ дунёни идрок этиш учун қанчалик зарурлигини шоиртабиат халқимиз : “ кўз- кўнгилнинг кўзгуси”, “ақл кўзи”, “ишнинг кўзи”, “кўз гавҳари”, “кўзнинг оқу қораси”, “нури дийдаси” каби зарифу дона нақллар, иборалар билан ифодалайди. Ҳасос шоир Миртемир “Қора ёғду”, “қора оташ” деб таърифлаган кўзнинг қорачиғи таратган зиёга Рауф Парфи кутилмаган тарзда илоҳӣ маъно беради: маҳбуба кўзлари “шивирлаб оят” ўқиётган обида (ибодат қилувчи) муслимага муқояса этилади; ошиқона нигоҳли кўзлар муҳаббат нури-ла мунис ҳабибага “қора ёрқинлик” бахш этиш билан кифояланмайди, балки умид нажо рамзи бўлган руҳӣ савдо бергандай, сас ила ғамнок кўнгилга сафо бахш этгандай бўлади:

Пурдард хаёллару сўзонли, туёғулардан йўғрилган руҳӣ дунё ифодаси, руҳӣ дунё бўлганда ҳам, ҳасос ижодкор фақат ўзи биладиган, бизга, ҳар қалай, дахлсиз бўлмиш изланишлар дунёси – шоир ижодхонасининг ёрқин мисоли сифатида “Юрак” шеърини шарҳлаб ўтамыз.

Юрак, йўлларингга турганман таркор,

Роса сайраганман сенинг тўғрингда.

Ким билар, ақлимга келдинг неча бор,

Неча бор сўзладим сенинг йўғингда.

Биргина шу банднинг ўзида Рауф Парфининг хос мушоҳада тарзи гўё имконга сиғдириб бўлмас бир ҳолатни шеърӣ мантиқ меъёри-ла ифодалаш маҳорати аён бўлади. Беихтиёр, “Ажабо, юракнинг ҳам тирик тасвирини яратиш мумкин бўларкан-а!” деган ҳайратли кайфиятни кечирамиз ва ажабки, бундай ногоҳонӣ таассуротдан руҳан қаноат ҳосил қилгандай бўламиз.

Яна бир бандда Рауф Парфидек фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (Светлов), бир шоирнинг ўзлик дунёси ва ижодӣ дарди ҳамда шавқу рағбати, қувончларининг тимсоли бўлмиш “юрак” икки сойир шайдо кезувчига айланади:

Шул осмон остида кезгаймиз ҳали,

Мантиқ ахтаргаймиз изғиб изма-из.

Даркор бўла қолсанг, йиқилгил, майли,

Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз.

Асосини Навоий ва Бобурлар қўйган мумтоз туркий поэтикамизнинг “илми балоға”, “илми бадеъ”, “илми саноеъ” мезонлари эътибори-ла шоир ўзлиги – “менлиги” билан шоир “юраги”нинг шеърият аталмиш улуғвор ва латиф ҳақиқат – фасоҳат мамлакатининг ҳам машаққатли, ҳам шукурли, ҳам шукуҳли йилларида саргашта кезишлари, бу олис сафарнинг гоҳ талотумли, гоҳи азиз-аржуманд манзилларида ўзгача, зарифона “мантиқ ахтариш”дек ҳаёт ва ҳаёл уёғунлигига эришмоқ масъулиятини зиммаларига олиши – аслида бу ўша юқорида қайд этганимиз – имконга сиғмас нарсадан имкон топишдек ижодий жасорат, бадий маҳорат, санъаткорлик мисолидир. Мазкур банднинг иккинчи байтида шеър яратишдек мўъжизий жараённинг юқори босқичи – баравж нуктага қўтарилиши – шоир шеъриятининг фидойилик ғояси (“Даркор бўла қолсанг, йиқилгил майли”...) ҳақида мубоҳаса юритилади. Шу тариқа, кейинги бандлар учун мантикий замин ҳозирланади: шеър санъатининг биринчи эҳтиёжи – бадийат ибтидоси маълум такомил жараёнида етила бориб, ижтимоий дард ифодасига, оқибат-натижада умумбашарий ғоянинг тимсоли мужассамига айланади. Аниқроғи, бу асрлар давомида қанчадан-қанча фузалою зурафо аҳлининг эзгу армони бўлмиш фазлу камол соҳиблари жамияти ҳақидаги қадимий орзунинг замонавий шеърий инъикоси:

Майлига, ҳайқирай иймоним ҳаққи,

Кўкларга термилиб солайин уввос.

Мен фақат коммуна аталган ёрқин

Фархунда замона истайман холос.

Гарчи тутқунман-ку, эркин сеҳрингга,

Унда собит турар мақсад-манзилим.

Қолиб кетмасайдим сенинг меҳрингдан,

Қолиб кетмасайдим йўлда узилиб...

Кўчирилган шеърий парчанинг биринчи тўрлигида, не надоматлар бўлсинки, даҳрий мафкура касри билан ҳар қандай шафқатсизликдан қайтмас, энг оғир гуноҳдан, унинг муқаррар оқибати – интиқомдан ҳам кўрқмас йўқсиллар инқилобининг қонли жиноятлари, унинг популист даҳолари ўтказган маъшум “тажрибалар” касоқати билан даҳшатли туш – саробга, қаллоблик ва риёкорлик рамзига айланган “коммуна” ҳақидаги тарихий ёлғон (не-не софдил, нодир талантлар учун алдамчи ҳаёл!), на чоракчи, шоирнинг озод-хур “юраги” билан ҳамрозу ҳамовоз истаги (“фархунда замона”) тарзида ифодаланади. Инсоният тарихида мисли

кўрилмаган тарихий хатолик фожиасининг биргина мисрада қолдирган асоратидан қатъий назар (аслида “барчанинг дардини ўзига олган” шоирнинг гуноҳи нимада?!) кейинги тўртликда шеърнинг маъно-моҳиятини белгиловчи ғоя – ўша ғўзаллик яратиш дарди – фасоҳат туйғусидан бебаҳра қолмаслик истаги – шеър ибтидосидаги безовта руҳ яна ўз мавқеини эгаллайди. Тўғри, бу- фақат самимий истак эмас, балки кўнгил муножоти, иймон даъвати, шоир қисмати, шеърият тақдири қайғусида, “куйиниб сўзлаш”нинг ёрқин далолати!..

Ва ниҳоят, “Юрак” шеърининг охириг икки бандида шоир зотининг қисмати биз тасаввур қилганимиздан кўра мураккаброқ эканидан далолат берувчи дарднок ўйлар, изтиробли кечинмалар шиддати “юрак” тимсолида юксак санъат билан ифодаланганини кузатамиз:

Айтгил, куйларманми бир кун, юрагим,

Айтгил, куйларманми боқмай ўзимга,

Сени жарроҳ каби совуққон ва жим

Юлиб қуярманми қоғоз юзимга?

У пайт алдамасдинг кўзимга боқиб,

Шодумон дардингни айтардинг буткул,

Унгача илҳомлар келмагай оқиб,

Унгача дунёни англамак мушкул.

Во ажаб!.. Юракни (эътибор беринг: санъаткор ўзининг замон ва макон меъёрларига сиғмас, моддий ва руҳий оламнинг аёну пинҳоний буржларида кезувчи юрагини!) бир қадар кашф этмай туриб, шоир зотининг чиндан-да мурод топмоғи, тўла маънода “куйламак”ка маънавий ҳақдор бўлмоғи имконсиз... Бусиз бору будини, инон-ихтиёрини шеърият аталмиш хос “саноъ нафиса” – сўз мулки измига топширмоғи мумкин бўлмас. Бу – шеъриятни ижодий қисмат деб билган шоирнинг матлаби, армони эмасми? Юрак аталмиш руҳий хилқатни моддийлаштириб “жарроҳ каби юлиб... қоғоз юзига қўйиш”, (ҳа, бу фақат шеъриятнинг бадий мантиқниқўтара оладиган нисбатлар усули!), бундан кузатилган мурод – “ҳар бир шахснинг ягона ғурури, ишонган бойлиги” (Гёте) бўлмиш юракнинг биз учун яширин “шодумон.. дарди”ни тинглаш – қалб оғриғини қулоғи билан уқиб олиш.... Асли шеърий санъатнинг сир-синоати ҳам шунда: бусиз – “илҳомлар келмаган оқиб”, бусиз – “дунёни англамак мушкул”. Шоир хаёллари, умид-армонлари

ҳавойи – заминсиз бўлиб чиқмаслиги ё алдамчи – сароб тамойиллар, қаллоб ғоялар қулига айланмаслиги учун ҳам у ўз “юраги” билан ҳамдард бўлиб қолмоғи даркор...

Жаҳон шеъриятининг зўр билимдонлари – мутафаккир, шоир ва назарийётчилар шеърий санъат ибтидоси ва илҳомий ҳолатни шоирлар ўзлари биладиган илоҳий шавқу рағбат, дарду сурур туйғуларини, шоир дили, қалби, кўнгли – “юраги”ни ўз ижодхонаси, “санъатхона” (Шайхзода)сининг қутлуг маскани, нуқтадон маънолар дуржи сифатида эъзозлашлари, албатта, ўз қонуниятига эга.

Ҳазрат Навоий шеър туғилиши жараёнида “юррак” иштирокини “дард ила сўз” “сўзон - ўт” ибораси-ла изоҳлайди. Балким, шу боис Рауф Парфи “Она тилим” шеърида шоирларни бу хусусда хушёру огоҳ булишга даъват этади: **“шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат Улуғ Алишернинг қутлуг тилида...”**

Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси

1998 йил

ЖАҲОН ГУЛ ИЧИНДА НИҲОН

(БИР ШЕЪР ШАРҲИ ТУРКУМИДАН)

Бу мажозий нисбат ҳазрат Навоийдан. Уни Асқад Мухторнинг “Ишончсиз қадамлар...” шеъри талқини учун унвон (сарлавҳа) сифатида олдим. Шу баҳонаи сабаб билан ноёб қалам соҳиби ҳақида кўпдан кўнглимга тугиб қўйган шахсий бир мулоҳазамни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ёрқин поэтик истеъдоди “зодаи табъи” (Навоий) билан орифона тафаккурга мойиллиги барқ уриб чакнаб турган, асқадона бетакрор мушоҳада меваси – фалсафий-лирик тимсоллар яратган катта санъаткор шоир...агар ўтган “долғали аср”нинг ҳукмфармо “буюртмалари ” ўз қомига тортмаганида, унинг жаҳонгирлик даъватларига жавобан ижодий имкониятлари замонавий романларга истифода этилмаганида эди, эҳтимол, “бутуниттифоқ шеъриятининг” мафкуравий сарҳадларини мардона ёриб ўтолган ва жаҳон майдонига чиққан машҳур намоёндалари сафидан ўрин олармиди ва “ўзбек шеърияти” ҳам байналмилал меҳвар – халқаро орбитада ўзлигини намоён қилармиди (қисматида бахти кемтиклик битилган, маломатлар чиғириғидан базўр омон чиқолган ҳассос, донишманд Зулфия опамиз ёнларида яна бир ўзбек шоири ўз “мушоираси” билан қитъалар аро фасоҳат мажлисларини безата олармиди) деб ўзимча армонли хаёллар қиламан. Зотан насрнинг имконият, имтиёзлари бошқа-ю, табиатан ҳурфиқр-исёнкор назмнинг парвози, мавжвору пурвиқор аломатлари бошқа...Унинг ботиний ғаройиб сезгилари, қалб зарблари, руҳий-маънавий эҳтиёжларидаҳлсиз юксакликда, минтақаю иқлимлар,этиқодлару идеаллар буржи ўзгача,унинг руҳонияти эса ахир бир кун мутлоқ Ҳақиқат билан ғойибдан алоқа боғлаши мумкин...

Энди шеър шарҳига қайтайлик. Мана унинг мухтасару мухташам қуйма матни:

Ишончсиз қадамлар

Эшигим олдида.

Наҳотки бу – сенинг изларинг?!

Ўзинг яксон этган киши қалбида

Сенга нима керак,

Нима изладинг?!

Вазн-ритмика-оҳанг тақозоси-ла олти қаторга жо бўлган, асли тўрт мисра шеър. Унда кечагина ё бир неча кун муқаддам содир этилган биргина

оғир маломат сўзими ё кечирилмас, номарғуб бир аъмолми сабаб кутилмаган низо, асорати қаҳратон аёздан ёмон, вужудни, жонни қақшатгувчи совук муждадан чексиз афсус-надоматли таассурот қолади: шубҳасиз, аввал бир-бирини жонидан ортиқ севган, балким, аҳд-паймон қилган икки ёшнинг илоҳий эътиқод, умрлик бахтиёр қисмат мақомида эъозлаган Муҳаббат гуҳари балким, қурилгувси янги ҳаёт жавҳарининг ...ноғиҳоний бало касридан поймол этилиши, ҳар бирининг ўзича тортган азоби, чеккан изтироби шунчалар ёрқину мухтасар кўрсатиб берилган эмасми?...

Келинг, даставвал, шеърнинг зоҳирий аломатларини шарҳлаб ўтайлик. Қиш кунларининг бири, енгилгина қор ёғиб ўтган, унда дастлабки, не ажабки, таниш излар фонида фавқулудда зиддиятли кечинмалар замзамаси...

Ишончсиз қадамлар

Эшигим олдида...

Бу - воқеабанд интим-лирик шеърнинг экспозицияси. Сўнгра, шу аснонинг ўзидаёқ сюжет шиддаткор суръат билан ривожланади: бу ғариб хонадон соҳиби – ортиқ ғам-андуҳ асирлигида қолган иймони комилу солим бир йигитнинг алам-изтироб ила йўғрилган эзгин ҳолати чизилади; у ўзида таниш ўша беомон “изларни” кўриб, кўнгил жароҳати янгиланади – аламнок ҳислар туғёнга келади, у туйғулар мавжини тутиб тура олмай қолади:

Наҳотки, бу сенинг изларинг?!

Аввалига бизга анчайин сирли туюлган бундай ҳол, маъно-моҳияти яхши идрок этилмаган ажабтовур ҳодиса сония сайин ўзгариб, кучайиб, ўзининг авж нуқтасига етади – мана лирик-драматик асар кульминациясининг тимсоли мужассами:

Ўзинг яксон этган киши қалбида

Сенга нима керак, нима изладинг?!

Шеърнинг бори ибтидою интиҳоси шу. Унда анъанавий рамзий-мажозий ё қиёсий нисбатлар, истиора (луғавий маънода омонатга олинган) бирор ташбеҳ йўқ. Сўз-тимсоллар бевосита жонли ҳаётини тафсилотлар заминида яратилган. Қисқаси, шеърнинг ҳар бир сатри, ташбеҳи шоир хаёлхонасида неча бор “тарошлангани” (Чўлпон) – бадий сайқал берилганини биз ҳам, лоақал, умумий тарзда тасаввур қилишимиз мумкин. Мана ёрқин бир мисол: “Ишончсиз қадамлар”. Бечора қизнинг не ўй-хаёлу не бир ҳолатда, шубҳасиз, қорли бўсағада қолдирган, энг жозиб, таъсирли жойи – ўша озурдахол йигитга анчадан буён ошно бўлиб қолган мўъжазгина, нозик

кадам излари, шу боисдан ҳам унинг дардини янгилаб, вужудини зирқиратувчи (аввал азиз, севимли бўлгани, соғиниб, термулиб кузатганлари учун ҳам эндиликда асло чидаб бўлмас) ўша дилозор излар! .. Нега, масалан, биргина “ишончсиз” ташбеҳи бизни шунчалар банд этади? Сабаби шўрлик қизнинг қаттиқ пушаймон-тавбаси қабул бўлармикин ё аёвсиз рад этилармикан? Бу ҳали номаълум, шундан кўнгли бағоят даражада ғаш. У билмайдик, аввал дунёда энг азиз ва мунис туюлган бу остона эшиги очикми, йўқми? (балким, у ҳали қайтмагандир, эҳтимол, келиб яна қаёққадур кетгандир, ҳали-вери келмас...) Демак, бечора қиз то бўсағагача бемалол-беҳадик юриб боролмаган. (балким эшик қоқиб кўргандир, бирор шарпатовуш илинжида ундан узоқлаб кетолмай, нари-бери босилган паришон “излари” қолгандир...)

Сўнгра шоирнинг лирик мени (энди йигит тимсоли) ҳақида. Умрида биринчи бор бундайин қаттиқ алданган йигитнинг ўз “эшиги олдида” бири-биридан азобли хаёллар домидаги аҳволи руҳияси қизниқидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам бўлмаса керак! “Наҳотки бу сенинг изларинг?! Сен ҳали менинг остонамга журъат қилиб келдингми? Шу ростми? .. Буни қандок тушунмоқ керак? Ё ... сен чиндан ҳам ... Йўқ, мумкин эмас! “ Хуллас, “сенинг изларинг мажозий бирикмаси замиридаги таранг тортилган туйғулар, тизгинсиз ўй-хаёллар зиддияти бизни батамом банд этади: алданган (ё алдандим деб билган) йигитнинг дили куйиб, жон-жисми тўлғониб қилган бу нолаларидан гарчанд нигоҳимиздан яширин бўлса-да, кўнглимиз сезиб турган ички-ботиний нидоларидан қаттиқ мутаассир бўлиб, беихтиёр равишда “Ҳей, аттаанг-а!” – деб юборамиз... Шеърнинг сўнгги сатрлари бундан безовта ҳолатмизни гўё тасдиқлангандай, кучли ҳайқирик бўлиб, унинг янада ларзакор акс-садоси бўлиб таралади:

Ўзинг яксон этган киши қалбида

Сенга нима керак,

Нима изладинг?!

Кўчирилган бу уч сатр аввалидаги “Ўзинг яксон этган...” аёвсиз фош этувчи ташбеҳлар бизни мушкул аҳволга солиб кўяди: “Наҳотки, шайтон лаъин бу қизни адаштирган, не бир кўйга солган бўлса?! Худонинг ўзи асрасин!”..” – деймиз яна. Ўй-хаёлимиз лойқаланади, аввалги иккиланиш-иштибоҳлар аста чекина бошлайди. Ажаб парадокс! Айни бир ҳодиса, биргина ҳолат замирида кутилмаган тафовутли икки қутб: қизнинг аҳволи қанчалик шафқат сўрамасин, нажотталаб бўлмасин, йигитнинг беомон

кахрли-аламнок сўзлари бизни яна хушёр тортдиради (инсон бахти, инсон тақдири йўлидаги хатардан огоҳ этаётгандай бўлади).

На чораки, не “Қайғулар, аламлар бирла” (Чўлпон) келиб, ундан-да зиёд озурда-озорли алфозда изига қайтиб кетган...ўша шўрлик қизнинг қайсилир гуноҳи (бу барибир бизга қоронғу-ку!), кечирилмас ҳатоси учун унга раво кўрилган кўргуликлар кишини ларзага солади...Кўзимиз ўнгида муҳаббатнинг ..нафратга айлана бориши (бу ёшлар учун аччиқ бир ҳақиқат сабоғидир) бизни лоқайд қолдирмайди ва узок ўйга толдиради...Фақат боқий бир таскин-тасалли: ҳаёт биз ўйлагандан кўра мураккаброқ, унинг зиддиятлари янада афзунроқ, шафқатсизроқ эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Илло, “Ишончсиз қадамлар...” шеъри разолат ва қабоҳат (чунончи, вафосизлик хиёнатини) аёвсиз фош этувчи яланғоч-беҳижоб-ҳажвия эмас-ку ахир? Бу – инсон кечинмалари баъзан намоён бўлиши ҳақида, кутилмаганда жуда шиддатли тус олувчи, чигал, ғоят мураккаб муносабатлар заминиди яратилган, кўп жиҳатдан ибратли, эсда қоларли лирик драматик асарлардан бири. Зотан шоирнинг кўзлаган пировард мурод-мақсади асли санъат асари, жумладан, шеъриятнинг муқаддас бурчи, олийжаноб вазифаси ҳам ...инсон фарзанди содир этган гуноҳлари учун (агар у сидқидилдан тавба-тазарру қилган бўлса), тақдирнинг интиқомига – шафқатсиз жазога эмас, афвга – маърифатга лойиқдир, бу Аллоҳга ҳам хуш келади (“Аллоҳ кечирувчидир” Ҳадисдан). Бас, мазкур шеърнинг рухий-маънавий жиҳатдан ибратомуз аҳамияти, тарбиявий-маърифий қиммати, бадий жозиба сири ҳам шунда. Вассалом!

Ўзбекистон адабиёти ва санъати

90-йиллар.

РУҲИЯТНИНГ МУСАВВИРОНА ЧИЗГИЛАРИ

Шоир Азиз Саид оламини имкон қадар аниқ-равшан идрок этиш, асосли баҳолаб, матлуб фикр айтиш учун маълум байт ё банд маъносигагина эмас, боринги, ҳар бир сўз-ташбеҳ руҳига разм солиш тақозо этилади... Фақат “Ўз-ўзига ўхшайдиган” (М.Светлов) бу иқтидорли шоир ҳоҳ воқелик объектига, ҳоҳ шахс дунёсига бўлсин, кўнгил нигоҳи, ботиний укув ила муносабат билдирар экан, синалган анъанавий тасвир тарзидан (масалан: Э.Воҳидов, А.Ориповлар, шубҳасизки, ҳар бири-ўзича, ўз истеъдоди, таъби назми, қаламининг қудратига қараб ижодий ўзлаштирган) санъаткорона “тарошланган” “Чўлпон” пурҳикмат шеърӣй силлогизмлар услубидан фарқли ўлароқ, байналмилал жаҳон шеърӣятидан кимгадир (балким, Рауф Парфигами) эркин пайров йўлида, кутилмаган ва тутилмаган, “”кечинма-образ – хосу ғаройиб истиоравӣй (метафорик) ифода тарзини маъқул ва мақбул кўради. Бу – бамисоли офтоб нилуфарзор оралаб ўтганда, сув ва гул акси – жилолари ҳосил қилган афсонавор-сирли бир манзара каби оламнинг фақат шеър-фасоҳатли сўзлар кўзгусида тажалли этадиган ҳам нурафшон, ҳам гулфом қирралари... Бундай зарифу нозикхаёл даъвонинг биргина далили:

Юрагимдан ўтдингми –

Оёғингда ол хина...

“Воажаб!”,.. дейману, баногоҳ-беихтиёр равишда камида уч туркий забон шеърӣятнинг муштарак суҳанвари Фузулийнинг бир шоҳ сатри ёдимга келади (бу онӣй ҳолатдан ўзим хайратда қолдим):

Лабинг акси кўзум ёшини лолагун эмди...

Келинг, азиз ўқувчи, зурафою фузало аждодларимиз мақомидаги марҳум устозлар (улар жумласидан: чин фидойи, миллатпарвар сиймолардан Ҳамид Сулаймон) ўзаро тансиқ суҳбатмушоирлар чоғи ардоқланган Фузулийнинг назмӣй чаманида саҳаргоҳ таровати ва саҳобатидан нодир нишонадай яратилган юқоридаги шоҳ мисрадан ... ҳали йигит ёшидаги шоир замондошимиз кашф этган тимсол-лавҳага қайтайлик. Ҳассос қаламкаш укамиз хаёлидаги ўша “бераҳм, бевафо...” (бу – буюк санъаткор Радж Капур кушиқларидан бир пора!) гулрўлардан бирининг табиӣй ҳуснига табиӣй пардоз бериб, ўзбекона-миллий оро бахш этувчи “хина” ташбеҳини ўлмас тимсолга айлантириш қайғусида қанча ошиқ шоирлар юрак кўрини, бағр конини сарф этмаганлар!.. азиз Саид қаҳрамонининг шўху шаддод,

маликасифат ғурури баланд ёш махбуби ўз волаи шайдосининг ёнгинасидан бепарвою беписанд одим отиб, бир бор қиё боқмай кетиб бориши... бунинг тўзимсиз алам-азоби нақ “юрагидан ўтган” – юрак-бағрини қон қилган бўлса не ажаб? Эҳ-ҳе, нафақат умидсиз, нажотсиз ҳақиру фақир ошиқлар, балки шайдо шоҳ-султонлар мағрур бошини бир хурлиқо оёқларига қўйиш ҳаёлини (қачондир висолига етиш бахтини) улуғ армон деб билган бўлсалару (сиз Бобур Мирзо байтларини эсланг!,,), бизга замондош шоир ҳаёлидаги ошиқ йигитнинг “юрагидан ўтган” севимли “оёқ”лар изи – “хина” бетакрор истиорага айланса, бундан нега ҳайратга тушмас эканмиз?..

Ана энди асосий кузатган мақсадимизга – “Паганини...” шеърини шарҳига ўтайлик.

Ҳали ухлар эди малоиклар жим,

Ғафлат елларида чодирлар тикиб.

Ҳали ухлар эди ёсуман гаддор

Нафрат кўйлагининг ярмини бичиб...

Танланган мавзу – муסיқа ва мутриб-дахонинг ўзи каби мўъжиз, ғаройиб олам – боқий маъсумлик, поклик, хурлик ва илоҳий ишқ тимсоли “малоиклар” ва уларга муқобил бори ёмонлик, ёвузликлар рамзи “ёсуман ҳаддор” нибатлари-ла чизилган экспозиция – шеъринг ибтидонинг ўзиданок бу фонинг дунё зиддиятларидан муҳаббат ва нафрат фалсафаси ҳақида, Паганининг фожеъ қисмати мисолида дастлабки таассуротга эга бўламиз (бунга муаллиф шарҳи ва шеър унвони: “Паганинининг сўнгги концерти” гўё воситачи хизматини ўтайди).

Муסיқа тилини сўз билан таърифлаб бериш нафақат мушкул иш, балки бу – абас, беҳуда уриниш бўлур эди. Ягона имконият: фақат шартли, билвосита, умумий ё нисбий- талқин; жуда бўлмаса қиёсий-параллел тамсилларга, балким, қадимона афсоналарга, тарихга, фалсафага, руҳшуносликка муроҷат қилиш, ғайб оламида мадад олиш... Хайриятки, қаллоб-алдамчи, даҳриёна-шаккок ҳаёллар, уйдирма ғоялар, сароб идеаллар ҳалос бўла бошладик. Биз гўё яхши билдим деб ўйлаган зоҳиринг дунё – моддий назаргоҳга таққослаб, тенглаштириб бўлмас даражада улуғ, поёнсиз, сирли-мўъжизакор хилқат: мутлоқ Руҳият, боқий ҳақиқатлар оламини эндигина тан ола бошладик. Улуғ аждодлардан ёдгор буюк руҳий-маънавий ва маърифий меросга ворислик ғурури ва шукуҳи даставвал “тавбаи комил” (Навоий)дан бошланиши ҳам англай бошладик...

Шу тариқа, ғаройиблар ғаройиби бўлмиш, илоҳий ибтидо билан бевосита боғланган мусиқа ва улуғ машшоқ-мутриб дунёсини баҳоли имкон таҳқиқ этиш ниятида ёзилган шеър тимсолларини, юқорида қайд этилганидай, шартли-нисбий шарҳлашга уриниб кўрамыз.

Сўнгги бор кулди-ю боладай

Созининг торини тоблади.

Кўзини ютди-ю (!) дунёдан –

Мўйдинг деб пойига ташлади...

Мусиқа даҳосининг “сўнгги бор кулиши” маъноси нимада эканини ким айтиб, бир қадар аниқ шарҳлаб бера олади? (Эҳтимол, буни шоирнинг ўзи ҳам билмас, билолмас). Лекин инсон зоти, барибир, билишга интиқ: сабабий ибтидо қандай эди? Паганини “боладай... сўнгги бор кулгани”дан бурун шз бошидан не савдоларни кечирган экан? Асли “тангри эҳсони” (Навоий) бўлмиш даҳо санъаткорга нима учун фожеъ қисмат рўзи насибага айланди? Тўғри, “сўнгги бор кулиш” – даҳонинг ҳаётга, қисматга, оламга ўзига хос исён эди, деб талқин қилишимиз бу – мушқил саволга энг осон ва содда жавоб ҳисобланиши мумкин. Лекин “кўзини юлиши” ва алалоқибат “созининг торини тоблагани”... бориға – жони, жаҳони бўлмиш скрипкасиға, қалби, руҳи, иймон-эътиқоди бўлмиш мусиқаға, моддий ва руҳий оламнинг барча рўшноликлари-ю, алам-армонларига адабий видоси эдими?! Бундай ғайришуурий жасорат, мислсиз фидойилик азми-қарори фақат Паганини каби зотларға хос, сабаби фақатунинг ўнинг ўзига ва тангриғагина аён, мутлоқ сирли ҳолатдир. Паганини каби мусиқа даҳолари ҳақида қанча ўлмас асарлар (шеърӣ, насрий, саҳнавӣ, мусиқӣ, тасвирий, ҳайкалтарошлик дурдоналари) яратилмаган дейсиз? ўзимиздан-чи? Биз билган, билмаган, қанчадан-қанча кўзи очик ё амо (ожиз) мутриб-мағанний, навосозу навозандалар ўтмаган. Уларнинг ҳалқ руҳиятиға, маънавӣ бадий меросиға айланган ҳаёти, тақдири, эзгу армонларини қачон, ким таҳқиқ этади?!.

Шеърни шарҳлашда давом этамыз:

Машшоқ бешикдай қўйдинг елкаға созни...

Энг нозик пардада дунёға келган

Энг нозик оҳангни ўраб сеҳрга

Узатди...

Узатди.. Қуллари муаллақ қолди.

Бу банднинг: “энг нафис пардада” “энг нозик оҳангни”, “сеҳрга... ўраб узатди”, “қўллари муаллақ қолди” бирикмали лавҳаларини мусиқанинг шеърий тафаккур андозасига солинган (майли, шартли-нисбий) сувратлари дейишимиз мумкин.

Кейинги икки бандни эса мусиқанинг соҳир тилини фақат шеърият тилида “таржима қилиш” (У. Носир) санъати деб баҳолаш мумкин:

Куй эмас эди бу – хаёл қушларин
Дилафшон гулларнинг косаларидан
Нам ичган чоғдаги
Сайроғи эди.
Куй эмас эди у – тонг йиртиғидан
Гўдаклар кулгисин ўғирлаб чиққан
Қушиғи эди.

Бу – биз юқорида айтиб ўтган шартли талқин-шарҳнинг бир кўриниши – қиёсий тамсиллар воситалигида, яъни боқий мўъжиза, гўзалликнинг ёндош, ҳамжинсу ҳамоҳанг жиҳатларидан фойдаланиш орқали, ҳар қалай, нисбий ҳақиқатни топса бўлар экан: бу – “гуллар косасидан” сув ичиб, шавққа тўлган “хаёл қушлари... сайроғи”; “тонг йиртиғидан гўдаклар кулгусин ўғирлаб чиққан булоқлар қўшиғи” (қанчалар табиий, нафис, тароватли нисбатлар!)

Айни шу оҳанг усулидаги яна бир банд руҳига сингдирилган боқий фалсафа: “ел, замин, осмон” унсурлари яратган лавҳа, шубҳасиз, бизни ўйга толдиради:

Куй эмас эди бу – муждакаш елнинг
Яралмоқ сирини билмоқлик учун
Заминдан осмонга сўроғи эди.

Эҳтимол, оддий ўқувчига куйнинг кутилмаганда фалсафий “сўроқ” тарзида қўйилиши анчайин мушкуллик туғдириши мумкин. Лекин мантиқан мусиқа даҳоси назарида (айни шундай шеърият, тасаввуф ё тасвирий санъат даҳолари тасаввурида) бундай мушоҳада микёси: “заминнинг осмонга сўроғи” ҳар субҳ ё оқшомда таралгувчи ҳасрат садолари эмасми?..

Шеърнинг кейинги бандлари (унутманг: бу – Паганини инкишоф этган, унинг ўзи “яшаган”, кечирган рухий дунё) ҳайратимизни зиёда этади, лекин ортиқ ажаблантирмайди:

Миллион йил излаган – топа олмаган

Юраклар эшитиб ўз овозини

Кўзлардан париллаб учиб чиқдилар.

Даҳолар (алалхусус: фалсафа, сўз, муסיқа, бошқа соҳа санъат-даҳолари) учун “миллион йил излаб топа олмаслик” ҳам , “юраклар... ўз овозини эшитиши” ҳам, бу сирли ғаройиб овознинг кутилмаганда “кўзлардан...учиб чиқиши” ҳам ортиқ ҳайрон қоларли ҳолат эмас. Зотан ишонамизки, Азиз Саид мумтоз поэтикамиздан етарли даражада маърифат олгани учун, бир йўла уч турдаги санъат ифрот (ўта муболаға), истиора, (омонатга олинган нисбат), ташбеҳи мусалсал (силсилали ўхшатиш) усулларида санъаткорона фойдаланган.

Мухтасарлик тақозоси зарурати-ла ҳажман каттагина бу шеърнинг бир қатор бандларини қўя туриб, ўзим ажратиб олган сатрларни шарҳлашга ўтамыз:

Машшоқ чалар эди ўзини ўзи,

Гулхандан сачраган чўғдай ушалиб.

Машшоқ чорлар эди ўзини ўзи,

Умрининг йўлига гулдай тўшалиб.

Шоир: “Машшоқ чалар эди ўзини ўзи” деганида санъаткор учун қанчалик ғаройиб туюлмасин, айти чўғдай шунчалик табиий бўлган ижодий-рухий ҳолат ифодаланаётганлигини англаб олиш қийин эмас, албатта. Бироқ кейин байтнинг “Машшоқ чорлар энди ўзини ўзи” сатри замиридаги нимагадир даъваткор садо, яна аниқроғи, “ўзига қаратилган ботиний-рухий нидода нима сир-синоат бор экан? Чиндан ҳам жаҳон муסיқа санъати дурдоналари – шоҳ асарларида (жумладан, миллий шашмақомимизнинг бир биридан теран, афсунли наволарида бирламчи уч омил: “зодаи табъ” (Навоий) – туғма истеъдод, махсус муסיкий маърифат ва муайян маҳорат-тажрибага эга бўлган етук мутахассис ё закий, хуштабъ тоифа мухлислар бемалол идрок этадиган нимагадир, балким, нималаргадир даъваткор теран маънолар, нуқтадонликлар бўлиши мумкинки, буни фақат ўша мутахассис ё муҳибнинг ўзи билади. Бас, “машшоқ ўз-ўзини чорлар эди” сатри ҳам ҳар ким ўзи

биладиган сирли жиҳати, бошқалар учун пинҳон қолиши билан жозибалидир...)

Шеърни шарҳлашда давом этамиз:

Машшоқ кўллари кўтариб кўкка
Ғазабнок, пардага урди зарб билан...
Сўнгги кучлари-ла зарб урар машшоқ,
Узиб ташламоқчун сознинг қилларин

Нимадир суринди,
Нимадир кўринди,
Нимадир тўлди,
Нимадир бўлди.

Шу тариқа, сирли-сеҳрли мусиқа тили (хусусан, Паганини скрипкаси пардалари) ифода этган оламнинг азалий зиддиятларини даҳо машшоқ мутриб-ўзича, уни том маънода фидойилик билан кечирган, ҳассос шоиримиз ўзича, шеъриятнинг хос тилига ижодий табдил қилган ғаройиб ҳолат манзарасини, биз – ўз тилганимизча, чунончи, “икки жаҳон” ароси аро сирли кўприкнинг шеърий тафаккурдан танқидий мушоҳадага кўчган нисбий ҳақиқат сувратлари деб талқин этишимиз мумкин.

Ниҳоят, шеър интиҳосига тоборо яқинлик аломати кўрина бошлайди: эсланг-а, аввалги “бешикдай” ташбеҳи ўрнига

Машшоқ тобутдай қўйди-ю, елкага созни
Гулханлар гувлаган оловларига,
Дарёлар қуриган ўзанларига,
Дарахтлар тўкилган хазонларига
Айта олмаган марсиясини
Бошлади...

Паганинининг вужудидан юрагига туташган ва жонидан руҳиятига ўтган ғаройиб куй, унинг “тобутдай сози” пардаларида охир оқибат даҳшатли ва ваҳшатангез садоларга айланиб бамисли уммоннинг пурталотўм

тўлқинларидай асло-тўсиб, қайтариб бўлмас мавжвор шиддат-ла, “гулаханлар... дарёлар... дарахтлар... марсиясини бошлагани”, бу – шоир илоҳий бир “дағдаға” (Бобур) билан яратган шеърнинг баравж нуқтаси – кульминацияси бўлса ажаб эмас.

Бошлади... оҳанглар созининг бўғзида қолди

Ва дарднинг энг узун риштасин тоблаб -

Эшилган ягона торда югурган

Бармоқда мусиқа йиғлади.

Ва қалбнинг энг чуқур қаърига йиллар

Яширган муножот ўрлаб фалакка

Сўз бўлиб, сўз бўлиб қулади...

Воажаб! Энди гўё “сўз бўлиб” сахна узра мангулик томон йиқилган, йўқ, бу боқий мусикий садою акс садо тўлқинлари, бетиним товуш-оҳанг тебранишлари... гўё яна бир мўъжиза содир бўлганидай, мусиқа шеърини сўзлар, бандлар лавҳасига битилгани, бу “Паганининг сўнгги концерти” шеърининг бардавом авж пардаларидан бирими ё ўша боқий мусиқанинг сўзга кўчган шеърини интиҳоси – хотимасими эканини билолмай лол бўлиб ўйланиб қолдим:

- Эй менга олқишу санолар айтиб,

пойимга бош урган ожиз бандалар!

Эй, менга санъатда худосан, деган

Беҳишт қувғиндиси – гуноҳкор пуштлар!

Айтингиз – қаердан қуёш ва зулмат,

Қаердан муҳаббат, қаердан нафрат?

Кўзингиз яширманг, айтинг – бошланар

Қаердан дўзаху қаердан жаннат?..

журнал

“ТАРҲИ ТОЗА, БЕАНДОЗА” ТИМСОЛЛАР

Иқтидорли шоир ижоди ҳақида, жумладан, унинг салмоғи китоби ҳақида жиддий ва холис фикр айтилиши, имкон ҳақида жиддий ва холис фикр айтилиши, имкон қадар бутун, аниқ тасаввур туғилиши учун одатда энг яхши сара шеърлар таҳлилга тортилади. Бунинг синовдан ўтган мўъжазмухтасар усули “Бир шеър шарҳи”дир. Мен Турсун Алининг “Туйғулар ранги” сайланмасидан “Висол” шеърини ана шу мақсадга айна мувофиқ ва муносиб деб ўйлайман. Асли беш бандлик, лекин икки қисмдан иборат бу лирик- рубоий миниатюранинг мана бир банди:

Сен келдинг қамардай тўлиб,

Қоп қора дарёдай сочларинг,

Кўксингдан оқарди лиммо лим бўлиб...

Ўзни йўқотдим,

Жисмимни кўмдилар сочлар тўлкини,

Мен чўкиб кетдим қора дарёга...

Беихтиёр ҳолатда, табиатан ҳакиру шикаста, ҳассос шоир, устоз Миртемирнинг “Қарқаралик шеърини, туркона қора сочлар ва ёник кўзларнинг тимсоли мужассами бўлмиш “Қора шаршара”, “Қора чўғ” мажозларини эсладим. Тўлин ой само бўйлаб юқорилаб бораётган афсонавору афсунли кеча кўйнида ...фақат “икки киши сиққуча” (Навоий) шаффоф сабзалар манзили - майсазор ардоғида икки вобаста вужуднинг ўтли нафаси, жонлар титроғи-ю бегона назарлардан холи, маҳфуз бир хилватгоҳда ... интиқ қалблар шивиридан ўзга оламлар батамом унут бўлган, дахлсиз висол салтанатининг хос замони, хос макони ичра шоир Турсун Алининг рубоий-лирик қаҳрамони – ошиқ йигит кечираётган масъуду масрур лаҳзаларни: кўмдилар сочлар тўлкини, чўкиб кетдим қора дарёга каби ҳариру дақиқ истиоралар тилида ифодалаш ажаб ҳайратбахш бир ҳол эмасми?.. Бу нима? .. Ошиқона- маҳрам муносабатларининг фақат хаёлдаги, орзу қилинган тухфасими? Эҳтимолки, шоирнинг ўзи ҳам фасоҳат мулки – шеър санъатининг бунчалар жалб этувчи кучи- тароватини, сирли-срли мавжвор аломатини, шаклан бунчалар мухтасару тиниқ ва рангин бутунлигини аввалига аниқроқ тасаввур этмагандир... Лекин бу ҳали боқий муҳаббат кўшиғининг авж пардаси эмас. Яна аниқроғи, дард аҳли орасида кам топиладиган омадёр зотларгагина насиб этгуси қсиматнинг сурурли онлари: улар восил бўлган дилкушод бир сабзакори хилқат узра ой ҳам мағриб томон оҳиста оғиб

бораётган тун сукунати илк саҳаргоҳнинг эшитилар-эшитилмас сирли садоларига уланиб кетган, гўзал бир туш каби, том маънода ғаройиб ҳолат суврати чизиладики, бу “Висол” шеърини, ҳеч муболағасиз, поэтик кашфиёт мақомига кўтаради. Мана ўша таҳсинга шоён мисралар:

Ой ҳам кетар сукут ортида,

Сен қўлингни чўзасан беҳуш.

Мен симириб туннинг тотидан

Тонг қўйнига кирарман сархуш...

Вожаб, ой сокинлик уфқиға яширинган субҳидам олди сукунати фонида жозиё бир ҳолат суврати чизилади: “Сен қўлингни чўзасан беҳуш”. Рубоий-лирик қаҳрамон – ошиқ йигит (эҳтимол, бу сафар шоирнинг ўзи бўлиб чиқар, зотан лирик шеър қаҳрамони шоир шахси билан “коллектив даҳо”нинг бадий синтезидир, Гётедан табдил) шоҳиди бўлмиш бу ғаройиб манзаранинг жозибаси нимада? Ундан биз нималарни ҳис этамизу висол оламининг қай бир ҳолатини қалбан идрок қиламиз? Кўчирилган банднинг кейинги икки сатри бундан-да зиёдроқ нуқтадон жиҳатлари билан боз ҳайратга солади. Чунончи: “Мен симириб туннинг тотидан каби маҳбубларгагина хос маҳрам жумлани, унинг замиридаги пинҳоний маънони изоҳлаб бериш жоизми, бу шоир кузатган – ниманидир муқаддас билиб, бошқалардан сир тутиш таомилига ҳилоф бўлмасмикин ?..” Ва ниҳоят: “Тонг қўйнига кирарман сархуш”. Эҳтимол сўнгги мисрани, майли, энг нозик, қалтис жиҳати – маҳрам сир-синоати дахлсиз қолсин, лоақал, зоҳиран шарҳлаб ўтиш эҳтиёжи бордир... Умуман, бу сўнгги сатр ҳам иқтибос сифатида олинган банд каби, ўз суврати – қолдирган дастлабки таассуроти биланок нафис, жозибадор...

Уларнинг сийрати, ботиний маънолари хуштабь китобхонлар ҳукмига ҳавола. Хулласи калом, Турсун Али бардавом ижодий изланишлар жараёнида топган, эришган сўз фасоҳати, “сўз гуҳари” (Навоий) ўз таровати, маълум маънода ўша пинҳоний жиҳатлари билан эътиборли, қадрли.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси

ТАНҚИДНИНГ ЖОЗИБА СИРИ

Адабий тадқиқот, танқидий иш тўғрисида ёзиш тажрибали, қаламкашлар уддалайдиган қийин муаммо. Биз адабий жамоатчилик, хусусан, шеърият мухлислари яхши биладиган, бир қанча ёш ижодкорларнинг устози саналган таниқли адабиётчининг китоби ҳақида ҳукм юритиш эмас, балки оддий бир китобхон сифатида олган таассуротларимизни айтиш истагидамиз. Яхши китоб кўпчилик мулки, ундан ҳамма наф олади. Шу маънода беихтиёр, “Замон, қалб поэзия” эсга тушади. Ёдингиздадур, ўзининг мазкур китобида шеъриятимизнинг салмоқли ютуқларини қайд этиш баробарида, гражданлик журъати билан турли авлодга мансуб катта-кичик шоирлар ижодидаги ожиз, заиф ҳолларни рад этиб бўлмайдиган далиллар билан кўрсатган, бунинг сабабларини таҳлил қилган эди. Принципиал танқид ўз мевасини беради. Шеъриятимизнинг кейинги йиллардаги сезиларли ютуқларида – тажрибали шоирлардаги масъулият туйғусининг кучайишида, ёшларнинг эса ижод бўсағаларидаёқ шеърга талабчанлик билан қарашларида “Замон, қалб, поэзия” ва шу сингари истеъдод билан ёзилган китоблар, мақолалар муҳим аҳамият касб этганини тан олмай бўладими? Танқидчининг фикри кўпчилик фикри билан бир жойдан чиқиши керак.

Иқтидорли танқидчининг янги китоби жамоатчиликни илгаригидай ўзига жалб қилди. Бу табиий бир ҳол. Китобхон кучли, принципиал асарларнинг муаллифига ишонч билан қарайди, ундан, албатта, янги гап, янги фикр кутади. Озод Шарафиддинов китобхонлар олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. У қаерда бўлмасин – талабаларга таҳсил берадими, шеърият мухлислари олдида маъруза қиладими, матбуотда, бошқа оммавий воситаларида чиқадими, аввало, адабиётимиз, шеъриятимизнинг ғоявий юксаклиги, халқчиллиги учун, унинг мазмун салмоғи, бадий расолиги учун жонбозлик кўрсатади. Бунга “Адабий этюдлар”ни ўқиб яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Адабий таҳлилнинг йўллари, усуллари кўп. Озод Шарафиддиновнинг ўзига хос илмий-бадий таҳлил йўсуни бор. У, аввало, майдонни кенг олади, гапни узоқдан, бош масалалардан бошлайди, муҳим манбалар, назарий омиллардан қувватланиб баҳсга киришади. Қолаверса, унинг илмий ишларида ижодий ҳарорат, сезилмас оҳанрабо, майин лиризм бор... Бинобарин адабий-танқидий ишда бадий асарлардаги умумлашма кучи, мазмун теранлиги бўлиши яхши фазилят. Уни ўқиб, баҳс қилинаётган масаладан ташқари бошқа бир қатор қимматли фикрлар, метадологик йўл-йўриқлар билан танишиш мумкин. Шунинг учун одатда яхши мақолага илмий қиммат берилади.

Чунончи, “Этюдлар”да , аксарият, ўз характеридан кўра кенгрок миқёсда баҳс юритадиган мақолалар ўрин олган. Унда турли муаммолар кўтарилади: адабиётнинг ҳаётдаги ўрни, эстетик қиммати, Ленин ва адабиёт, ижодий таъсир ва ҳамкорлик масалалари, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мамарасул Бобоев, Пиримқул Қодиров асарлари таҳлили... Ғоявий умумият, мазмунан оригиналлик, ранго-ранглик унча катта бўлмаган китобга салмоқ ва кўламдорлик бағишлайди.

“Ленин ва адабиёт” мақоласида бу мавзуда бир неча бор ёзилганига қарамай, қизиқиб ўқилади. Сабаби, унда айтиш кунлар учун зарур бўлган фикрлар изҳор этилади. Чунончи, автор Лениннинг Толстой тўғрисида билдирган фикрларидан қуйидаги хулосага келади: ҳақиқий санъаткор ўзининг дунёқараши, ғоявий эътиқодидан қатъий назар, ҳамиша воқеликнинг муҳим томонини акс эттириши, ҳаётдаги етакчи тенденцияларни чуқур очиб бериши лозим.

Мақоладаги Ленин ва Горький муносабатларига оид ўринларни алоҳида қайд қилиб ўтиш мумкин. Маълумки, Ленин 1919 йилнинг ниҳоясиз қийин шароитида Горькийнинг соғлиғи, ижоди ҳақида қайғуриб, уни Петергогдан кетишга, пароходда Волга бўйлаб сайр қилишга қистаган эди. Бу бежиз бўлмаган, албатта. Катта санъаткорнинг ўша вақтдаги Петергогнинг диққинафас муҳитида аксари аламзада буржуа зиёлилари таъсир доирасида қолиши, истеъдодини бор-йўғи таржимонлик ва муҳаррирликка сарфлаб кун ўтказиши Ленинни безовта қилади. У улугъ ёзувчининг жанговар ҳаёт қизиган, кураш алангаси ичида яшаётган жойларни, социалистик Ватан ҳимоячиларини ўз кўзи билан кўришини истайди...

“Этюдлар” автори ҳар бир мақолани чуқур зарурият, ички, рухий даъват билан ёзганлиги сезилиб туради. Зотан адабий танқид ижодининг ўзига хос тури, таҳлилий бир соҳасидир. Унда ҳам илҳом, текширилаётган масалани, адабий жараёни нозик ҳис қилиш қобилияти тақозо этилади. Умуман, яхши адабий-танқидий асарда ижодкор назари, илғор китобхон таассуротлари, мунаққидаги ҳақиқат қидирувчи мунозаралар руҳи сезилиб туради. Адабий таъсир, ўзаро ижодий алоқаларга бағишланган “Дўстлик қонуни” мақоласида ана шундай хусусиятни кўрамиз. Ҳозирги мураккаб халқаро муносабатлар вазиятида адабий алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Муаллиф адабий таъсир масалаларидаги ҳозирги замон буржуа қарашларининг илмий баҳодан узоқлигини марксча-ленинча нуқтаи назардан туриб очиб беради. Турли миллий адабиётлар жаҳон миқёсига чиқаётгани, ғоявий умумият, ўзаро таъсир ва доимий ҳамкорлик заминиде жаҳон

адабиётининг ташкил топиш жараёни бизнинг мамлакатимизда воқе бўлаётгани таъкидлаб кўрсатилади. Биздаги ёш адабиётларнинг улкан ютуқларини тан олишни истамаётган ғоявий муҳолифларимизга жавобан чуқур асослар, рад қилиб бўлмайдиган далиллар келтирилади.

Автор баҳс мавзуини тобора чуқурлаштириб боради. Бир ёқлама адабий таъсир эндиликда ўзаро ҳамкорликка айланмоқда. Бири-биридан ўрганишни қизғин ижод жараёнидан ажратиб бўлмайди. Зеро жамъики юксак, кучли нафис ҳамма нарсадан таъсирланиш, таълим олиш ҳамма ижодкор учун баробар, объектив ҳодисадир. Адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги миллий хусусиятларни инкор қилмайди. Миллийликнинг барчаси тарихий тушунча эканини, унинг характер, ҳаёт, давр тақозоси билан ўзгариб боришини унутмаслик керак. Бироқ ўзгаришларнинг кучидан, кўламидан қатъий назар, миллий ўз моҳиятини сақлаб қолади, чунки у жуда чуқур, азалий манбалардан баҳраланади, унда ўлмас-етмас халқ удумлари, анъаналари руҳи, халқ даҳоси, характер хусусиятлари акс этган тил бойлиги яшайди.

Озод Шарафиддинов адабиётнинг йирик муҳим муаммоларини қаламга олади, етакчи омилларини тадқиқ қилишга интилади. Шу маънода “Ўзбек аёлининг тақдири” мақоласини адабиётимиздаги каттагина манбага йўл очадиган бир иш деб ҳисоблаш керак. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек аёлининг тақдири, бизнинг кунларгача босиб ўтган йўли кишини ҳаяжонга солувчи, узоқ оғир таассуротлар ичида қолдирувчи бир муаммо, айтилиши вақтда катта тарихий мазмунга, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Ҳажми унчалик катта бўлмаган мақолада Абдулла Қаҳҳор чизган аёллар образи силсиласи кўрсатилиши авторнинг илмий иқтидоридан, ижодий тажрибасидан дарак беради. Ҳамид Олимжон 1930 йилдаёқ Абдулла Қаҳҳор маҳоратини юксак баҳолаган эди. Атоқли санъаткор ҳар бир аёл образини давр муҳити билан узвий алоқада, ўша муҳит тақозо қилган ҳақиқат, чуқур мантиқ асосида яратади. Шунинг учун ёзувчининг қаҳрамонлари қиёфасида замон муҳри, шароит муҳри, ижтимоий ўзгаришлар таъсири аниқ чизгиларда сезилиб туради. “этюдлар” да мана шу муҳим хусусиятни кўрсатишга алоҳида диққат қилинади. Абдулла Қаҳҳор истеъдодининг қирралари, у тасарруф этган ижодий имкониятлар турли қисматга, турлича қиёфага эга бўлган аёллар образи мисолида, хилма-хил характерлар силсиласида очиқ берилади. Озод Шарафиддинов қаҳҳорона топқирлик, юксак маҳорат намунаси бўлган ҳаётий дастакларни, адабий муомалага ёзувчи олиб кирган халқчил деталларни ўрни билан таҳлил қилади, ўрни билан шарҳлайди. Шу тариқа Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимизда муҳим ўрин олган, ўчмас из бўлиб, бадиий муҳр бўлиб қолган бир сира ёрқин образларига умумлашма илмий баҳо берилади.

Абдулла Қодирий мақолаларидан бирида: “ Китоб завқ-шавқ билан ўқилиши керак”, деган эди. Ҳар қандай асарнинг ўқишли бўлиши, китобхонни жазб этиши унинг дастлабки муҳим ютуғидир. Бунда автор муддаоси китобхон етиб боришида жуда аҳамиятли. Яхши танқидий асар ҳам шундай хусусиятга эга бўлиши лозим. Адабий танқид ижод жараёнини яқиндан кузатади, текширади, таҳлил қилади, бас, ундан таъсирланмаслиги мумкинмиди? Ижодий кайфиятни қайноқликни яхши ҳис этган танқидчи ўз фикр-мулоҳазаларини хотиржам, бетараф кузатувчи сифатида эмас, жонкуяр, манфаатдор нуктаи назарда туриб, самимият ва ҳаяжон билан ифода қилади. Бусиз ижодий жараённинг аниқ, ёрқин манзарасини чизиш қийин. Озод Шарафиддиновнинг “Қалбимизга яқин шоира” мақоласи монандсиз бир шеърият ҳақидаги ҳаяжонли очеркдир. Автор тўлқинланиб, шавқ билан ёзгани учун биз ҳам мароқ, иштиёқ билан ўқиймиз. Муаллиф тилининг жонлилиги, ҳаётий муқоясаларга бойлиги, майин ва равонлиги, умуман, адабий танқид тили ҳақида ўйлашга мажбур этади. Баъзи бир авторларнинг мақолаларида куруқ фактография, совуқ мушоҳада излари – бир қолип, бир схемадаги гаплар, сийқа иборалар, зерикарли баён ҳамон устунлик қилиб келади. Уларни ноилож ўқийсан киши. “Қалбимизга яқин шоира” руҳидаги эркин, бемалол, кўнгилдан чиқариб, ижодкор диди, санъаткор маҳорати билан ёзилган мақолаларнинг кўпайиши китобхонлар оммаси олдида танқиднинг обрў-эътиборини оширади. Бундай мақолалар, шубҳасиз, адабиётимизга янги мухлислар олиб келадиган умумий гаплардан мумкин қадар қочишга ҳаракат қилади. Масалан, Зулфиянинг ҳамиша мукамалликка, кучли бўлишга интилиши ҳақида гап борганда, ундаги бу қобилият уста темирчи отасидан таъсирланиш натижасида туғилгани, шеъриятга, нафосатга шайдолик туйғусини шоиранинг онаси уйғотгани чиройли мантиқ, жонли ҳикоянавис тили билан берилади. Зулфия озиқланган адабий манбалар ҳақида яна оригинал фикрлар айтилади. Ҳассос шоира китоблар орқали гўё миллий ва қардош шеърият устозлари билан юзма-юз мулоқотда, суҳбатда бўлади. Уларнинг қанчалик салобати босмасин, ижод қилиш, гўзаллик яратиш иштиёқи тобора кучайиб боради. Мутолаа шеърга, шеър янги мутолаага бошлайди, бу ўзаро алоқа борган сайин чуқурлашади...

Танқидчи шоиранинг ўқиш, ўрганиш, изланиш йилларини ҳар бир ижодкор учун ҳаётий зарурат сифатида асослаб беради. Табиий, шоир одамлар дилдан туйган, кечирган гўзалликларни ҳис этиш, шеърга кўчириш билан кифояланмайди. У ўзигина пайкаши, идрок қилиши, илғаб, пайқаб олиши мумкин бўлган ҳаётнинг пинҳон гўзалликларини тадқиқ этади, уларга шеърий тус, шакл –шамойил киритади. Ижоднинг худди шу томонларига разм солиш

натижасида танқидчи шоира қалбига йўл топа олади, унинг ўзига хос севимли шеърӣй усуллари, маҳорат сирларини очиб беради. У Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган сўнгсиз дард, мислсиз ҳаётӣй куч, руҳӣй ғалаён билан ёзилган шеърлари ва уларга баъзи танқидчилар отган таъна тошлари хусусида куюниб ёзади. Танқиднинг ҳаққонӣйлиги, объективлиги принципи, шуни тақозо қилар эди. Мунаққид бугунги китобхон олдида “тўқмоқли танқид”нинг башарасини тамоман очиб ташлаб, бу билан шоиранинг пок, юксак туйғулари, табиӣй изтироблари ўша “танқид” зарбаларига дош бериб янги куч олганини, унинг ҳаёт эътиқодига айланганини таъкидлайди. Озод Шарафиддинов Зулфия шеърӣяти мисолида бадиӣй асар кенг китобхонлар оммаси – халқ учун кўнглини топган, унинг руҳӣй-маънавий ташналигини қондира олган ижодкор бахти ҳақида, мухлислари эъзозлаган, севган шеърӣят ҳақида фахр билан, тўлқинланиб ёзади.

Бадиӣй ижод соҳаларидаги каби адабӣй танқидда ҳам мураккаб зиддиятли ҳоллар бўлиши табиӣй. Танқидчи ўз мулоҳазаларини билдиришда ижоднинг турли қийноқларини, ёзувчининг шахсияти, ижодӣй тақдири, истеъдод даражаси ва имкониятларини ҳисобга олиши, ҳаққонӣйлик ва принципаалликни инсонӣйлик билан олийжаноблик билан узвий кўша билиши лозим. Танқид – аччиқ. Аммо танқидӣй гапни айтишда айтиш бор. Аччиқ ҳақиқатни риоя-андиша билан куруқ ҳар томонлама мулоҳаза қилиб айтиш танқидчининг инсонӣй гражданилик бурчидир. Озод Шарафиддиновнинг энг яхши мақолалари танқиднинг моҳияти ва мақсадини, ҳақиқат ва баҳс меъёрини танқидчи нозик ҳис қилишини кўрсатиб туради. У маълум бир иш устида узоқроқ ўйланган, бор гапни айтишга қийналган вақтларида ҳам самимӣйлигича қолади. Шу маънода “Шоирнинг йўли” мақоласи катта куч сарфлаб ёзилганлиги кўриниб турибди. Муаллиф Иттифоқ адабӣй танқидчилиги истеъмолидаги “ҳар хил ва яхши” шоирлар мезони билан иш тутади. Албатта бу масалада турлича фикрлар мавжуд. Бундан қатъӣй назар танқидчи Мамарасул Бобоевнинг адабиётимизда маълум ўрни борлигини таъкидлайди, шоир ижоди мисолида шеър устида ишлаш заҳматини махсус қайд этади. Бу айниқса “ҳар хил ва яхши” шоирлар учун аҳамиятлидир.

Мамарасул Бобоев – ўз овозига, шеърӣят муҳрига эга бўлган ижодкорлардан. Унинг “Эрон осмони остида”, “Садоқат ҳақида шеърлар” туркумлари, “Она қалби” поэмаси адабиётимизда шоирдан из қолдирадиган, илҳом мевалари бўлган асарлардир. Одатда ижодкор қиёфасини, табиатини тўлароқ очиб берадиган энг яхши асарларга қараб фикр қилинади, ҳукм чиқарилади. Бу тан олинган бир таомил. Лекин Озод Шарафиддинов шеърӣят тақдири масаласига яна жиддийроқ муносабатда бўлади: Мамарасул Бобоев

ижодидаги етакчи тенденцияларни кузатади, натижада шоирнинг муваффақият қозонган асарлари билан кифояланмай, унинг бутун шеъриятига хос сифатларни излаб топишга, ажратиб кўрсатишга интилади. Шунинг учун шоир ижодидаги турли қийинчиликлар, уларнинг сабаблари устида тўхталади. Зеро унчалик муваффақиятли чиқмаган бўлса-да, озми-кўпми ижодкор меҳнати, кучи, асаби сарф этилган, озми-кўпми шоир кўнглидан кўр, ҳарорат олган шеърлар ёки шеърий парчаларни чидам билан текшириш, уларни лозим даражада баҳолай билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шеъриятга, шоир меҳнатига камоли эътибор билан қараш танқидчининг баланд ҳимматидан далолат беради. Анча мураккаб бўлган Мамарасул Бобоев ижоди ана шундай олийжаноб ҳис, юксаклик туйғуси билан тадқиқ қилинганки, буни кўп жиҳатдан ибратли иш деб ҳисоблаш лозим.

“Этюдлар”, ниҳоят “Қора кўзлар” романидан баҳс очади. Худди тоғ қишлоғи табиатидай асл таниқ белгиларга, янги фазилатларга бой бўлган роман уни иштиёқ ва мамнуният билан ўқиган китобхондаги самимият, софдил, холис танқидчига хос талаблар асосида баҳоланади. Бамисоли “Қора кўзлар” ҳақида сиз ҳам бир қадар кўнглингиздан ўтказган гаплар айтилади. Даъволар муҳим, кучли, атрофлича асосланган. Озод Шарафиддинов роман мисолида ёзувчи ҳақида, йирик прозамиз ҳақида маҳорат масалаларига оид бугун айтиш мумкин бўлган зарур фикр, гапнинг лўндаси, салмоғи нималардан иборат эканини чуқур идрок қилади, юракдан ҳис этади. Ёзувчи олис, кичик бир қишлоқдаги кундалик ҳаётдан китобхон учун муҳим, манфаатли, ибратли мазмун, кучли бадиий ҳақиқат ярата олган, қатор ижтимоий, ахлоқий муаммоларни кўтарган. Танқидчи роман воқеалари тасвири, қаҳрамонлар характерининг жозибали чиқиш сабабларини таҳлил қилади, бадиий фактларни конкрет ҳаётий омиллар билан муқояса этади. Романда акс этган, ёзувчининг тафаккурида қайтадан яратилган ҳаёт зоҳиран қараганда одатдаги кураш, зиддиятлар билан кечади, лекин моҳият эътибори билан, конкрет ҳолда ҳар бир ҳаракат, ўзгариш, тўқнашув, руҳий кайфият, ўзининг табиий заминида, мантиқий ривожда монандсиз кўриниши билан содир бўлади. Шунинг учун мардлик билан худбинлик, ҳалоллик билан ҳаром томоқлик ўртасидаги муросасиз зиддият, эски ва янгича ахлоқ орасидаги тафовут – бу аввалдан маълум ҳақиқатлар ҳам янги усулдаги кураш, янги характердаги ҳодисалар тарзида бизга кучли таъсир этади. Мақола автори роман таҳлили давомида қуйидаги умумлашма фикрни илгари суради: ҳаёт ҳодисаларини шунчаки қайд қилиш, шарҳлаб бериш билан эмас, балки уларнинг замиридаги ҳақиқатни, ички алоқаларни, табиий, доимий белгиларни, уларнинг замиридаги ҳақиқатни ички алоқаларни, табиий, доимий

белгиларни, уларнинг яшаш, ривожланиш жараёнини тадқиқ ва таҳлил қилиб бериш билангина чинакам санъат асари яратилади.

“Замон, қалб, поэзия” сингари “Адабий этюдлар” ҳам ижодий журъат маҳсулидир. Қизғин мунозара руҳи, дадил фикрларни илгари суриш китобнинг қимматига қиммат қўшади. Лекин ҳар тўқисда бир нуқсон, деганларидек, баъзан чуқур асосланмаган дадиллик беихтиёр, субъектив мулоҳазалар айтиш кайфиятини туғдириши мумкин. Бу бизнингча, шахсга сиғиниш оқибатларига муносабат билдиришда кўзга ташланади. Чунончи, Зулфия ижодига бағишланган очеркда “тўқмоқли танқид”ни тўла характерлаб бериш истаги бирмунча эмоционал тус олган эди. (99-бет), бу “Шоирнинг йўли” мақоласида яна икки жойда (120,129 б)да таъкидланиши ортиқчадек туюлади. Умуман, бу хилдаги қараш (ҳамма нарсани бир томонлама бўяб кўрсатиш каби тенденцияси каби иборалар) айниқса тажрибасиз китобхонлар назарида 1956 йилгача бўлган адабиётдаги салмоқли ютуқларга , адабий танқиддаги маълумотларига соя ташлаши мумкин.

Китобдаги жузъий камчиликлардан “шеърнинг лирик қаҳрамонлари” (137 бет), “қолоқ халқлар” (46-бет) сингари номавзу ишлатилган таъбирларни кўрсатса бўлади.

Ҳозир Озод Шарафиддиновнинг ижоди, фаолияти айни қиёмида, роса куч олган палласи. Қувватга тўлган одамга табиий, зиёдроқ умид боғлаб каттароқ талаблар қўйилади. Истардикки, танқидчининг ижодий самаралари янада юксакроқ бўлса, янада самаралироқ бўлса. Зотан, шоир таъбири билан айтганда, “пайсаллашга вақт йўқ”.

журнал

ҲАҚҚОНИЯТ ВА ТАҲЛИЛ УЙЁУНЛИГИ

Бугунги адабий танқидга хос хусусиятлардан икки нуқтани ажратиб кўриш зарур: биринчидан, танқидий-таҳлил принципига изчил амал қилиш – ҳар қандай фикр – даъвони имкон борича тўла далиллаш, чуқур асослаш, уни таъбир жоиз бўлса, танқид мантиқи, аниқроғи, мунаққиднинг мантиқий тафаккур салоҳияти деб таърифлаш мумкин. Иккинчидан, танқид объектига конкрет таҳлил предметиға профессионал заковат ва ҳалоллик ва илмий объективлик ва самимият билан муносабат билдириш; буни бир сўз билан мунаққиднинг виждони деса бўлади. Ҳар икки нуқта танқидчидан ўзига хос масъулиятни, маҳоратни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, адабий ҳафталигимиз ва газета-журналларда босилган, умуман, қизиқиб ўқиладиган мақолаларға баъзан нимадир етишмаслиги сезилиб қолади...

Мубоҳасанинг марказий ва республика матбуоти саҳифаларидаги журъатли, асосли ва принципиал чиқишлари билан танилган мунаққид Норбой Худойбергановнинг “Ҳаммаси таҳлилда кўринади”, (“Шарқ юлдузи”, 1988йил, №3) мақоласига муносабатдан бошламоқчиман. У ҳар галгидек ўзининг собит позициясига – танқиднинг табиати тақозо этадиган холислик, юз-хотирға бормаслик принципига содиқ қолади. Бу мунаққид шахсига нисбатан ҳурмат, ишонч, руҳий қониқиш ҳисларини уйғотадиган, кадрлашға муносиб ҳислат. Мақоладаги марғуб жиғатларни шундай умумлаштириш мумкин: танқиднинг ижодкор мартабасига қарамлигидек, аянчли, унинг табиатига зид ҳолатларға, нолойиқ васфу мақтовларға чек қўйиш, Ҳотамтойлик билан берилган унвону мақтовларға рўйи рост ошқорона муносабат; ўртамиёна асардек принципиал баҳолаш, бундай объектив, курашчан танқид йўлидаги турли бюрократик ғовларни узил-кесил бартараф қилиш ва аксинча, дадил исботсиз, айниқса, демагогик ва маломатли “танқид” офатидан тезроқ ва тамомила халос бўлиш...

Адабиётимиз манфаати йўлида камоли куюнчақлик билан суғорилган бундай нуқталар мазкур мақоланинг қиммати ва салмоғини белгилайди.

Лекин таниқли муаллиф танқидчилигимизнинг қиёфасини кўрсатиб турувчи, унинг “устун”лари фаолиятиға муносабат билдирар экан, асосий мақсад доирасидан анча четға чиқади... Чунончи, у адабий танқиднинг камида чорак асрлик тарихи саҳифаларини журналхон учун деярли янгилик бермайдиган кўпчиликка маълум ҳақиқатларни қайта-қайта шарҳлаб ўтади. Гарча айтадиган гап кўп ва бир-биридан муҳим туюлса-да, таниқли номлар мўътабар тушунчалар, долзарб масалалар такрори юз беришиға, оқибатда,

мақолада ҳисоботнамо ахборот устунлик қилишига йўл қўймаслик мумкин эди...

Натижа шундай бўлиб чиқадики, таниқли мунаққидлар – М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов номлари (деярли ҳар гал биргаликда), лоақал беш марта, боринги, ўн жойда эмас, қирқ бор зикр этилади! Мунаққиднинг ҳамкасблар фаолиятига танқидий муносабатига келсак, бу жуда умумий характерда бўлиб, бир неча бор тилга олинган мақолалар ва китобларнинг бирор жумласи танқидий таҳлил қилинмайди. Шу тарзда, мақола ва китобларни турли савияда бўлган тўрт танқидчи бисотидан жиддийроқ, таҳлилбоп нуқталар топилмагандек таассурот қолади. Масалан, О.Шарафиддиновнинг “Шеър кўп, аммо шоир-чи?..” мақоласининг умумий руҳи – жонкуяр пафоси, бошқа фазилатлари, жумладан, шоирнинг “айтадиган тайинли гапи” борасида анча тафсилий тўхтаб ўтилади-ю, биронта нуқсони кўрсатилмайди. Ҳолбуки, мақолада анча-мунча янглиш, мунозаралари фикрлар йўқ эмас эди. Шунингдек, мазкур мунаққиднинг “Тўзаллик излаб...”, У.Норматовнинг “Қалб инқилоби”, Б.Норбоевнинг “Ҳақиқат ва бадиият қудрати” китобларига конктрет танқидий муносабатда талабчанлиги билан танилган муаллифимиз негадир ўз принциpidан чекинади. Мақолада, унинг таъбири билан айтганда, “табрикнамо” сўзлар оз эмас. Умумий таассурот шундайки, “Ҳаммаси таҳлилда кўринади” мақоласи “унинг руҳи сарлавҳасига изчил мос келади”, деб бўлмайди. Юқорида қайд этилган фазилатларига карамай, асосан уч етук мунаққиднинг ижодий эволюцияси ҳақидаги махсус ҳисобот – маъруза текстни эслатади.

Нуриддин Шукуров “Ҳозирги шеъриятимизда гражданлик” сарлавҳали мақоласида Рауф Парфи шеърияти ҳақида ёзади: “Шоирнинг аксарият шеърлари (таъкидлар бизники – Б.А.) қор, ёмғир, булутлар жавобсиз севги изтироблари ҳақидадир. Бу ҳодисалар ҳақида ҳам ажойиб, замонавий шеърлар яратиш мумкин. “Ёмғир ҳам тинмади узун кун”, “Деразамга урилади қор”, “Оппоқ қор булут изғир сарсари”, “Мудрар ярим кеча уйқуда” шеърларини ўқиб, улардан катта мазмун топа олмаймиз. Давримизнинг қон-томири урушини илғаб ололмаймиз. Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони ёмғир ёғишини, қор бўралашини, булутларнинг кезишини, тун қоронғилиги кузатади-ю, бироқ ҳаётнинг қайноқ оқимини кузатмайди”.

Мақолада тилга олинган тўрт шеърдан лоақал, биринчисига – “ёмғир ҳам тинмади узун кун” миниатюрасига разм солиб, уни холис таҳлил қилиб кўрайлик. Шеър тўрт банддан иборат. Биринчи, иккинчи бандларида ёмғир эзиб-эзиб ёққан кеч куз кунларининг биридаги “дераза ортидан” чуқур дард

ситамли хаёлга чўмиб кузатиб турган ёлғиз бир жувон кайфиятига ғоятда оғир, нохуш таъсир кўрсатган “ивишган новдалари синган”, “барглари жон узиб тинган” манзара – рухий кечинмалар объекти чизилади. Кейинги икки бандда ўша “дераза ортидан...энтикиб кўкларга қараган”, фақат ўзигина биладиган ҳудудсиз дард-ҳасратини ёмғирли хилқат билан сирлашишдан ўзга илинж, мадад, нажот топмаган бебахт, ўксик аёлнинг тўзимсиз изтироблари – рухий драмаси чизилади:

Самонинг кўксига қоқилса,

Шамолга чиқсайди отилиб

Майлига ёмғирдек йиқилса

Шамолга чиқсайди отилиб...

Бағрига олар-ку бўронлар,

Исмсиз ҳасратни ҳайдарлар.

Бир имкон шартини айтарлар,

Бағрига оларку бўронлар.

Ёмғир ҳам тинмади узун кун...

Сўз йўқ, бу мусикадек жозиб сирли сатрларда инсоний туйғуларнинг авж пардаси – руҳни поклантирувчи трагизм санъаткорона ифодаланган . Муҳаббатни чин эътиқод даражасига кўтара олган (акс ҳолда қаҳрамоннинг бундай рухий туғёни маъносиз бўлур эди), саботида якто, фидойи, покдамон аёлнинг бениҳоя оғир, лекин мукаррам ва муборак қалб ларзаларини озгина бўлса-да ҳис қилиш, унга озгина бўлсин ҳамдард сўзлар айтиш ўрнига, аксинча, таъна қилаётгандек, бу ғариб, жабдийда ҳолидан кулаётгандек, шунчаки совуқ, бедард муносабатда бўлинмаса... руҳиятнинг мужассам бир тимсоли санъаткорона чизилган теран лирик шеърдан мунаққид ўзича тушунган “катта мазмун” мутлақо ноўрин, ғайриэстетик талаблар қўйилармиди? Наҳотки лирикада инсон дарди “катта мазмун”га эга бўлмаса ? ..

Филология фанлари кандидатлари – Асқарали Шаропов ва Ботир Норбоевнинг “Холис ва жонкуяр бўлайлик” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1988 йил 22 январь) мақоласида шундай жумла бор: “Бу ўринда “Қарши кўшиғи” шеъри **ортикча, кераксиз мисралар, фикр қайтариқлари** (таъкид бизники-Б.А.) эвазига чўзиб юборилганини эслатиб ўтиш кифоя деб ўйлаймиз” Наҳотки, бу танқид иттифоққа таниқли мунаққидлардан Норбой

Худойбергановнинг мазкур шеър хусусида билдирган янглиш, номарғуб фикрига суяниш уни ёқлаш натижаси бўлса? Келинг, асосли, одил баҳо мезонига шеър мундарижаси, мисраларнинг бадий қиммати нечоғли дош бера олишини кузатайлик. “Қарши қўшиғи” – том маънода йирик, “қўп планли”, теран шеърлардан. Унда, менимча, бош мавзу ва бир неча ёндош шохобча мавзулар мавжуд. Бу жиҳатдан шеър сатҳи – майдони кенг, замини бўлуғ-бақувват, томир-илдизлари чуқур, сершоҳ азим дарахт – қўп асрлик чинорни эслатади. Шеърнинг бош қаҳрамони – марказий образи ўзида шоир шахси билан “коллектив даҳо”ни (Гёте) бадий умумлаштирган замондош – инсон. Ёрдамчи – йўлдош мавзу, шажара образларни бирма-бир характерлаб бериш учун ўнларча оригинал, бетакрор образ-лавҳаларни таҳлил қилишга тўғри келади (мазкур мақолада бунинг имкони йўқ). Биз ҳозирча фақат шоирнинг ўзича мурожаат этиш, яъни айрим бандоарни, мисраларни келтириб, шарҳлаб ўтиш кўо, деб ўйлаймиз. Мана ўтмиш мавзу – бобо юртимиз, она халқимизнинг ҳасрат-армонлар билан тўла тарихий тақдири, юосиб ўтган не-не мушкул манзиллари ифодаланган лирик-драматик лавҳалар: “Йўл юрсанг – ҳар бир жойда роботлар вайронаси... Бирови курганини бошқаси қилди вайрон... Мен бу кун дўстларимга афеус-надомат билан Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман. Жилвдори бўлмаса юган тортмаган золим қайси ҳафсала билан сув чиқарсин бу чўлга?..” шоир “сув кўзин очай деса – тупроқ босиб қудуқнинг тубида қолган”, “қутлум сув ҳасратида йигит жони узилган” бобо хотирасини шундай умумлаштирилади: “Мен бу кун саҳар чоғи, заррин куёшга боқиб, шу шўрлик аждодимнинг номини шеърга солдим. Масканин ёритмоққа қалоимда шуъла ёқиб, Лавҳи ёдин битмоққа тунлардан сиёҳ олдим. Ҳа, қудуқлар тубида кўмилиб кетмас армон, Ҳар қандай заволининг ҳам бордур сўнги, ҳудуди. Қабрлар тепасида ёнган ўт ҳам бегумон Биронта ўксик қалбнинг чакнаётган умиди... Мана бу кун боболар арвоҳи чаппар урар Менинг азамат юртим – ўзбекнинг саҳросида. Ҳазрати Хизр эмас, Жайхуннинг саси юрар, Саксовул босиб ётган чўлларнинг маъвовосида!” шеърда Қарши Чўли образи билан шоирнинг мураккаб ижодий тақдири, замондошимизнинг бобомерос армонлари, баланд қиммати, жўмард азму қарори, асримиз зиддиятлари узвий боғланади, шу тарзда санъаткорона умумлаштирилган лирик лавҳалар яратилади. Мана шеърдан яна бир парча: “Сизни жондан севаман, о юлдузли кечалар! Сизни суронли кунлар қўмсаганман кечалар... Лекин шаддод ҳаётнинг юлдузда борми иши. Инсонлар бор – юлдуздан юлдуз қадар йироқ. Инсонлар бор – ўзидан бўлак йўқдир ташвиши... Иложин тонса агар, кетмонинг дастасини ҳам Ерга қадаб, термулиб, кўкартирувчи бу халқ. Жазм этса кўкка бўяр жаҳон

харитасин ҳам, Бугун Чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ”. Эҳтимол, мунаққидлар Қарши Чўлининг (кенг маънода, Ўзбекистоннинг поёнсиз қир, даштлари) турли қаслда турлича ҳолатда кирган гоҳ сўлим, гоҳ нохуш манзаралари ё шоир қаҳрамоннинг турфа кайфият-руҳияти ифодаланган мана бу каби рангин сатрларни (юқорида кўчирилган парчаларга нисбатан) “ортиқча, кераксиз”, “қайтариқ”, деб билсалар керак: “Лекин унинг баҳори, о сен чўллар баҳори, Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин. Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори, Лола каби хандону тубда доғи яширин... Лекин офтоб забтидан қочиб боради баҳор, Ношуд сайёд дастидан қалби қон оху каби. Хайр, энди баҳорим, кўришгунча то дийдор, Маҳшар келмай юмилди баҳорнинг қақроқ лаби. Заъфарон адирларда тентирар энди қуюн, Бош устингда ўт пуркар самонинг аждаҳоси...”.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВНИНГ турли танқидий жанрлардаги чиқишлари илмий-мантиқий тафаккур кучи, таҳлил оригиналлиги, эстетик ҳукм ва баҳонинг дадиллиги билан ажралиб туради. Чунончи, унинг Муҳаммад Солиҳ шеърини ҳақидаги “Сўз дарди –сўзларни енгмоқ”мақоласи (Ёшлик), 1987, 12-сонҳам, умуман, яхши таассурот қолдиради. Бироқ мунаққид баъзи шеърлар таҳлилида оқсайди – шоир кузатган маъно-моҳиятни етарли очиб беролмайди гоҳида чалғиб кетади. Мана “Табиб маслаҳати” шеъри ва унга муносабатдан кўчирма:

Ортиқча семириб кетмайин десанг,

Еб қўйилган сўзлар,

Изма-из ютилган ҳақиқат,

Семиртириб юборар одамни.

Семизликни қўй кўтарсин,

Безабон, мўмин қўй кўтарсин.

“Еб қўйилган сўзлар, Изма-из ютилган ҳақиқат”дан “семириш” кўпинча мўминлик оқибатидир. Мўминлик – ўзича қўй мижозлик, Шеър мўминликни дастур қилиб яшайдиганларга қарши ёзилган. Ғоя талқини эса. “семизликни қўй кўтарар” халқ иборасига таяниб амалга оширилган”.

Чамаси, И. Ҳаққулов шафқатсиз ҳақиқат олдида журъатсизлик, қурбсизликдан сукут сақлашдек заифликни “қўймижоз мўминлик” деб билади, шу тариқа, масалани жўнлаштириб, янглишади. Аслида “еб қўйилган сўзлар” – бу ками билан сўз ва амалий ишу ҳаракат ўртасидаги тафовут маъносини, “изма-из ютилган ҳақиқат” – ҳақ, адолат принципларидан тобора четга тойила

бориш (демак кимларнингдир адолатни балойи нафс комига беришидан кўра, кўпроқ кимларингдир кўрқоклиги, мунофиқлиги, хиёнати) маъносини англатмайдими? Менимча, шоир аччиқ киноя билан: фақат қўй “безабон, мўмин” махлуқ бўлганлиги учун семизлик ўзининг заволи эканини англашдан ожиз, демоқчи. Аслида М. Солих ўзининг оригинал мушоҳада тарзига кўра, халқ нақлига фавқулодда бадий қиммат бераётгани шеър интонациясидан сезилиб турибди: бунда энг даҳшатлиси – “еб қўйилган сўзлар”дан, “изма-из ютилган ҳақиқат”дан семириш фожиаси. Бас, шоир кўзда тутган “семириш” зинҳор “мўминлик оқибати” деб ва айникса, “шеър мўминликни дастур қилиб яшайдиганларга қарши ёзилган” деб бўлмайди. (Халқ сўзининг анитеза усулида, ўткир киноя оҳангида берилиши “мўминлик” даъвосини рад қилади). Аксинча, шеър сатрлари руҳига разм солганда аён бўладики, шоирнинг оригинал ташбеҳлари, айникса, турғунлик йилларида авжга чиққан лоқайдликка, машъум ёлғонга, унинг турли ниқобли, ниқобсиз кўринишларига нисбатан аччиқ истехзо – ғазабноқ нафрат туйғусини ифодалашга хизмат қилади.

Мунаққиднинг хуштаъблиги сезилиб турган юқорида яна бир шеър таҳлилида анчайин жўнлик сезилади. Чунончи, у “чумоли” минниатюраси турли тоифа китобхонда турлича таассурот қолдириши мумкинлигини қайд этади-да, ниҳоят, шоирнинг қуйидаги сатрларига ўз муносабатини билдиради:

Ниманидир судраб у ёлғиз,

Бу галгиси дон эмас... Лекин

Судраб борар сассиз-йиғинсиз,

Бошқа чумолининг ўлигин.

Масалан, менга у мўъжаз бир суврат – сўзсиз бир мунг тарзида кўпроқ ёқади (яхши талқин – Б. А.). майли, буларни қўя турайлик. Шоирнинг асосий муддаоси нима? У инсон қисматидаги мусибатларни шовқин кўтармасдан, “сассиз-йиғинсиз” ҳам бошдан ўтказса, бемалол енгса бўлади, демоқчи. Мунаққиднинг бундай талқини жиддий эътироз туғдирмаса-да, “шоирнинг асосий муддаоси”ни етарли очиб беради, дейиш қийин. Сабаби, И. Ҳаққулов масаланинг зоҳирий жиҳати – чумоли зотиға хос “сассиз-йиғинсиз” ҳолатга урғу беради-ю бу инстинктив ҳолатнинг эстетик моҳияти – ижтимоий маъносини эътиборсиз қолдиради. Гарчи маънавий олами инсонга хос бўлса-да табиат мўъжизаларга шунчалик бойки, турли жонзот.... стихияли “фидойилиги”, “шижоати”, “садоқати” баъзан бизни ўйга толдирса не ажаб? Менимча, М. Солихнинг “чумолиси” бошқа бир зотдоши “ўлигини судраб

бориши” сингари ғаройиб ҳолга шундай ижтимоий маъно берса бўлади: бу митти жонивор нафақат тиригини, ҳатто ўлигини ҳам хор қилиб ташлаб кетмас экан (чумоли жасадининг кейинги қисмати биз учун қизиғи йўқ, чунки, бу ҳам ўзича табиат қонуни). Муҳими, “шоирнинг асосий муддаоси” – шеърдан кузатилган ғоянинг талқини – табиатнинг зоҳиран назарга ташланмайдиган, аҳамиятсиз, “оёқ остидаги” махлуқоти бўлмиш чумолилларда шунчалар ҳайратбахш “дарддошлик” (Э. Воҳидов) мавжуд экан, беҳудуд зақою даҳо соҳиби, “барчадин шариф ва латиф” (Навоий) одам болалари орасида беқадрлик, бедараклик, лоқайлик каби ғайриинсоний тамойиллар тоқайгача яшаши, ҳатто кенг тарқалиб бориши керак?! Чумоли инстинкти билан қуёш нисбатича буюк эмасми?... эҳтимол, мен баҳо мезонини шоир ўйлагандан кўра ошириб юборгандирман. Лекин шуниси аниқ ва равшанки, шеърият учун ҳоҳ чумоли, ҳоҳ қуёш бўлсин, улар мақсад эмас, восита холос. Асосий масала – шоир сўзи инсон дунёсини, унинг меҳрини ва қаҳрини, қувончи ва дардини қанчалик ёрқин, бутун, ўзгача ифодалай олишида, шундан эмасми?..

ЮҚОРИДАГИ ТУРЛИ МИСОЛЛАРДАН шу аён бўладики, бугунги адабий танқид, хусусан, шеърият танқиди учун фақат умумий обзор, ахборот характеридаги жумлалардан ҳоли ёки етарли асосланмаган, профессионал маҳдудликдан ҳоли бўлган таҳлил маҳорати кифоя қилмас экан. Айни чоғда у иқтидорли мунаққидан ҳам шеърий мисралар руҳига киришни, ҳар бир сўз, ташбеҳ, образ орқали шоир кўзда тутган маъно, моҳиятни нозик идрок этишни шу тариқа таҳлил жараёнида озгина бўлсин фаромушга ўрин қолдирмасликни тақозо қилади.

“НАВОИЙНИ АНГЛАШ” МАШАҚҚАТИ

“Ўзбекистон адабиёти ва санъти” газетасида эълон қилинган муаллиф А. Ҳайитметовнинг “Бизга ёре бор эди” (остлавҳа: “Навоийнинг севги машъали”) номли мақоласидаги баъзи бир баҳсталаб иқтибослар диққатимни тортди ва шунга ўз муносабатимни билдиришни лозим топдим.

“... Ёши ўттиздан ўтган, аста-секин 40 га қараб бормокда эди... Негаки, унга муносиб ва тенгдош қизлар(?) аллақачон турмушга чиқиб кетгандилар... унинг дуч келган қизга, ёш жувонга (?) ўйланиши мушкул эди... Навоийнинг ўз тенгини топиб, умуминсоний удумларга кўра, у билан бир ёстикқа бош куйиш муддати тобора орқага сурилари... Ўйланиш ишига Навоийнинг ўзи бефарқ, қарамаган (?), албатта. Кўнглининг бир чеккасида оила қуриб, болачақа орттириш орзуси доим (?) бўлган. Ўйланмаган одамнинг бошида минг хил ташвиши бўлишини у жуда чуқур тушунар (?), ёши ўтиши билан буни ўзи сеза бошлаган ҳам эди...” деб ёзади олим.

“Ҳайратул-аброр” достонининг “Вафо бобида...” деб номланган қисмида... ўзининг кўнглига яқин, севиқли маҳбубасини (?) йўқлаб, унга куйидаги сатрлар билан мурожаат этгани маълум бўлди. Не ажабки, ушбу келтирилган ўша “йўқлов” байтлари, жумладан: “Неча висолингни тилаб зор ўлай? Неча фироқингга гирифтор ўлай?” каби, биринчи қарашда, ошиқнинг ўз маъшуқасига айтаётгандай таассурот қолдирувчи сўзонли саволлар ҳам моҳиятда алдамчи бўлиб чиқиши мумкин... Ҳа, бунда на “кўнгулга яқин, севиқли маҳбуба”, на Навоийга замондош бошқа “бир қиз”нинг тасвири бор. Аксинча, бу “тахаййул мулкининг султони”—мутафаккир шоирнинг қаҳрамони (у бу ерда ошиқдан кўра, кўпроқ ориф тимсоли эмасми?) ҳаёл кўзгусида жонланган Вафо фариштасининг умумлашма-рамзий суврати бўлиб, мақолада тамсил сифатида олган ва олмаган байтлар ҳам фақат вафодан баҳс очади, аниқроғи, бу – одамлар ўртасида вафо расми кўтарилиганидан далолат эмасми?

Бўлди пари ҳам бу сифатдин бари,

Одами ўлмоқни не билгай пари...

Гар сенга бор эрса бу сўзда хафо,

Қайси пари чехрага кўрдинг вафо!

Топмоқ ани гарчики, душвор экин,

Бўлса доғи одам аро бор экин?..

Умуман, Навоий шеърлятида “ишқ”, “ошиқ”, “махбуб” тимсоллари каби “вафо”, “аҳли вафо” тушунчалари ҳам биз зоҳиран тасаввур қилганимиздан кенгроқ, теранроқ маъно англатишини унутмаслигимиз лозим. Ўша дoston муқаддимоти аввалидаёқ Холиқи Қодир васфида ҳам: “Кимга вафодин берибон чошни, Бир нафас олмайин кўзидин ёшни” байти орқали вафо туғрисида (баайни ҳаё тимсоли каби) илоҳий маъно берилади, уни фақат пок хилқат, комил эътиқод, солим эътимод соҳиблари – хос ошиқларига қадрлаши мумкин, фақат шайдо кўнгил (“кўзда ёш” билан) англаши, асраб-авайлаши мумкин... Шундай эмасми, аслида?.. ва билъакс, фақат ёмон хулқли, нопок кимсалар на унинг зоти – маъно-моҳиятини, на сифати – “рангу бўйи”ни ҳис мазлumu меҳрга муҳтождир. (“Зотиға жуз лутфу сафо бермайин, Лек анга бўйи вафо бермайин, Чу, ул вафо рангидин озод ўлиб, Аҳли вафо жонига бедод ўлиб...”, дostonнинг ўша – “Вафо бобида...”)

Ажабо: “Дostonнинг “Вафо” бобини қайтадан ўқий бошладим” дейилади мақолада ва яна матн мазмунидан... узоқлашиб кетилади, оқибатда янглиш хулосага келинади: “Ҳа, бир-бирига яқин кишилар тирик вақтларида бир-бирларининг қадрига етишлари керак. Сўнгги пушаймондан нима фойда? Навоий ҳақ”. Кейинги жумлалар яна-да ажабланарлироқ: “Улуғ шоирнинг бу андуҳли мисраларидан англашиладики, у... 41-42 ёшларида ҳам (яъни шу дoston яратилган даврда!) жўшқин ҳиссиёт, реал инсоний туйғулар (?) билан яшаган. Уни ҳали севиш, севилиш, оила қуриш (?) ниятлари тарк этмаган. Буни Навоийнинг иккинчи муҳаббати (!!!...) деб ҳисоблаш ҳам мумкин”.

Тўғри, ўша фалсафий бобда Навоий қаҳрамони (ошиқ эмас, ориф мутафаккир)нинг ҳасрат-надомат нидолари йўқ эмас: “Ҳар кишим, қўйдум оёғига бош, Жола каби бошимга ёғдурди тош, Войки, юз тош аро ёлғиз бошим, Чарх соғинмишки, эрур юз бошим. Ҳам бу нафас бошимга ет, раҳм этиб, сўнгра не озиғ келуринг – мен кетиб?..” Бу илтижо сўзлари мудом ўша хаёлдаги вафо малагига қаратилган руҳ даъвати эмасми?.. Борди-ю, Навоий қаҳрамонининг ёлғизлигини, мақоладаги талқинингизча, фақат аҳли аёлсиз ёлғизлик деб билсак, умуман улуғ валиуллоҳ шоир оламини (биласиз, вали зотлар учун “икки жаҳон”нинг нашъу намоси бир узлатгоҳ шавқу рағбатига арзимади!..), беқиёс пок шахсиятини, буюк ҳасратнома – “хасби ҳоли”ни, “олти жиҳат” мужассами бўлмиш бу фоний назаргоҳга сиғдириб бўлмас улуғ армонларини деярлик англай олмаган бўламиз... Навоий ёниб-ўртаниб тавсифлаган “ёлғиз бош” асли нима эканини лоақал, лирик куллийёт “Дебоча”ларидан,

“Хамса”нинг ўнларча лирик чекиниш лавҳаларидан, “Маҳбубул-қулуб”дан, “Муншаот”дан ҳам билишимиз мумкин-ку... Сўнгра: “Мен, Эй, Вафо фариштаси, эй, уйқусиз тунларимнинг гавҳари шабчироғи, ўлмай туриб сенинг муборак жамолингу қудсий жалолнинг неъматидан баҳравар бўлолмасам эди, дунёдан армонсиз ўтар эдим, дейишга минг бора ҳақли эмасми бу Хизрсифат зоти киром?.. Мен ҳам “Навоийни англаш”дек шу қадар масъул ва эзгу мақсад йўлида яна ўша “Вафо боби...”га қайтишни истардим: “Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш, Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш... Десун ани гавҳари кони вафо, Кони вафо йўқки, жаҳони вафо... Жонни фидо этса бу жонониға, (яъни ўша вафо малагига) Қўймай анинг миннатини жониға, Айласалар икки тарафдин вафо, Етгай алар жониға онча сафо...” каби баҳосиз улуғ байтларни хоҳ бевосита мазкур мавзуга алоқадор фалсафий лавҳалар, хоҳ билвосита лирик чекиниш бандлари тарзида талқин қилсак, менимча, тўғрироқ бўларди... Зотан, “вафо гавҳари” аини шу зоҳиран дунёвий байтлар аро: “Дашти фано сари хиром айласам” каби ботиний дунёнинг сир-синоати, тўғрироғи, ўзликдан батамом халос бўлишдек боқий ҳақиқат ғояси зуҳур этган ниҳоясиз, пурталотум ўйлар билан ўзаро пайваст бўлиб кетадики, асли ўша бобнинг мантиқий – бадий асоси ҳам, интиҳоси ҳам бизнинг даъвомизга етарли далил бўла олади. Шундай эмасми?..

Мақолада келтирилган бошқа икки тамсил: “Фарҳод ва Ширин” муқаддимотидан сатрлар ва “Наводируш-шабоб” девонининг “Бор эди ул ҳамки бир чоғ...” ғазалидан байтлар, гапнинг рост, маълум маънода Сиз кузатган мақсад – ҳаётий ҳақиқатга яқин келади. Бироқ, Сизнинг шарҳингиз ва чиқарган хулосангиз, барибир, эътироз туғдиради: “Аёл кишининг бундай енгил табиатлиги (?) эса Навоийнинг оила ҳақидаги орзу-бутунлай зид эди... Навоийнинг севги, оила қуриш масаларида катта истаги (?) ёрнининг вафодорлиги, одоб, ахлоқи эди...” Ғазал шарҳида эса янада ошириб юборилади: Навоийнинг, айниқса, қариган чоғларида биринчи муҳаббатини (?) эслаб, соғиниб, бу ҳақда ўз севгилисининг инсоний фазилатлари ва камчиликлари, баъзи-баъзида ўзаро тил топа олмай қолганлари (?) хусусида махсус ғазал битганлиги унинг ишқда, одамийликда чиндан ҳам буюк ва барқарор (?) бўлганини билдиради”.

“Айниқса, қариган чоғларида” биринчи муҳаббатини эслаб, “соғиниб яшагани” каби уйдирма тасаввурлар ҳам мақолада ўртага ташланади. Аслида эса табиатан покдомон, хилқатли, ҳар қачон ва ҳар жойда сабру қаноат ва чексиз шукроналик, парҳезкорлик ва “тавбаи комил” туйғуси ва ҳаёли билан яшаган Навоий Сиз қайд этган “кексалик чоғларида”, боз устига, бедаво дардга гирифдор бўлган (“ёш улғойғон чоғда заъф юзланди”, “Муншаот”),

айниқса, замон ва аҳли замоннинг турфа андуҳ-озорлари, тинимсиз ғавғоларидан Тангри инояти билан баногоҳ фориг бўлган ғанимату тансиқ соатларда... Хондамирнинг хотирлашича, ҳазратнинг ҳорғинваш осуда кўнгли фақат биргина орзу – Ансория зиёратгоҳидан паноҳ топомқ истак-хоҳиши билан банд бўлганлиги рад бўлмас ҳақиқатдир... Инчунун, биз бугун “Навоийни англаш”дек муҳим муаммо билан юзма-юз келган кезимизда (бу масъул ва вожиб давъат нафақат тенги йўқ буюк адабий-илмий мероснинг моҳияти, Навоий тили, луғати, бадий услуби, тимсоллар тизимини, балки унинг беназир шахсиятини ва бошариф руҳий оламини ҳам яхшироқ идрок этиш дегани эмасми?..) Навоийнинг шахсий оилавий ҳаёти, муҳаббат фожеаси эълон қилиб, азбаройи қатъий мулоҳаза-хулосалар билан чиқиш улуғ адибга тухматдир... Нафақат муаззам пойтахт шаҳарда, балки бутун Хуросонда “Пири Ҳирот” дея хотироти улуғланган Абдуллоҳ Ансорий ўзи ким? Нега амири кабир низомиддин Алишер Навоий “қолган умрини Ансория остонасини супуришга сарф қилсам” (“Макоримул-ахлоқ”) деб ният қилди? “Насоимул-муҳаббат”дан ўқиймиз: тақдир тақозосила Ҳиротга келиб муқим туриб қолган Муҳаммад Ансорийнинг ўғли ўткир зеҳни, заковати боис шайхулисом мақомига кўтарилган Абдуллоҳнинг... бобоси Айюб Ансорий “Ҳазрати Расули Акрамнинг “соҳиб раҳли” (Мадина ҳижратида сафардоши), Пайғамбаримизнинг маънавий мададкорларидан бири эдики, Ансорий таҳаллуси шундан далолат беради. Хондамир рисоаларида тафсилий хузурахаловатдан кечиб кўрсатган мислсиз ҳиммат – саховату фидойи умр олдида, Навоий ўзича англаган, олий даражада қиммат берган “мажоз ва ҳақиқат” фалсафаси қаршисида... Сиз шунчалар ишонч билан тавсифлаган “биринчи муҳаббат”, “иккинчи муҳаббат” каби аиниқса, Навоий замони учун бегона, эътиқод мақомида улуғланган муқаддас кадрийат учун ғайришуурий ибораталқинлар қанчалик таъсир кучига эга бўлсин?..

Мақола бошида “Маҳбубул-қулуб”дан олган иқтибосингиз ҳам моҳиятда “Навоийнинг севги машъали”дан узоқ бошлаб, фақат “бори халойиққа суннат”, яъни шаърийат буюрган муқаддас никоҳ билан муҳрланган авом ишқиға мансубдир... Тўғри, Навоий бу ишқнинг марғуб (“бийикроқ”) ва номарғуб жиҳатларини ҳам эслатиб ўтади. Чунончи, авомнинг “пастрок табақасида... бесоронлиқ ва нохушликлареки, зикри таркиадабдур ва баёни беҳижоблиққа сабаб”... Айни шу ўринда “Ҳайратул-аброр” достонининг “Ишқ ўти таърифидаким...” бобидан қуйидаги сатрлар беихтиёр ҳаёлимдан ўтади: “Барча киши ишқда содиқ эмас... Зоҳирида сидқдин оройиши, Ботинида фисқдин олойиши, Ёрдин ул комлар айлаб талаб, Ким кўринуб зикрида тарки

адаб... Васф қилиб гоҳ тани гулфомини, Тан дема, ҳар узвининг андомини... Бу эса ошиқ-эрур ўлтургулук, Боштин-оёқ жисмини куйдургулик...”

Ва ниҳоят, мақоланинг интиҳосида ёзилади: “Бир қанча шеърларида эса у ўзининг бу туйғуларига... тасаввурий маъно берган. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ишқни унинг кўнглига Аллоҳнинг ўзи солган эди-да. “Қандай ифодаламасин, ишқ Аллоҳ инояти эканлиги рост. Бироқ “ўзининг бу туйғуларига (!) тасаввуфий маъно берган” жумласи, назаримда “ақл боши айланар” даражада зиддиятли... Тасаввуф таълимоти, фалсафаси ва ахлоқи силиқ (ё сойир)нинг дунёвий, жумладан, оилавий ҳаёт ташвишларидан халос бўлиш, ҳатто хижрон азоблари вужуди ва руҳиятига фароғат бахш этувчи хос ошиқлар (ҳавос ишқи)нинг “васли мумкуни йўқ” ботиний лаззатидан ҳам озод бўлиш, “мен”лик – ўзлик кишанларидан қутулиш, ғофил ва гумроҳ умр хатоликлари учун, Ҳақ олдида тавба-тазарру келтириш, руҳан покланиш, сониян, парҳезкорлик-тийилиш, сўнгра, бошқа қатор шартлар-муборак манзиллар синовидан ўтиш лозиму вожиблигини тақозо этмайдими? Навоий тақдири илоҳий ҳукми-ла гарчанд салтанат, ҳукумат ва жамият ишларидан озод бўлолмаган, зоҳиран дарвеш узлатгоҳидан паноҳ истамаган ва топмаган бўлса-да, моҳиятда, ўз сийратига кўра бор вужуди, қалби, руҳияти билан танҳолик қисматига қойим ва собит қаноат билан яшамаганми?.. Навоий идрок этган “тасаввуфий маъно”ни ана шу тарзда талқин ва танқид қилсак, назаримда, тўғрироқ бўлади... Навоийнинг тасаввуфга муносабатини шарқшунос Евгений Бертельсдан ўтказиб тавсифлаш қийин: “У (Навоий)сўфизмнинг бутун ахлоқий жиҳатини қамраб олди. Унинг сўнгги мақсадларини бир идеал тарзида ўз олдига қўйди. Аммо тақдир ташлаган муҳит билан алоқасини узмади”. Навоий ҳаёти ҳар жиҳатдан кенг, чуқур, холисанилло ўрганган буюк адиб ва олим Ойбек ёзади: “Умрида оила кўрмаган, ворислар ҳақида ўйланмаган (!) шоир бутун борлигини иншоот ва маданий ишларга, хайрия муассасаларига бағишлаб келган... Ўлимидан сўнг (!) даромадларини маданий вазифаларга ва хайрия ишларига қандай йўсинда ва қанча миқдорда сарф қилиш кераклигини ёзиб қолдирган”.

Баҳсимиз интиҳосида бошқа бир қатор ибратли, тўғри, анчайин ғаройиброқ мисолга навбат берсак. “Ёш куч” журналининг 2000 йил, 11-12 (қўшма) сонидан босилган “Навоий нега уйланмаган?” деган мухтасар мақоладан нозил бўлган илоҳий калима:

“...Улар билмайдики, биз уни (Навоий сиймосини) Исо-Масиҳ сифат яратдик, дилига ўз ишқимизни солдик, шу боис унинг қалбида ўзга ишққа

ўрин қолмади...” Беихтиёр равишда, ҳофизам кўзгусида мана бу шоҳбайт пайдо бўлди:

**Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,
Бихамдуллоҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор...**

Сўнгра, ўз-ўзидан бошқа байтлар ёдга тушади:

**Ишқ, майли чунким, ҳижрон сари эрмиш хуш ул –
Ки, бурундин бўлмади кўнгли бировнинг мойили...**

**Ўттизу қирқ ичра эрур айни ком,
Ваҳки, манга ул доғи эрди ҳаром...
Комим ўлмоқдур ҳабибимдин йироқ,
Гар худ ўлсун Хизрча ёшим менинг...
Кўнгул гулу сарв майли қилмас, нетайин,
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?
Ҳар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин,
Бир шўхки, у тилар, топилмас, нетайин?..**

ИЛОҲИЙ КАЛИМОТ ТИЛСИМЛАРИ

Эл кўнглига чун даво каломуллох эрур...

Абдурахмон Жомийдек пири муршид (муҳиблар ҳазратни “нури хирад”, “Маҳдуми Нуран” деб атаганлар) нафаслари-ла “низомул миллати вад-дин” муборак унвонига молик бўлган Навоийнинг шеърий куллийетини қудсий оятлар, ҳадислар билан мунаввар шоҳбайтларсиз аниқ ва тўлиқ тасаввур этиш, унинг фикрий теранликларини, ғасоҳат сирларини таҳқиқ имконсиз, албатта

Не надоматлар бўлсинки, неча ўн йилликлар мобайнида илоҳий муқаддимот (ҳамду наът, саною муножот) матни каби уларнинг талқини, таҳлили ҳукмфармо-дахрий мафкура таъқиби ва тазйиқига учраган, таҳқирланган эди. Шунинг учун ҳам муқаддас оят, ҳадис калималари бевосита – айниятда ё билвосита – ҳарфи ўзгарган, руҳи сақланган ҳолда “сўз лавҳи” – шеърий сатрлар қатига жойланган, бир-биридан зарифу дақиқ байтлар ҳақида лом-мим дейилмай (гўёки руҳоний нуқтадонликлар, илоҳий оҳанглар Навоий дунёсига хос, аҳамиятли эмасдай), худписандларча совуқ-танд муносабат ҳукм суради... Тангрига шукрим, турли табақот-тариқатга мансуб шоирларнинг исломий фалсафа, ахлоқ, ғасоҳат тажаллиси бўлмиш боқий сартлари сингари, Навоий шеъриятининг самовий буржлари ҳам бугунги истиқлолият ва амният ҳавосидан эрк ва сафо топди. Бас, уларни баҳоли имкон шарҳлаб бериш, қай даражада бўлмасин, таҳқиқ ва таҳлил қилиш ишини ортиқ пайсалга солиш ҳам гуноҳ...

Шарҳ аввалида, мантиқан, Навоийнинг насрий-илмий мушоҳадаларидан намуналар келтириш жоиз. Чунончи улуғ мураббий “Мезон ул-авзон” муқаддимасида ёзадилар: “Андоқки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоланинг “Қаломи мажид”ида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қаваиди (қоидалари) била ростдур. Ул жумладин бири оятдурким, “Лан таналул-бирра хата илан” (хуш кўрган нарсаларингизни сарф этмагунингизча яхшилиқка эриша олмайсиз) дур, рамали мусаддаси маҳзуб (баҳрида) воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: “Вал-мурсалати урфан, фаласифати асфан (эзгу амаллар буюрилган (фаришталар номига қасам, кучли эсан шамолларга қасам) дур, вазни маъулу фойлотун фойлотундир, аҳраб (баҳрида) воқеъ бўлубтур... Ва “Қаломуллох” да кўп ерда бу нав воқеъдур. Ва расул саллалаҳу алайҳи вас-салам аҳодиси (ҳадислари)да ҳам дағи бу тариқ тушубтур”.

Бу табарррук кўчирмадан, фикри ожизимча, икки жиҳатки ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи бор. Биринчидан, “Каломуллоҳ” оятлари, ҳадис сўзларидан “кўп ерда назм воқеъ” бўлган, хусусан, улар “аруз қовонди била рост” экан, демак, чиндан-да исломиятнинг Навоийдек аркону аҳкомларидан бири шаҳодат беришича, бунда ғаройиб ҳол яшириндир. Илло, Муҳаммад Мустафога нозил бўлган оятларда, у зоти шарифнинг ҳадисларида аруздек махсус ва мураккаб шеърий илм қоидаларига тўғри келадиган мисраларнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, асли Араб заминида кашф этилган аруз вазни ҳам шеърий истеъдод каби тангри илоҳийнинг инъом-эҳсонидир (не ажабки ҳазрати Росулulloҳ на умумий илмий таҳсил на махсус шеърий-адабий маърифат кўрганлар!). Зотан, улуғ жафокаш олим Димитрий Лихачевнинг фикрича, гўзаллик қонунлари илоҳий моҳиятга эга...

Иккинчидан, туркийзабон шеърият “мулкининг соҳибқирони” Навоий ўз асарларини, шак-шубҳасиз, муқаддас оят ва ҳадислардек каломи фасиҳнинг теран мантиқий фикр, бадиий ифода (хусусан, муסיқий уйғунлик, таносиб) меъёрларида, баравж пардаларда яратишга аён этди: “Сўзнинг бир авж уза чекти алам (байрок)ни, Ки сурдунг арш лавҳига қаламни. Агарчи ахтаре (юлдуз)дур ҳар сўзунг пок. Ки эврур онинг бошига афлок”. Улуғ шоирнинг маънавий жиҳатдан тўла ҳақдор фахрия-байтларидан яна бири: “Навоий сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур. Бу мўжизаларни зоҳир ўлди килки нуктапошида”. Биз Навоий шеърий даҳосининг руҳий илдизларини бир қадар таҳқиқ этишга, аниқроғи, исломий фалсафага, ахлоқ ва фасоҳатга дохил шохбайтлар шарҳига уриниб кўрамиз. Даставвал, муқаддас калималар-ла музайян байтларни кузатайлик.

Бежизмаски, Навоийнинг асосий рубобий куллиёти “Ҳазойинулмаоний”нинг биринчи девони, биринчи ғазалининг матлаъи – аввалги байти Ҳақни танимоқнинг тўғри йўли – “ҳидоят нурлари” билан мунаввар этилган:

Ашрақат мин акси шамсил-қаъси анворул-худо,

Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо.

Шохбайт шарҳидан аввал, биринчи мисранинг маъносини билиб олайлик: қуёш косасининг акси – инъикосидан ҳидоят нурлари (“анворул худо”) таралди. Бу бошариф тамсил-лавҳанинг фазовий миқёси қанчалар кенг, сарбанд! Иккинчи мисраладаги “жом”, “май” рамзлари-ла боғлиқ бадиий мантиқ тақозосига кўра, субҳидам уфқидан аста кўрина бошлаган қуёшнинг шакл-шамойили гулгун май тўла косага муқояса этилиши ўзиёқ (кун уфқдан юксала борганда на унинг аниқ доира-чизигини илғаб бўлади, на гулфом

рангини!) мазкур байт мансуб бўлган ғазал шоирнинг бошқа оошиқона, риндона шеърларидан ўзгача эканлигига ишорадур. Демак, шохбайт (ғазал ҳам) моҳиятан орифона, тўғрироғи, илоҳиёна тимсоллар силсиласини ташкил қилади: зоҳиран (мажозан) риндтабиат ошиқ қулидаги жом ва май мўъжиз кўзгуга айланади, кўзгу бўлганда ҳам, бамисоли доир – айланувчи дунё – муаззам миръот сифатида ўзида тангри илоҳийни тажалли этади. Бас, Навоий талқинида мўъжизакор жом – ваҳдат жоми, яъни мавжуд оламнинг тангри илоҳий билан бирлиги, воҳидлиги рамзи, май – бу фоний дунёнинг барча аччиқ ва ширин маъноларини, ибратомуз синов-сабоқларини озми-кўпми идрок қилиш, чуқурроқ таҳқиқ этганда, бу- Навоий англаб етган ҳақиқий (илоҳий) ишқ махмурлиги, бунинг хос руҳоний, бокира кайфияти-ла ўзлик кишанларидан халос бўлмоқлик (“Менда қўйма, ёраб, менликдин нишон...”), шу тариқа, ҳақиқат моҳиятини идрок этиш йули Ҳақ васлига етишмоқ тадоригининг ўзгача тажассуми... Ана энди байтнинг хос маъносини кузатилган мақсадга яқин иборалар-ла шарҳлаб бериш мумкин: “ёр (моҳиятда яратувчи) аксин майда кўр”моқдек ғаройиб бир ҳол ишқ йўлининг мажоз кўпригидан ҳақиқат (“алмажозу қантаратул ҳақиқат” – “Ҳамсатул-мутаҳаййирин”) манзилига ўтиш жараёнида, ҳажрнинг турфа ситамлари сўзонида жисму нафсу ҳавонинг шайтони худкомликларини ўлдириб, руҳни поклантирган, ғазлу камол мақомини эгаллаган зот – Ҳақнинг чин ошиғигагина мушарраф бўлиши мумкин... Хуллас, Навоий талқинича, жом, шубҳасиз, ваҳдат жоми (моддий ва руҳий оламнинг бирлиги рамзи), май – “васли мумкуни йўқ” ишқ фидойиси учун боқий ҳидоят ва иноят майидир. Зотан, бундай майнинг мўъжиз аломати қуёшнинг ҳар субҳ оламга таратган, Ҳақ йўлини ёритувчи пурхайр иши – аломатига тенг... Бу анъанавий мажознинг фазовий талыини, маҳбуб тимсолида илоҳий гўзаллик тажаллисини кўриш, “ёр аксини” ўзгача сувратлаш санъатидир...

Мана “Каломуллоҳ асоси”ла тартиб ва сайқал берилган бошқа бир байт:

Ҳар ён, Навоий, сурма қўл, не келса Ҳақдин рози бўл,

Мен ожизу ҳокимдур ул, “ал фажру лак ал ҳукми лаҳ”

“Ал фажру лак”: тонг ёришуви – сенинг уйғонмоғинг, янги кундан воқифлигинг, унинг насиба-неъматидан баҳравор бўлмоғинг учун; “ал ҳукми лаҳ”: сўнг нимаики воқеъ бўлса – илоҳнинг ҳукмида. Шохбайтнинг тўлиқ маъноси: одамзод умрнинг ҳар бир куни оллоҳ етказганига шукр келтириши – боридан ҳаволаниб, нафс кўйига кирмаслиги (“Қачон нафс ўз комин этти ҳаво, Қилур элни кўп нафъдин бенаво”) ва аксинча, йўғига ё камига ношукр

бўлмаслиги, мушкул соатларда ҳам ғамгинлик керак (“Ўзунгизни меҳнат куни овутиг, не ғам келса даврондин осон тутинг”), кенг маънода, мусулмони комилнинг босган қадами, боринги, эзгу ният йўлида кўрсатган жасорати, топган эътибору мартабаси Яратучининг хоҳиш-иноятига, ҳидоят ва ҳимоятига муҳтождир.

Навоийнинг пок қалами - хомаси-ла “Зоҳир ўлғон мўъжизлар” ҳақида яна-да ёрқинроқ тасаввур туғилиши учун “кўнгил лавжи”га чизилган дунё – шеърӣ тимсоллардан айрим намуналарни кузатамиз. Табиӣки, бу гал ҳам ўзига хос муқаддимотга зарурат сезилади: Оллоҳ “... инсоннинг сойири маҳлуқотдин мумтоз ва мажмуъ офариниш (яратилиш)қа сарвар ва сарафроз қилдиким, оят: “Ва лақад каррамно бани одама” (одам авлодини азизу мукаррам қилиб яратдик) калимаси андим муҳбир (хабарчи)дир... “Ва лақад халақно ал-инсона фи аҳсана тақвим” (ҳамда инсонни маҳбубу марғуб сувратла яратдик) анга мушӣир (огоҳ этувчи)дир...” Чин инсонликни фақат кўнгил гавҳари мезони билан баҳолаш мумкин. “Ҳадиси шариф”дан: “Инсон жисмида бир парча эт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгай, агар у бузилса, аъзоларнинг барчаси бузулгайки, бу – унинг қалби, юраги”. Навоӣ шарҳи: “Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сихҳат – мунга ҳам сихҳат, анга табоҳи (шикаст), мунга ҳам табоҳи. Бас, улким, кўнгул мулкининг соҳиб жоҳи бўлгай – шохлар шоҳи бўлгай”. Байт:

Мулк учун солим керактур хисрати кишвар паноҳ,

Тан учун ул узв (аъзо) ким, бўлди бадан мулкида шох.

Ва ниҳоят, улуғ валимуллоҳ шоир кўнгил ва кўз васфида “бир неча паришон байт” (ҳақирона камтарлик мисоли!) тартиб бергани ҳақида шундай дейди: “Аммо “ал-мавмуру маъзурун” (буюрилган иш маъзур тутилмоғи лозим) ҳукми била ўтлуқ оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб, кўнгул оташингезлиги била кўз ашкрезлиғи шарҳида бир неча паришон байт мурааттаб қилилди” (“Муншаот”дан). “Маҳбубул-қулуб”да тил ва кўнгил таърифи узвий берилади: “Масиҳоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манба ҳам – тил. Тилиға иқтидорлиғ - ҳақими хирадманд. Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлгай – хўброк бўлгай, агар кўнгул била бир бўлгай...” “Дардлиғ кўнгул – шуълалиқ чароғ... Тили ариғ ва кўнгли ариғ (бокира)ни мусулмон деса бўлур”, дейилади ўша китобда.

Мана кўнгул тимсоли муқаддас оят-ла йўғрилган шохбайтлардан бири:

Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума,

Эй Навоий, билдим: “Ихдар роҳатайн” эрканин яъс.

“Ихдар роҳатайн”: икки роҳатнинг бири. Яъс – навмидлик дегани; энди байт шарҳига ўтсак бўлади. Ҳаёт отлиғ азалий хилқат шунчалар мураккабдирки, ёлғиз киши – айрим шахснинг бутун бир халқ жамоаси билан муносабати ҳар доим ҳам одилона меъёردа бўлиши қийин. Халқ деганда табиий, ижтимоий, руҳий-маънавий бир қудратнинг тимсоли мужассами намоён бўладики (“Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ оловдир, халқ ўчдир... - Чулпон”) унинг шаънига баъзан ранжу аламлар сўзонида марғуб-номарғуб мулоҳазалар билдириш, алал-оқибат беҳуда, хатто мантиқсиз бўлиб чиқиши мумкин. Начора, ҳазрати Навоийнинг ўзлари бежиз айтмаганлар: “Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, ҳақга деса бўлмас: “Менинг учун яна бир халқ ярот”. Бас, муқаддас оят билан далилланган юқоридаги байт моҳиятида ҳаёт ва қисматнинг турли озору шафқатсизликларига қарамай, инсон сабри билан улуғдир, деган пурмаъно, боумид (“навмидлик”ка зид) ақида зухур этади. Айниқса, сабр-қаноат, сабот, андеша, кечириш, тийиқлик туйғулари билан кучли чин мусулмон учун тан бермаслик, кўникмаслик имконсиздай туюлган бир ҳол гўё осонлик билан (“Ишга неча саъблиқ имкон эрур”) – камоли кўнгил равшанлиги, таъъ равонлиги, руҳ енгиллиги билан ифодаланади: “Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума.” Тўғри, халқимизда энг чорасиз-нажотсиз дақиқаларда ҳам “ноумид шайтон” дейилгувчи доно нақл бор. Лекин халқона таскин сўзи билан Навоий сатри замиридаги сўнгсиз дарду фидойилик ўртасида каттагина мушарраф бўладиган хос руҳий қудрат тимсолидир: навмидлик азоби туғёнга келган, ақл чироғи сўниб, кўнгил пораланган кезларда бндайин фожеъ ҳолни ... роҳат ўрнида қабул қилиш ғар қандоқ иродали кишига муяссар бўлавермаса керак...

Навоий қаламининг мўъжизавий кучи шундаки, муқаддас калималарга эҳтиёж туғилганда, улар беихтиёр дунёвий мазмун касб этиши – инсонпарварлик, улуспарварлик ғоялари учун қилиши мумкин:

Ҳаққим, йўқ нафъ ичинда поёни анинг,

Бўлғуси қиёматгача жавлони анинг.

Шубҳасиз, “нафъ ичинда” иборати жамики жонли-жонсиз маҳлуқоту мавжудотга тааллуқли. Лекин моҳиятда уларни яратиш ва паноҳида асрашдан мурод – инсон, унинг эҳтиёжи, манфаати. Бундай саховат, иноят манбаи асло камайиш билмайди. Илло, Ҳақнинг лутфу карами кенг, “ҳидоят нурлари” офтобдай барчага баробардир. Бежиз эмаски, улуғ шоир ҳатто болалик даври

машклари – илк шеърларидаёқ саҳиҳ табиатдан лола уруғию пилла қуртини муқояса учун олиб, инсон меҳнатига нисбат берган эди: “Тухм ерга кириб чечак бўлди, Курт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму? Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?” Бошқа бир байтда “ипак” ташбеҳи “бол” тимсоли билан уйғун берилади: “Ҳар кимсаки айламас ошукмоғни хаёл, Яфроғини ипак қилур чечак баргини-бол”. Ҳадисмонанд “Арбаин”да: “Яхшироқ бил они улус ароким, Етса кўпрак улусқа нафъ андин” дейди раиятпарвар шоир. Эл-улус қайғуси бошқа бир шеърда анчайин беаёв оҳангда ифодаланади: “Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас Раҳиму Карим”. Илоҳий калом ила дунёвий сўз уйғунлиги қанчалик табиий ва самимий руҳда, ҳаққоний ва одилона талқин этилган!..

Навоий илоҳий қудратга хоҳ бевосита – муқаддас оят сўзлари орқали, хоҳ билвосита – бадий тимсоллар, рамзу мажозлар тилида муносабат билдирганда баъзан исломий ақоид сарҳадидан ўтади – қадимий фалсафа, умумбашарий тафаккур меъёрларида мубоҳаса юритади:

Азал ҳам Сен, адаб ҳам Сен, не аввал бирла охирким,

Анга-йўқ ибтидо пайдо, мунга-йўқ интиҳо пайдо.

Бу мисралар қатида қанча оламлару турфа мезонларни, робитаю усулларни ўзида жобажо этган моддий ва руҳий хилқат ҳайратомуз мухтасар шаклда ифодаланган. Чиндан ҳам шеърини нисбатлар миқёс-кўлами – самовот буржлари қадарли, теранлиги – уммонларга тенг: не ажабки: на “азал - аввал”нинг интиҳоси бор! Яна-да чуқурроқ ўйлаб, яхшироқ идрок этиб кўрганда, бу оламнинг “ҳайъати” – қиёфаси, “вазъи” – тузилиши (“Назар айла бу коргаҳ ваъзийҳа-ки ортар тамошасида ҳайратим”) ақл “боши айланар” даражада сирли-сеҳрли эмасми?! Надоматлар бўлсинки, биз неча ўн йилликлар мабайнида даҳриёна моддиюн фалсафаси исканжаси-ла гумроҳликда, ғофилликда, куфрона-шаккок “ёлғон-даъво” (Яссавий) алдовларига қойим-маҳлиё бўлиб, ўзимиз англаб-англамай айюҳаннос солиб, жаҳонга кулгу – шармисор бўлган эдик...

Беназир сўз даҳоси “ирсолул- масал” бадий санъати (халқнинг доно удумларини, пурҳикмат мақолу маталларини бадий ўзлаштириш усули) орқали уларни хоҳ аслиятда, хоҳ ўзгарган шаклда келтириб, байтга бошқача зийнат беради. Мана шулардан бири:

Кўнгул жон бирла бўлди, ҳамраҳингмен, дард ила юрдум,

Сенга жон бирла кўнглумни, сени Тангрига топшурдум.

Одатда ҳаётнинг иссиқ-совуғини кечириб, аччиқ-чучугини тотиб кўрган, дўст-душман, яхши ва ёмон билан синашиб маълум даражада сабоқ олган кўзи очик, эҳтиёткор, айнаи чоғда боумид одамлар аксарият яқинларидан кимнидир сафарга кузатаркан ё ўзлари йўлга чиқиш олдидан яхши истак-тилакларини ўзгача меҳр билан, дил-дилидан тавалло қилиб: “Худога омонат, паноҳига топширдим” қабилида самимий муножот сўзлари-ла изҳор этадилар, Иймон нури билан йўғрилган, Яратувчига ҳамду саною илтижо мақомидаги бундай халқона оқ фотиҳа калималари, аввало, ўша хайрбод тилаклар тилагувчи мўътабар зот (ота-она ё устоз, меҳрибон дўст ё ғамгусор жигарбанд)нинг шахсияти – ҳар қандай тамаъю миннатдан холи, пок хилқатидан далолат беради. Қолаверса, бундай кутлуғ ибодатлар ҳар икки тараф(сафарга отланувчи ё кузатиб қолувчи)нинг кўнглида, фикру хаёлида ажаб бир ёруғлик – умид, ишонч-эътиқод, шукрона, миннатдорчилик, меҳру вафо, ғурур-ифтихор, фидойилик, эҳтимол, ўкинч-армон, тазарру каби эзгу хислар уйғотади, руҳни поклантиради... Навоий халқимизнинг ана шу олийжаноб удуми тажассуми – “топширдим” сўзининг бениҳоя гўзал, зариф истиоравий қирраларидан фойдаланиб (бир яқин одам тақдирини бошқа бир яхши одамга мутлоқ ишониб, дахлсиз омонат ўрнида “топшириш, ўша омонат тимсоли ва унга жавобгар – соҳиби хонадон ё раҳнамо йўлдоши ҳам тангри ҳимоясига “топшириш” замирида қанчалар инсонийлик зуҳур этади!”), муҳаббат оламининг зоҳиран фожеъ қисмати (“жонни топширмоқ”) – “ишқи мажозга кутилмаган ҳолда боқий – ўлмас маъно бахш этади, “ишқи ҳақиқат” мақомини беради... Не ажаб, маҳбуба дардида ошиқ кўнгил шайдолиги шу даражага етиб бордики, ҳатто кимга мансублигини – ўзлигини унутди, оқибатда фақат “кўнгил жон бирла бўлди”, ошиқ эса бамисоли сояга – жонсиз, кўнгилсиз вужуд-сувратга айланди. Лекин (водариғ!) бундай фожеъ қисмат учун ҳасрат-шиқоят эмас, розилик, илтижо тавалло сўзлари изҳор этилади! Илло, ошиқнинг бу алдамчи дунёдаги сўнгги тилаги ҳам шу: муҳаббат қисматида “жон бирла кўнгилни” яккаю ягона умидвори, халоскори – маҳбубага, маҳбубани – “тангрига топшириш”. Не чоғлиқ андуҳли бўлмасин бу – чин мурод – адабий ишқ бахтига эришмоқнинг пурмаъно ва зариқона ифодаси эмасми?! Зотан, бундай талқин Навоийнинг васлисиз – илоҳий ишқ идеали билан уйғун-ҳамоҳанг: “Ошиқки, муроди ком ўлғай – ошиқлик анга ҳаром ўлғай”...

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

АДАБИЙ ҳаётимиздаги янги баҳс муносабати билан баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаш зарурга ўхшайди. Биз баъзан танқидда баҳс мезонининг бузилиши, шеър таҳлилида сўз-образ руҳига етарли разм солмаслик, маърифий чекланмаслик, хусусан классик шеърятни, поэтик усул ва воситалар маъносини чуқур идрок этмаслик тўғрисида сўзлашмоқчимиз.

Адабиётимизда танқидий таффакур иқтидори билан адабий жамоатчилик назарида қонуний ҳурматга молик забардаст мунаққидлар бор. Озод Шарафиддинов, хусусан, шеърят танқидчилигида шундай иззат-эътиборга эга. Олимнинг кўпчилик ишларида (жумладан, янги китоби “Ҳаёт билан ҳамнафас”да ҳам) ўзгача оҳанграбо бор: бу – фикрнинг салмоқдорлиги, таҳлилнинг етук ва жонлилиги, адабий ходисаларнинг ҳаёт фактлари билан йўғрилиб талкин этилиши, услубнинг тиниқ ва равонлигида кўринади.

Таассуфки, О. Шарафиддиновнинг “Шеър кўп, аммо шоир-чи?..

Мақоласи (“Ёшлик”, 1983, 3-сон) шахсан мени таажжублантирди. Тўғри, унда яхши жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, ёш қаламкашлар учун зарур омиллар: истеъдоднинг ички нигоҳга эга бўлиши, сўз сеҳрини эгаллаш зарурати, эътиқод–ғоявий-манавий юксаклик туйғуси – булар алоҳида таъкидланади. Шунингдек, шеърятимизнинг салмоқдорлиги, ёш бўғиннинг ижодий тақдири учун жонқуярлик сезилиб туради. Лекин, умуман олиб қараганда, мақола авторига муносиб савияда ёзилмаган. Масалан, унга ўртамиёначилик иллати, сал бўлмаса, ҳозирги шеърятнинг белгиловчи аломати даражасида ошириб кўрсатилади: “Хўш, нега энди бугунги шеърятимизда ўртамиёначилик **кучайиб кетяпти?** Нега бир-бирига ўхшаб кетадиган эгизак шеърлар сони **ортиб боряпти?**.. Нега шеърларда **олам тор, ҳаёт нафаси заиф, китобийлик кучли?**” (мақоладаги барча таъкидлар бизники – **Б.А.**). наҳотки, бу кескин саволлар ҳозирги бутун шеърятимизга тааллуқли бўлса? Баъзан ўртамиёна шеърни ҳақиқий истеъдодли шоирда учратиб қолсак, ранжиймиз. Борди-ю, у бошқаларникига “ўхшаб кетадиган” ё биқик, ҳатто “китобий” шеърлар ҳам ёза бошласа (бундан тамойил “кучли” даражага етса!) бу истеъдоднинг изланишдан тўхтаганини – инқирозини кўрсатмайдими? Яхшиси, бундай кезларда синалган ҳакам – шоир сўзига мурожаат қилганимиз маъқул. Менингча, Абдулла Ориповнинг “Усмон Носир ҳақида сўз” мақоласи жумбоқни ечишга ёрдам беради, унда шоирлар икки тоифага ажратилади: “Уларнинг биринчиси, таъбир жоиз бўлса, косиблардир... Адабиётдаги косиб фақатгина ўз орзу-истакларига кўра, балки тирикчилик тақозоси туфайли ёхуд ном қозониб яшаш иштиёқида қўлига қалам олади.

Баъзилари эса бу саҳага мутлақо иасодиф туфайли аралашиб қолган омадсиз меҳнаткашлар бўлиб чиқади”. Демак, танқидчи кўрсатган қусурлар мантиқан “биринчи тоифа – косиб шоирлар” ижодига дахлдор бўлиб чиқади. Таассуфки, танқидчининг баҳолаш мезони каби текшириш объекти ҳам тайинлироқ эмас (номарғуб мисоллар асосан бошловчи шоирлардан олинади, қолаверса, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақли танқид қилинган деб бўлмайди). Чунончи, М.Кенжабекнинг “Поезд” шеъри асосида тақлид қилинади. О. Шарафиддинов ўртамиёналик характери ва моҳиятини шундай талқин қилади: “Ҳозирги пайтда ўртамиёна шеърларнинг умумий савияси анча кўтарилган. Шунинг учун ҳам баъзан уларни **чинакам поэзиядан** (?) ажратиб олиш қийин”. Айниқса кейинги жумлада атоқли танқидчининг матбуот орқали кўпчиликка айтаётган фикри тасаввурга сиғмайди: авваламбор, ҳозирги шеъриятимизнинг билимдонларидан бири сифатида тан олинган олимнинг: “ҳеч қачон юракка етиб бормайдиган” (мунаққиднинг ўз таърифи – **Б. А.**)ўртамиёна шеърларни “чинакам поэзиядан ажратиб олиш қийин”лигига иқрорлиги на унинг профессионал иқтидорига, на ўзи қозонган ишончига ярашмаса керак. Қолаверса, О. Шарафиддинов мақоланинг охирида: “Шоирнинг талантини қандай тушуниш керак?” деган саволга жавобан истеъдоднинг муҳим қирраларини тўғри таъкидлаб ўтганида, буни аслида ўша машъум ўртамиёналик зиддига айтмаганмиди? Маълум бўладики, ўртамиёна шеърларга қуйидаги жиддий талабларнинг қўйилиши ҳам бежиз эмас экан: “Бу шеърларга қуйидаги жиддий талабларнинг қўйилиши ҳам бежиз эмас экан: “Бу шеърларда бугунги зиддиятли, курашларга тўла, тезкор ва безовта ҳаёт **бутун шиддати билан, жамики мураккаблиги билан рўй-рост** ифодаланаётгани йўқ”. Менингча, бу сўзлардан шундай мантиқ келиб чиқади: агар ўртамиёна шеър яна бир ғайрат кўрсатилиб қайта ишланса (“ҳаёт бутун шиддати билан рўй-рост ифодаланган” тақдирда), ундан ҳақиқий шеър туғилиши мумкин...

Мунаққид “ўртамиёналик намоён бўлаётган шакллар”дан бири сифатида шоирнинг турли мавзуларга муносабати масаласига тўхталади-да, янада зиддиятлироқ гаплар айтади: “Нега энди бугун анча-мунча шоирлар... **бетараф** мавзуларни, **мавҳумроқ** мавзуларни афзал кўришяпти?.. Улар унча маъсулият талаб қилмайдиган **қулайроқ** мавзуларга кўпроқ мурожаат қилишмаяптими?

Ҳар ҳолда булоқнинг жимирлаши, ариқнинг шилдираши, теракларнинг титраши, тонгги шафақлар, тоғларнинг виқори, бургутнинг парвози, ёиғирнинг сим-сим ёғиши ва ҳоказолар ҳақида ёзиш **қулайроқ-да!..**” савол туғилади: бундай “қулайлик”дан фақат ўртамиёна шеърлар туғиладими ё бу

адабий мавзуларда ҳақиқий поэзия яратса ҳам бўладими? “Бетараф мавзу”, “мавхумроқ мавзу”, “қулайроқ мавзу” деганида нахотки олим классикларни ҳам жазб этган “соф” лирикани назарда тутаётган бўлса? Хайрият, автор ўз истеҳзолари ўринсиз эканини сезгандек бўлади-да, китобхон уни тўғри тушунишини сўранади, энди мақсад бирмунча ойдинлашади:

“Бизнинг поэзиямизда фақат шивирлаб айтиладиган майин лирикагина устун бўлмаслиги керак, кенг майдонларда юз минглаб одамлар эшитадиган хайқириқ лирикаси ҳам ўз ўрнини эгаллаши лозим”. Лекин “Шеър кўп, аммо шоир-чи?” мақоласида унинг руҳига сингдирилган (сарлавҳада ҳам акс этган) тамойилининг хато ва асоссиз эканини тасдиқловчи холис фикрлар ҳам ўрин олган. “ бир қанча атоқли шоирларимиз сўнгги йилларда ҳам энг юксак талабларга бардош бера оладиган бақувват поэтик асарлар яратдилар” сўнгра ёшлар ижодида ҳам чинакам поэзия намунаси деса арзийдиган асарлар кўп” лиги тан олинади. Бу фикр янги чоп этилган “Ҳаёт билан ҳамнафас” китобида ҳам яхши далилланган. Шу тарзда, мақолада баъзан принципда тўғри, лекин талқинда бирёқлама ёки сиртдан қараганда гўё бонг ураётгандек туюладиган, аммо моҳият-эътибори билан ҳақиқий аҳволни чуқур таҳлил қилишдан анча узоқ, ҳатто зиддиятли айниқса, тажрибаси камроқ ўқувчини чалғитадиган манзарани кўрамиз.

Шеърят танқидчилигида баъзан шоир кўзлаган муайян мақсад тасвири объекти – воситалар билан аралаштириб юборилади, оқибатда шеър нотўғри талқин қилинади. Шунинг учун, очик айтиш керакки, ҳар бир мисра, ҳар бир сўз маъносини, характерини, сатрдаги ички мазмунни, образнинг яширин бадеаларини тадқиқ этмасдан туриб, умуман шеър танқидига қўл уриб бўлмайди.

Истеъдодли таржимашунос олим ва мунаққид Ғайбулла Саломов Асқад Мухторнинг “Янги китобидан” туркуми ҳақидаги “Севиб ўқиладиган шеърлар” мақоласида анча тийрак мулоҳаза юритади, янги шеърлар таҳлили орқали (чунончи, “Ҳадик” миниатюриси) шоирнинг олами ўзига хос мушоҳада этиш тарзини, сўз-образга санъаткорона муносабатини тадқиқ қилишга интилади. Айрим шеърлар талқинида (масалан, “Ҳақиқат”) анча нотаомлик ҳам сезилади лекин мақоланинг охириги абзацидан жой олган мана бу жумла мени таажжублантирди: “Янги шеърлар орасида куз фаслининг намчил ҳавоси таъсирида **бирмунча сўник кайфият билан** ёзилганлари ҳам, “хафа бўлиб ёлғиз юрганида” туғилган **хастахол мисралар** ҳам учраб қолади”. Аслида шундаймикан? Мунаққид ишора қилаётган икки шеърда, менингча, бутунлай бошқача ёруғ, тетик руҳ бор. Чунончи, биринчи шеърда

танланган материаллардан қатъий назар (кеч кузда яланғоч боғнинг ғарибона кўриниши), шоирнинг дастлабки оғир-ўйчан кайфияти кутилмаганда поэзия мўъжизасига айланади – ижод дарди, яратиш қувончи образли қиёфа олади:

Мен куз оқшомининг сувратин солдим:

Сўник боғ, сўнгги нур ва камчил хазон...

Манзарадан ўзим ҳайратда қолдим.

Ғамгинликни босиб келди ҳаяжон...

У шундай чикдики, кўзим ёшладим:

Ғамгинлик қувончга айланди.

Бу мисралардан аён кўринадики шоир истаса, ҳатто кишини хомушлантирадиган манзаралардан фараҳбахш асар яратиши мумкин. Шеърнинг “Санъат” деб аталиши ҳам шуни тасдиқлаб турибди, уни “бирмунча сўник кайфият билан ёзилган” дейишга ҳеч бир асос йўқ. Афсуски, олим “Хафа бўлганимда ёлғиз юраман” сарлавҳали шеърни ҳам юқоридаги мезон билан ўлчайди, яъни икки нарса: мавзу материали ва конкрет бадий ҳосила – эзгу умид образи бир-бири билан аралаштириб юборилади. Ҳолбуки, шеърга сингдирилган ғоя қаҳрамонининг ёлғиз қолган чоғидаги бизга сир бўлган “дарди” эмас: шоир тунги сукунат гўзаллиги, ҳаёт осудалиги ҳақида, кенг маънода, табиат ва инсон билан боғланган эзгуликлар – азал ва адабият муаммолари ҳақида ўйлайди. Мана, шеър мисраларига разм солинг:

Сукунатни чўчитмасин дардим,

Айланиб ўтаман сокин боғларни...

Безовта қилмасин маъсум қушларни

Ногоҳ бўлинмасин она алласи,

Ҳуркитмасин дардим ширин тушларни

Эзгу тонг палласи.

Ўз дардимни ичимга ютаман,

Оламнинг беғубор тонгин кутаман.

Бунда нозик бир нуқта бор: шоир қаҳрамоннинг ҳеч кимга ошкор қилмаган дил рози – “ўз дарди” ҳам бу қадим дунёнинг тонг олдидаги сокин, шаффоф стихияси қаршисида лол қолади, унга сингиб кетади, шеър

интиҳосида боғлар сокинлиги, қушлар ороми, она алласи, ширин тушлар, эзгу тонг умиди каби ҳаётбахш ўйлар тантана қилади, шеърга чуқурроқ разм солганда, унга тинчлик мотивлари санъаткорона сингдирилганини уқиб олиш қийин эмас. Демак, қандайдир “хастаҳол мисралар” ҳақидаги даъво шеър руҳидан бутунлай узоқ.

КЛАССИК шеърият намуналари билан мулоқот мунаққиддан махсус ва кенг маърифатни тақозо қилади. Классик поэтика меъёрларини, чунончи, шеърӣ усулларни, рамзлар, мажозлар, истиоралар, киноялар, сўз санъатининг ўзига хос лутф ва ғамзалари характерини, моҳиятини яхши билмасдан туриб, шеърларни таҳлил этишга уриниш танқидчини ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Характерли бир мисол. “Ўйга толдирувчи қўшиқ” мақоласида олим ва мунаққид Н. Шукуров Огаҳийнинг “Устина” радифли ғазалини байтма-байт шарҳлашга жазм этади. Бироқ, фикримизча, мазкур ғазалнинг тўққиз байтидан биттаси ҳам яхлит тарзда, росмана шарҳлаб берилмаган. Хусусан, **олтинчи, еттинчи, саккизинчи** байтлар мазмуни ё тўла, ё қисман бузиб талқин қилинган. Масалан, олтинчи байтда шоир талмеҳ санъатидан фойдаланиб, Бисутун қояларини тилга олади (“Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмағай, Гардун, агар минг Бисутун ёғдирса Фарҳод устина”). Мақолада ҳеч қандай заруратсиз қоятошга битилган ёзувлар тафсилотига ўтилади (аслида улар Хусравга эмас, Дорога алоқадор), камига Фарҳоднинг қотили сифатида сосоний Хусрав Парвез қолиб... каёний шоҳлардан Кайхусрав (?) нишонга олинадил! Бир байт шарҳида икки хатога йўл қўйилади... Еттинчи байтда эса “яхши - ёмон” контрастлари (“Эй шоҳ, қарам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини, Ким меҳр нурын тенг солур вайрону обод устина”) ғоявий ва мантиқий жиҳатдан ғалат талқин қилинади: “... сен ошиқларнинг орасидан бирортасини танлашда бой ё камбағаллигига(?), юқори ёки пастки табақадан(?) эканига, рақибларнинг “бу яхши, бу ёмон” деган иғволарига(?) қараб эмас, балки уларни тенг кўриб иш тутгин” ва ҳоказо. Ҳолбуки Огаҳий “ёмон” сўзи остида аввало, ўз шахсини (аниқроғи, севимли лирик қаҳрамонини - ошиқни), қолаверса ноҳадан ёмон отлиғ бўлган ҳалол, пок кишиларни, эҳтимолки, барча ҳаммаслак дўстларини назарда тутаётгани ва аксинча, “яхши” сўз замирида муайян киноя – истеҳзо яширинганини сезиш қийин эмас (ахир “ёмон” “вайрона”га, “яхши” “ободга” контраст нисбат сифатида олиниши ҳам бежиз эмас-да). Бунга айниқса классикада мисоллар ва Саккизинчи байтда келган яна талмеҳ санъати тақозоси билан зикр этилган Сулаймон пайғамбар (“Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил. Сайр эт Саймондек агар тахтинг қуриб бод устина”) шоир кўзда тутган маънонинг зиддига... одамларни “ирқ”қа(?), табақаларга(?) ажратувчи кучларга қарши

қўйилади... Ваҳоланки, Огаҳий: Сулаймондек афсонавий ёшдаги шоҳ ва пайғамбарга вафо қилмаган умр кимга ҳам вафо қилсин, бас, уни қадрламоқ ва яхши от қолдирмоқ керак, демоқчи. Ғазалнинг бошқа олти байти ё умумий – мубҳам шарҳланади (масалан, биринчи байт), ёки кўриниб турган мазмунни қайтадан баён этиб беришдан нарига ўтилмайди. Улуғ шоирнинг сўз устида ишлаш, оригинал образлар яратиш, турли поэтик усуллардан ижодий фойдаланиш маҳорати мисоллар билан таҳлил қилинмайди, лоақал, “устина” радифнинг образли жоллари очилмайди (шарҳ-мақола асли шунга даъват этилган)...

Шеърят – эмоционал тафаккур меваси. Бинобарин, унга танқиднинг муносабати ҳам ўзига хос дидни, ўзига хос илмий иқтидорни, профессионал масъулият туйғусини тақозо этадики, бу ажабланарли ҳол эмас.

***Доронинг амри билан Ҳамадон яқинида қояга битилган, эрамиздан аввалги 522 – 519 йиллар воқеаларига оид хроника.**

ҚУВОНЧИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ

Коллектив меҳнат ва коммунистик ғоя ҳукмрон булган бизнинг жамиятимизда инсонга бўлган муносабат кишилик тарихида очилган янги, порлоқ, саҳифадир. Жамиятимизнинг йўлчи юлдузи, характерлантирувчи кучи – Коммунистик партиямиз дунёда энг инсоний, энг гуманистик партиядир. Унинг халқ манфаати, халқнинг буюк истиқболи учун курашдан бўлак туб манфаати йўқ. Инсонга бўлган меҳр, табиий, болага, бола туфайли онага ғамхўрликдан бошланади. Мана биргина лавҳа...

Шаҳримизнинг кўркем биноларидан бири – бундай бинолар кўп – ҳамиша диққатимизни тартади. У қайси бино бўлди? Унда нима сир бор экан? Ҳа, шаҳарнинг ўртасида жойлашган бу бинода жуда қизиқ ҳикмат бор!..

Шаҳар туғруқхонаси – пештоқиға чақалоқни эркалаб турган бахтиёр онанинг баралъефи қўйилган катта, шинам бино – инсоният баҳори, унинг кичик бир – инсоният баҳори, унинг кичик бир гулхонаси. Бу ер кун-тун ҳоли эмас, ўнлаб тоза гул-оқ ва қизил гуллар очилиб, дунёға жамолини кўрсатади. Юракларни шод, хоналарни обод қилади. Бу ердан доим яшин тезлигида хушхабар учиб туради. Бўшанган онани, интизор отани, яқинлар ва дўстларинигина эмас, борингки эшитган барча одамни қувонтиради. Турли миллат фарзандлари шу ерда, покиза хоналарда, бир доя қўлида бир меҳр ҳароратида ардоқланади, бир хил матода йўрғакланади. Инсоннинг қадри шу ердан бошланади. Бу ердаги она атрофида пеш-пиғон бўлиб, пўпалаб қилинган ғамхўрликлар она қалбини тўлқинлантиради, ёдидан кетмайди. Шунчалар бошға кўтариш, кунда неча қурдан ювиб-тараб янгилаб эъзозлаш... Бу ерга бир келган она беихтиёр яна келсам дейди.

Боланинг шарофатида она қанчалар азиз-аъло қилинади! Давлат оналарға қанчалар имтиёзлар яратиб берган! Дунёда бизнинг давлатимиздек инсонпарвар, олий ҳиммат давлат борми? Гўдак нормаль ўсиши учун ҳамма нарсанинг гули, асл тозаси, қиммати, нафиси шуларники. Шу мўйноқ кўзлар, жингалак сочлар, шу овозлари кўнғироқ дўмбоқлар учун, шуларнинг қувончи келажаги, шуларнинг юзидаги табассум аримасин учун давлат аямасдан маблағ сарфламоқда. Бахтиёр совет болалари учун қилинаётган ғамхўрлик, яратиб берилган шароитларни айта берса тугайдими?

Болаларнинг тез ўсиб, тезда вояға етиши, тез ақл топиши – бари шу ғамхўрликнинг улуғ зиёсидир. Оналарнинг қалби Ватанға, жонажон

партиямизга миннатдорчилик ҳислари билан пайвандлагувчи воситаларнинг биридир.

Болалар кунига шу сатрлар ҳам оталик ҳислари, ифтихор туйғуларини ифодалашига ишончимиз комил:

**Ўнгу-сулим ёш ўғил-қизлар,
Жило берар ранго-ранг гулдай.
Бурро тиллар, ой кулча юзлар
Фикру-ёдим тортар пайдардай.
Атрофда шўх кулгу янграйди.
Ҳаммаси ҳам хурсанд, хушчақчақ.
Ҳеч биттаси ғамни билмайди,
Ҳар бирининг манглайи порлоқ.
Ўзи кичик, оқил болалар
Зеҳни ўткир, зийрак шу қадар...
Юракда ўт, сиғмас жаҳонга,
Зийнат берар булар ҳар онга.
Булар – ҳаёт завқи, қувончи,
Эртамининг умид, ишончи.
Шулар билан яшаш мазмундор,
Юртда доим баҳор, лолазор.
Фарзанд ширин, чунки ҳур замон,
Она қалби ичра йўқ армон.
Соғлом эркин ўсар ёш авлод,
Шунинг билан ҳар хона обод.**

ПАХТАКОР ДЎСТИМГА МАКТУБ

Эй, пахтага кон, серкӯёш ўлканинг марди-майдони!

Биз буюк воқеалар шоҳиди бўлиб, ажойиб бир замонда яшамокдамиз. Аждодларимиз инсоннинг кушлар сингари ҳавода эркин парвоз қилишини, бир неча ойлик узоқ масофалар бир мўъжиза юз бериб жуда яқин бўлиб қолиши – учар гиламларни орзу қилган эдилар. Аммо, инсон ақл-идроки фазо томон юлдузлар оламига, албатта, йўл очажаги, бизнинг муборак тамғамиз Ойга бориб кўнажаги, одамлар Ойнинг биздан сир тутган орқа томони акс эттирилган суратни Ерда ўз қўллари билан тутиб томоша қилажаклари – бу каби ғаройиботлар, уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган бўлса керак... Ҳа, сен мана бугун кенг пахта майдонидан, айниқса, кейинги икки йил давомида ано-Ватан фани ва техникаси дунёни қанчалар хайратга солаётганини ифтихор билан кузатиб турибсан.

Ватаннинг ҳар қачонгидан қудратли бўлган, уни янги шон-шуҳратларга ўраган шу кунларда ер юзи бўйлаб илиқ умидбахш шамол эсаётганини айтмайсанми? Одамлар бугун кечагидан кўра эркинроқ нафас олиб, ўзларини осойишта ҳис этмоқдалар. Улуғ Советлар мамлакатининг раҳбари, тинчлик ишининг толмас курашчиси Никита Сергеевич Хрушчев Америка Қўшма Штатларига тарихий визит билан бориб, тинчлик ва дўстлик идеаларини, яхши ният, яхши умидларни кучайтирди. Дунёдаги барча тинчликсевар, прогрессив кишилар дилига ажойиб ёруғлик тушди, уларнинг қалбида унутилмас таассурот қолди.

Бизда коммунизм манфаатлари йўлида қилинаётган улуғвор ишларни санаб тугатиб бўлмайди, таърифлаб чиқмоққа сўз, ифода етмайди. Яқинда Ватаннинг энг яхши ўғил-қизлари, жумладан, сенинг вакиллари – машҳур пахта усталари ҳам Москвада Олий Советимиз мажлисида тўпланиб, халқ бахт-саодати йўлида, бугунги шонли ютуқлар, этаги порлоқ режалар хусусида кенгашиб, фикрлашиб қайтдилар. Айниқса, Кремлдан бутун дунёга тинчлик идеяларининг яна бир карра улуғвор садо бергани қувончли бўлди.

Кун ортидан кун, ҳафта ортидан ҳафта шундай қувончлар олиб келмоқда.

Кечагина Улуғ Октябрнинг 42 йиллигини бутун ватандошларинг билан бирга фахрланиш ҳисларига тўлиб-тошган ҳолда нишонладинг. Улуғ совет халқи, сенинг дўстларинг – ғаллакорлардан чорвадорларгача, содик

иттифоқдошнинг пўлат қуювчи, машинасоз ишчилардан бинокорларгача – ҳамма қадрдон жўраларинг, қондош-жондошларинг улуғ байрамга ғалаба рапортлари билан келди. Сен байрамни пахтазорда, меҳнат вахтасида, Ватан хирмониға ҳосилнинг салмоқли қисмини тўкиб туриб кутиб олдинг. Олдинги сафдагилар байрам шарафига ғалаба манзилени босиб ўтдилар ҳам. Улуғ намоишга бир қанча ғолиб қарвонларингни жўнатдинг. Сенинг шаънинга, пахтанг шаънига ҳам энг яхши сўзлар айтилади. Республика пойтахтида берилган улуғвор салютда ҳам ғолиб пахтакорларнинг зафар наъраси бор эди.

Пахтакор ўртоқ! Эндиликда бутун фронт бўйлаб, ҳамма сафларингда ғалаба қилиш арафасида турибсан. Қандай масъулиятли дамлар! Ҳозир бутун мамлакатнинг кўзи сенда. Юрагинг уриши, ҳаяжонинг баралла сезилиб турибди. Маррага яқин қолганда шундай бўлади. Бу йилги куз ҳосиятли келиб, сенинг жуда баракали хирмон кўтарганинг тўғрисидаги довруғ ҳаммаёқни тутиб кетган. Одамлар қаерда бўлмасин сенинг гапингни қилади, пахта планидан баҳс очади, газетадан сўнгги маълумотни қидиради. Ҳатто чоллар ҳам шуни суриштирмаса, кўнгиллари ўрнига тушмайди. Ҳаво сал ўзгара бошласа, ҳамма баробар ташвишланади. Бу бежизмас. Сенинг меҳнатинг озгина бўлса ҳам зое кетишини дўстларингнинг ҳеч бири истамайди. Пахтазорга қадам қўйган киши ота касбинг – пахтакорлик касбингни, пахтанг қимматини ҳам тушуниб олади. Пахта – умумхалқ бойлиги. У инсон ҳаёти учун зарур матоларнинг бири. Одамларнинг янги-янги кийиниб туриши, бахтиёр болаларнинг оппоқ, тоза қўйлақларда юриши – фаровонлик белгиси. Пахта ҳаётнинг энг содда сепи, беағи. Пойтахт қизларининг севимли кийими – ранг-баранг гулли тоза читлардан, мамлакат ясиларининг оппоқ чойшаблари – тоза батистлардан. Турмушнинг йилдан-йилга маъмур, тўкин-сочин бўлиб боришида, ҳар бир хонанинг тобора тўқис, маданий яшашида, одамлар чехрасида баҳор табассуми жилоланишида ҳам сенинг оқ олтининг бор.

Мана, шаҳарлик ишчи-хизматчи дўстларинг ҳозирги долзарб кунларни билиб, ҳар йилги ҳимматларини қанда қилмай, далабоп кийиниб, ҳашарга келмоқда. Тонг палласи, улар тушган машиналар кети узилмай далаларнинг қўйнига оқади. Ҳавони шўх кулги, қўшиқлар тўлдиради. Ҳашарнинг расми шунақа: ҳай-ҳай билан, ғала-ғовур, ҳазил, қувноқлик билан, суръат билан ўтади кеч киргани сезилмайди. Қарагин, катта-кичик, эркак-аёл, ҳатто далани, пахтани ҳавас қилиб, катталарга эргашиб келган баъзи бир болаларгача оппоқ, момиқ толаларни чаноқлардан қандай эҳтиёт ва иштиёқ билан оляпти. Ҳасчупдан тозалаб, пупалаб этақларига жойлашига бир боқ! Улар сенинг меҳнатингга қандай ҳурмат кўрсатяпти! Баҳорда чигит экканингдан тортиб

бутун ёз бўйи ҳар бир туп ғўзани ёш болани эркалагандай севиб парвариш қилдинг, ойдин кечаларда сув тараб, саратон иссиғида ҳам пўлат отингдан тушмадинг, оддий чигитни мана шу толага айлантиргунча сенинг сочган меҳринг, аямай сарфлаган кучинг, ироданг, билимингни айта берса тугамайди.

Мана шу ҳалол меҳнатинг самарасини ерда битта қолдирмай йиғиб териб олиш лозимлиги ҳозир ҳар бир софдил киши учун аён.

Куз ҳавосига ишонч йўқ. Ҳаво бирдан пастлаб, далада қолган ҳосил нобуд бўлмасин, деб ҳамманинг жони ҳалак. Саратонда тўккан терингдан ҳосил бўлган гавҳарни, эл-юрт дастурхони янада мўл-кўл бўлишини, халқ давлат манфаатини ўйлаган ҳар бир виждони пок киши бугун далага отланмоқда.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас. Кўпнинг қўли барака, кўпники қўл дейдилар. Ватанпарвар дўстларинг шарофати билан ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, мамлакат хирмониға тўкишингга шубҳа йўқ. Ғалаба тўйинг, катта шодиёналар яқин. Ғалабани тезлаштириш учун суръатингга яна суръат қўш. Бугун фақат ҳаракат қилган, ердаги “оқ олтин”ни қанча тез териб олган ютади. Фурсатдан ют, ютқазма. Токи энг сўнгги толалар ҳам увол бўлмай, хирмонға, қанорға тушсин. Ўшанда барча қардошларинг учун, бугун халқинг олдида юзинг ёруғ бўлади, Москваға юборган шонли вакилларинг тилидан Партия ва Ҳукумат раҳбарлари олдида, бутун халқинг олдида берган эътиборли сўзингнинг устидан чиққан социалистик мажбуриятингни ҳам шараф билан адо этган бўласан. Шунда улуғ етти йилликнинг биринчи йилиға муносиб ҳисса қўшган бўласан.

Дўстим! Сен жонажон Ватанға баланд руҳ билан рапорт берган кунинг кенг пахтазорда тўй бошланиб кетса, чор-атрофдан қардошларинг муборакбод этиб қошингға келсалар, сен ҳам ғалаба гаштини суриб яйрасанг! О, қандай ажойиб бўлади! Фидокорона меҳнатинг истироҳати, хордиғи, дами қанчалар ширин! Бу, сенинг ҳаққинг, дўстим. Бу, Улуғ Октябрь меваси, партия ғамхурлигининг ёрқин ифодаси.

Совет даврида Коммунистик партия раҳбарлиғида барча деҳқонлар учун мислсиз кенг имкониятлар, нурли истиқбол очиб берилди. Партия бош бўлиб қишлоққа қилинган революцион ўзгаришлар натижасида туғилган қудратли колхоз тузуми деҳқоннинг кучини, истеъдодини жуда юқори кўтарди. Совет деҳқони энг прогрессив агротехникаға, энг яхши тажрибаға суяниб иш юргизмоқда, йил сайин машиналар тилини пухта ўрганиб, ўзлаштириб бормоқда. Бугун у ўзининг моддий-техника базасиға эға.

Хўжалиги ҳар қачонгидан йирик, бадавлат, қулочини қаерга ёйса, етадиган бўлиб қолди. Партия иродаси билан деҳқон қисқа муддатда узун каналлар қазиди, минг йиллар қақраган чўллар гулистонга – пахтазор ва мевазорларга айланди.

Булар ҳаммаси меҳнатинг, пахтанг шарофати, дўстим. Сен булар билан фахрлансанг арзийди.

Далаларингда терим машиналарининг муваффақиятли ишлаши – сенинг бахтинг. Олимлар сенинг меҳнатинг бутунлай енгил бўлсин деб, бу машинанинг камчиликларини яна ўргана бориб, уни мукаммал ҳолга, такомиллашган даражага етказиш учун кун сайин бош қотирмоқдалар. Ташсельмаш заводи чиқарган сўнгги терим машинаси ҳозир дунёда тенги йўқ. Кимки, илғор агротехникаталабларига риоя қилиб пахта ўстирса, қандини ураверсин.

Меҳнатсевар дўстим! Сенинг мард, толмас ўғил-қизларинг, атоқли пахта усталаринг – моҳир механизаторлар, чевар теримчиларинг билан бутун мамлакат фахрланади. Сафларингдан янги-янги азаматлар майдонга чиқиб, ватанпарвар Валентина Гаганова, Ғанишер Юнусовлар изидан бориб, қийин участкаларни – шўр, қамиш-қиёқ босган ерларни ўзлаштириш учун отланаётир, чўлларни гулистон қилаётир, қоқоқ участкаларни ҳам илғорлар даражасига кўтаётир.

Коммунизм Ватанида кимки ўз меҳнати билан жамиятга мумкин қадар кўпроқ фойда келтирса, унинг номи азиз, тилларда дoston бўлади, кўшиқларда куйланади. Сен ҳам меҳнатингги яраша донг таратдинг, кўш-кўш орден ва медаллар тақдинг. Кўксингда “Олтин Юлдуз”лар порлади.

Сенинг дўстларинг ишни қойил қилишмоқда. Қардошинг – тожик пахтакорлари ваъдага вафо қилдилар. Пахтачилик илмини сенга ўргатган ўзбек пахтакорлари мамлакат хирмонига 3 миллион тоннадан кўпроқ “оқ олтин” тўқдилар. Улар бугун сенинг ҳам ишингни кузатиб турибдилар. Улар сен ҳам ишни дўндирасан, деб қатъий ишонадилар.

Элга, юртга ҳиммати баланд дўстим! Сўнгги бор енг шимариб, ишга туш! Ҳозиргача мамлакатга 135 минг тоннадан ортиқроқ пахта етказиб бердинг. Яна бир зўр берсанг, маррага ҳам етасан. Далангдаги ҳосил ошиб-тошиб ётибди. Уни тезу тоза териб ол. Вақт зик келиб қолди. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленим очиладиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Партия мудом олға етаклар экан, бу сафар ҳам ғалаба сенинг йўлдошингдир. Пахтазорда тезроқ тўй бошлансин, ўйин-кулги, куй,

яллалар, қувонч садолари оламини тутсин. Ўша қутлуғ айёмда – қардошлар
даврасида бутун халқ билан бирга “Ҳорма, азамат!” деб табрикляжакман!

Сўнгги бир ғайрат қил, дўстим пахтакор,

Қардошлар юзига сен ҳам дадил боқ.

Ватанга ғалаба рапортин юбор –

Ғолиблар сафига тезроқ кир, тезроқ!